

Амоңу



ЖОНДАН АЗУЗ  
ЖАНОНА

84 (337-5)



## АМОИИ



# ЖОНДАН АЗИЗ ЖОННОНА

*Fazallar*



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ 11780-2052  
ТОШКЕН

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
**Teshbo'tau**  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

ББК 84(Ўз7-5)  
А-87

Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи:

**ЭРГАШ ОЧИЛОВ,**  
*филология фанлари номзоди*

**А-87 Атойи.**

Жондан азиз жонона / Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов.— Т.: «Sharq», 2011.— 304 б.

Алишер Навоийгача ўтган туркий адабиётнинг забардаст намояндаларидан бири, ўзбек ғазалчилиги устозларидан бўлган Атойи номи қадимдан халқимиз ўртасида машхур, ғазаллари ҳофизлар тилидан тушмай келади. Шоирнинг шохбайт даражасидаги:

*Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,  
Фояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур, —  
мисраларини ёд билмайдиган шеърият мухлиси  
топилмаса керак.*

Атойи ғазаллари ниҳоят даражада халқчиллиги, фикрларнинг табиий оқимию туйғуларнинг самимий ифодаси билан кўнгилга яқин. Охорли халкона ташбеҳлар, гўзал лутфлар, нозик кочиримларга бой, содда тил ва равон услубда ёзилган шаклан гўзал ва мазмунан теран бу хассос ва дилкаш ғазаллар шеърсевар халқимизга ўзига хос яна бир тухфа бўлади, деб ўйлаймиз.

ISBN 978-9943-00-562-4

ББК 84(Ўз7-5)

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2011.

## АТОИИ ШЕБРИНИНГ ЛУЛДИ

Атойи деганда шеърият муҳлисларининг тилида:

*Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,  
Ғояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур, –*

мисралари айланади. Нозик шоирона тасвир, гўзал халкона ташбех асосига қурилган бу нафис, ҳароратли, кўнгилга яқин мисралар асрлар давомида тилдан-тилга ўтиб, кимсан Алишер Навоийдек сўзга талабчан шеърият султонининг ҳам эътирофига сазовор бўлган. Шоирлар борки, девонларини бирор билмайди, шоирлар борки, бир байт шеъри билан машҳур бўлиб кетади. Шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий жиҳатдан мукаммал, қасида ёки ғазалнинг асосий моҳияти, етакчи ғоясини ўзида мужассам этган бундай байтларни мумтоз адабиётшуносликда «шоҳбайт» дейишади. Атойининг ушбу байти ҳам шоирнинг шуҳратини элга ёйган «шоҳбайт»лар сирасига киради.

Алишер Навоийгача ўтган туркий адабиётнинг забардаст намояндаларидан бири, ўзбек ғазалчилиги устозларидан бўлган Атойи XIV асрнинг иккинчи ярми – XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган. Яссавия шайхлари авлодидан бўлганлиги учун Шайхзода Атойи деб юритилади. У бир-икки авлод орқали бевосита «Туркистон мулкининг шайх ул-машойихи»<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд. – Тошкент, 2001. 419-бет.

Хожа Аҳмад Яссавийга бориб боғланади. Шоирнинг таржимаи ҳоли ҳакида деярли маълумот йўқ: унинг қачон ва қаерда туғилгани, қайси шаҳарларда қанча муддат яшагани ҳамда асл исми номаълум. «Лекин шоир девонида темурий шаҳзодалардан Мирзо Шоҳрухнинг ўғли Мухаммад Жўқий, Улуғбекнинг ўғли Алоуддавлаларни тилга олиб ўтгани эътиборга моликдир. Чунки ҳар учала шаҳзоданинг маълум муддат Балхда ҳукмронлик қиласиганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Демак, Атойи Балх, шунингдек, Ҳирот ва Самарқандда шу уч темурий шаҳзодалар ҳукмронлиги даврида яшаганлиги аниқ»<sup>2</sup>. Мавлоно Атойидан бизгача 260 та ғазалдан иборат ягона девон етиб келган бўлиб, у ҳозирда Санкт-Петербургдаги Шарқ шунослик институтининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида 22 В-2456 раками билан сақланади.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида ёзади: «Мавлоно Атойи Балхда бўлур эрди. Исмоил ато фарзандларидиндур, дарвешваш ва хушхулқ, мунбасит<sup>3</sup> киши эрди. Туркигўй эрди. Ўз замонида шеъри атрок<sup>4</sup> орасида кўп шуҳрат тутти... Мавлоно кўп туркона айтур эрди... Қабри Балх на-во-хисидадур»<sup>5</sup>. «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида

<sup>2</sup> Рафиддинов С. Мажоз ва ҳакиқат. – Тошкент, 1995. 11-бет.

<sup>3</sup> Мунбасит – очиқ чехрали.

<sup>4</sup> Атрок – туркийлар.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 13-жилд. – Тошкент, 1997. 63-бет.

мамлакат туркий султонлар қўлига ўтган Ҳулогуҳон ва соҳибқирон Амир Темур замонидин фарзанди Шоҳруҳ Мирзо замонининг охиригача майдонга чикқан туркий шоирлар Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Муқимий, Яқиний, Амирий ва Гадоийлар қаторида Атойини ҳам хурмат билан тилга олади<sup>6</sup>. «Ўқ ва ёй» мунозарасида Яқиний ҳам Атойининг бир байтини мисол қилиб келтиради<sup>7</sup>.

Атойи девонини топиб, уни кенг жамоатчиликка маълум қилган олим таникли шарқшунос А.Н.Самойлович ҳисобланади. У 1927 йили бу ҳақда «XV асрдаги Чифатой шоири Атойи» номли мақола ёзиб, шоирнинг 17 та ғазалини эълон қиласди. Шундан кейин Атойи ижодига қизиқиши кучайиб кетади. Абдурауф Фитрат,Faфур Ғулом, Ҳоди Зариф, Эргаш Рустамов, Ойбек, Насрулло Даврон, Натан Маллаев, Эркин Аҳмадхўжаев, Абдуқодир Ҳайитметов, Суйима Фаниева, Иброҳим Ҳаққул, Сайфиддин Рафиддин каби олимлар шоир ҳёти ва ижодини тадқиқ қилиш ҳамда асарларини нашр этишга ўз ҳиссаларини қўшидилар.

Академик шоиримиз Faфур Ғуломнинг ёзишича, Атойи «шимолий Туркистон (Чимкент, Сайрам, Туркистон, Иқон, Ўтрор)нинг қайси бир еридадир туғилиб, кейин маърифат қидириб қадим пойтахтимиз Ҳиротга бориб, шу ерда турғун бўлиб қолган бўлса

<sup>6</sup> А ли ш е р Н а в о и й. Муқаммал асарлар тўплами. 16-жилд. – Тошкент, 2000. 35–36-бетлар.

<sup>7</sup> Қаранг: Я қ и н и й. Ўқ ва ёй // Муборак мактублар. – Тошкент, 1987. 259-бет.

---

керак. У Шоҳруҳ ва Улуғбек даврида яшаган, ижод қилган... Шоирнинг сўзидағи ўта тиник ўзбеклик шимолий Туркистон ўзбекларининг шевасини эслатади. Унинг 260 лирик ғазалидан 109 таси аруз вазнларига мос тушадиган халқ қўшиқлари вазнлари билан ёзилгандир. Асарларига тил томонидан шоир Аҳмад Яссавийнинг кучли таъсири бор»<sup>8</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, шоир шеърияти халқ жонли тилига яқин, содда, лўнда ва тушунарли, ширали ва равон. Халқ оғзаки ижодини яхши билган Атойи шеърларида мақол-маталларга кенг ўрин беради, одатий сўзлар ёрдамида оҳорли ташбехлар, бежирим тимсоллар яратади. Ҳамма кўриб, лекин ҳеч ким эътибор бермайдиган оддий нарсалар, кундалик воқеалардан фавқулодда гўзал образлар ясади, теран хulosалар чиқаради. Содда, шунинг баробарида, аклни ҳайратга соладиган дилбар ўхшатишлар, тушунарли, лекин кишини мафтун этадиган ажойиб тимсоллар шоир шеъриятининг асосини ташкил қиласди. Халқ эртаклари, афсоналари таъсирида яратилган «сув қизи» ҳақиқати машҳур ғазалини эсланг:

*Ул иликким, сувдин ориқтур, юмас они суда,  
Балки сувни пок бўлсун деб илики бирла юр.*

Мазмуни: «Санамнинг қўллари сувдан-да покиза. У сувда қўлини чаймаяпти, балки пок бўлсин, деб сувни қўллари билан юваётир».

Ёки:

---

<sup>8</sup> Ф а ф у р Ғ у л о м . Асарлар. Ўн жилдлик. 8-жилд. – Тошкент, 1976. 272-бет.

*Гар боши күкка етар, ой бир ҳабаш қулдур санга,  
Хар киши туымас муниңг, уш юзида билгулари.*

Бу байтда ой сенинг бир қора қулингдир, дейиш орқали шоир маъшукасининг бекиёс гўзаллигию ойнинг юзида эса доги борлигига киноя қилаяпти.

Ёки:

*Чун муқаррапардурки, сен ҳусну малоҳат ганжисен,  
Айб эмас, гар лутф этиб келсанг  
бу вайрон кўнглума.*

Халқ орасида машҳур «Ганж вайронада бўлади», деган иборага ишора қилиб, шоир маъшукасига айтияпти: «Сен ҳусну малоҳат ганжи бўлсанг, менинг кўнглим вайронадир. Бас, ганжнинг вайронада бўлиши ҳеч кимни ажаблантиргани сингари кўксимда ватан тутсанг, бу ҳолни ҳеч ким айб этмайди».

Шоирларнинг ўз фикрларини тасдиқлаш ёки кучайтириш учун шеърларида халқ мақол-маталларига, машҳур ҳикматли сўзларга, эл ичида юрган образли ибораларга мурожаат қилишлари илми бадеъда ирсоли масал санъати деб юритилади. Куйидаги байтида шоир «Ўтган дам топилмайди» мақолидан ўз бадиий мақсадини ифодалаш учун фойдаланади:

*Ғанимат тут жамоли ҳусн даврин,  
Масалдурким: «Яна бу дам топилмас».*

Баъзан шоирлар бир байтда кетма-кет икки мақол келтирадилар. Бу – ирсол ул-масалайн деб аталади. Атойининг қуйидаги байтида ҳам икки мақол ёнма-ён келтирилган – «Яхшилик қил, сувга сол» ҳамда «Хар ким экканини ўради»:

*Бўлди багрим сув гамингдин, яшишик қил, сол суга,  
Охир, эй гул, хирманин, албатта, ҳар эккон ўрор.*

Бугина эмас. У кўз учидан киё боқиши, маъшуқа хуснига тўйиш, ошик конига сувсаш, жондан тўйиш, қилча жон, сув қизи, пари, девона, кутурган ит, қўли қисқа, кўзи ёмон, жондан қўл ювиш, Худо ёринг бўлсин, сўраш айб эмас, қоним ўз бўйнимда, кўздан учиш, тилни кесиш, бир назар солиш, дармонда бўлиш, қон бодламок, дарднинг даводан ўтиши, бош олиб кетмок, кўзи тўйимас гадо, қора қайғу каби халкона иборалардан маҳорат билан фойдаланиб, мана бундай гўзал халкона мисра ва байтлар тузади:

*Ҳар бир сўкунчунг ўрнида юз минг дуо  
бўлсун санга.*

\* \* \*

*Бу кўнгулдор, эй мусулмонлар, манга не ихтиёр?!*

\* \* \*

*Манга сенсиз тирилгандин ўлум юз қатла  
ортукроқ,  
Бу сўзда, Ҳақ билур, кўнглум тилим бирла  
мувофиқдур.*

\* \* \*

*Хаёлинга кўнгулда жон берурмен,  
Азиз тухфа эрур меҳмонга лойиқ.*

\* \* \*

*Агар зулфунг учун чопсанг бошимни,  
Юз эвурсам, манинг бўйнумга қоним.*

\* \* \*

*Нечаким афғон құлурман – толеъим қылмас назар,  
Гүйё баҳтим құлогин ноладин кар айладим.*

\* \* \*

*Юзига күп тика боқсам, манга кулуң айттур:  
«Атойи, не құзи түймас гадо әмишшуксен?!»*

Бу мисоллар Атойининг халқ тарихи, оғзаки ижоди, урф-одат ва анъаналари, маросимлари, турмуш тарзи, орзу-ўйлари, интилишлари, табиатини чуқур билғанлигини күрсатади. Маълум бўладики, Атойи том маънодаги халқ шоиридир. Халқона содда ва ўйноқи услугуб, барчага тушунарли соф туркий тил, аниқ ва равон ифода тарзи, оғиздан-оғизига кўчиб юрган қанотли иборалар, гўзал лутфлар, нозик қочи-римлар, теша тегмаган сўзлар, кўнгилга яқин оҳанг ва дилўрттар жаранг, тимсолу ташбеҳларнинг ҳаётий ва табиийлиги, туйғу-кечинмаларнинг самимий ва таъсирчанлиги бунинг ёрқин исботидир. Шоир ғазалларининг халқ қўшиклари каби машхур бўлиб, асрлар давомида ҳофизлар тилидан тушмай келаётганининг сабабларидан бири ҳам шунда.

Мумтоз шеъриятда шоирнинг маҳорати унинг бадиий санъатлардан қанчалик маҳорат билан фойдаланишида намоён бўлади. Атойи ғазаллари ҳам шеърий санъатларга бойлиги билан бадиий баркамоллик касб этади. Шоир ижодида тимсолу ташбеҳдан холи, шунчаки тизилган байт ёки мисра йўқ ҳисоби. У ўй-фикрлари, туйғу-кечинмаларини ҳамиша бирор кутилмаган тимсол, фавқулодда ташбеҳ орқали ифодалайди

ва юксак бадиий таъсирчанликка эришади. Айни пайтда, бу тимсолу ташбеклар ўзининг табиий хусусияти ва самимий тасвири билан ўқувчини ҳайратга солади. Теварак-атрофдаги оддий, бирор эътибор бермайдиган нарсаларда шунчалик гўзаллик ва жозиба борлигини кўриб, бу шеърларнинг қанчалик хаётийлигига ҳайрон қоласиз, муаллифнинг бекёс маҳоратига таҳсин ўқийсиз, мисраларнинг бетакрор жозибасига мафтун бўласиз. Чунончи, шоир ҳар лаҳза хаёлинг кўзимдан ўтади, деган фикрни мана бундай гўзал ташбек билан ифодалайди:

*Кўзларим дарёсидин ҳар дам хаёлинг кечкали,  
Кирпикимнинг хаслариндин боғламишмен солни.*

Мазмуни: «Сенинг ҳажрингда менинг кўзларим ёши дарё: хаёлинг бу дарёдан эсон-омон ўтиши учун киприкларимдан қайиқ ясабман».

Куйидаги байтда маъшука кўзининг қорасини – куфрга, оқини – иймонга ўхшатади:

*Қароси кўзларингнинг оқи бирла  
Ажаб куфредур иймон бирла ҳамроҳ.*

Ҳакиқатан ҳам, куфр – қораю иймон – оқ-да.

Бошқа бир байтида сиз жоннинг суратини кўрмоқчи бўлсангиз, у нозик кўйлак ичидаги танни кўринг дейди:

*Агар жон суратин кўрмак тиларсен,  
Кўрунг ул танни нозук пираҳандин.*

Ёки Атойидан муҳаббатингдан бирор нишона кўрсат десант, ярадор юрагидан кипригинг ўқини чиқариб кўрсатади, деб лутф этади:

---

*Гар Атойидин мұхаббатнинг нишонин истасанг,  
Кирпигинг үқин чиқорғай сийнаи афгоридан.*

Маъшуқа вужуди шунчалик нағис, ошиқ жисми шунчалик қаттиқки, ногаҳон маъшуқаннинг нозик оёқлари ошиқнинг дағал юзларига тегиб кетса: «Бу юзми ёки бўйрами? Оёғимни оғритиб юборди-ку!» – дейди ноз билан эркаланиб:

*Гаҳеки, босса аёгин юзумга, ноз ила дер:  
«Аёғим оғриди, не бўрё эмиштуксен!»*

Шу тариқа, Атойи фақат ташбеҳлар тили билан гапиради – ҳамма нарсани сўзлатади, барча нарсадан гўзаллик топади, ҳар бир ўхшатишига ўқувчини ишонтира олади. Айтайлик, маъшуқаннинг узун сочлари оёғини ўпади, бинобарин, соч ошиғининг жойи ҳам оёқ остида:

*Узун сочингдин узмасмен кўнгулни,  
Оёгинг қанда бўлса, бошим анда.*

Атойининг шоирона назарига кўра, ғунча ҳам ўз-ўзидан очилган эмас, балки тиканини маъшуқа кипригига қиёс килинганидан тўнига сиғмай суюниб кетган, яъни кувончдан «ёрилган», ўзига сиғмай тўнининг бандлари очилиб кетган:

*Ғунча севунуб тўнига сиғмас  
Ўхшатсан ўқунг башоқи бирла.*

«Лола ўзини юзингга ўхшатган бўлса, у бечорани маъзур тут, – дейди бошқа бир байтида, – у ичи қора (бағридаги қора тугунга ишора!) сахрода ўз бошига ўзи етади:

*Лола ўхшатса ўзин рухсорингга маъзур тут,  
Ёзида ўз бошига қўбқондур ул кўнгли қаро.*

Шоирнинг ўткир ва нозик бадиий мушоҳадаларига кўра, маъшуқа малоҳат мулкини икки кўзи билан иттифоқ тузган зулфи кўшини ёрдамида забт этган; сарв сув бўйида гўзал кўрингани каби маъшуқа қоматининг ҳам ошиқнинг ёшли кўзларидан жой олгани яхшиrok; ошиқнинг кўнгил уйини вайрон қилса, маъшуқанинг ўзига ёмон бўлади, чунки унда ўзининг сурати чизилган; маъшуқанинг ҳусни кундан-кунга зиёда бўлганидек, ошиқнинг муҳаббати ҳам кундан-кунга кучаяди; даврада маъшуқанинг оғзию кўзидан сўз очиб бўлмайди – пистаю бодом (бунда пистанинг оғизга, бодомнинг кўзга ўхшашлиги назарда тутилмоқда) ҳасаддан чақилиб кетади; маъшуқа юзидағи хат (майин тук)лар ҳусну жамол котиби томонидан гул саҳифасига битилган шоҳбайт каби кишини ўзига тортади; ошиқ хаёлу тасаввурида ҳар қанча гўзал бинолар тикламасин, ишқ сели уларни ер билан яксон қилиб ташлайверади; маъшуқа бармоқларининг қизиллиги ҳинодан эмас, балки унинг йўлида қурбон бўлган ҳад-ҳисобсиз ошиқлар конидандир; ошиқ маъшуқанинг ой юзи шавқида кўз чироғини ёш ёғи билан ёндириб, тонггача ухламай чиқади; маъшуқанинг елкаси билан битта бўлиб ётган соchlари гул устига ёприлган кушларга ўхшайди; маъшуқанинг шакар оғзи қошидаги лаъл конини холлари қўриқлаб ётади; ҳар тонг шарқдан бош кўтарадиган куёш аслида фалак кўнгилга соладиган хижрон ўти бўлиб туюлади; ёмғир ёғмаса, гул яхши очилмаганидек, ошиқ

йиғламаса, маъшуқа ҳам юзидан никобини олмайди; пок гүзални кўриш учун пок назар керак – ошикнинг кеча-кундуз юзини кўз ёшлари билан юваётгани шундан; дарё сайрини кўнгли тусаган маъшуқа ошик кўзлари олдига келсинки, унинг ёшлари олдида ўзга уммонга ҳожат йўқ; бошқалар зебу зийнат билан ўзларига пардоз беришса, шоирнинг маъшуқаси бошдан-оёқ латофат суви билан йўғрилган; маъшуқа нозу ишва билан ошикни девона айлаб, кейин ўзи парилардек пинҳон бўлади; маъшуқанинг бели аридек ингичка (бу ташбех бошқа шоирларда учрамайди); ошикнинг мажруҳ юрагида маъшуқанинг ғамзаси наштари санчилмаган жой йўқ; ошикнинг ўзи ёмон кўздек маъшуқадан узоқ тушган бўлса ҳам, бечора кўнгли у билан бирга кетган; ошикнинг саҳарда чеккан охлари етти фалакдан ўтади; зинданда ҳаёт завқини суриб бўлмаганидек, рақиблар сухбати ҳам кишининг завқини сўндиради; бошқаларда ҳусн бисотидан зулф ёки хол бўлса, илоҳий маҳбубанинг бошдан-оёғи нуқул ҳуснтир; агар маъшуқа ўзига қул килиб олса, бечора ошиқ кипригини супурги, юзини хокандоз қилиб, унга фаррош бўлишга ҳам рози; мусаввир қаердаки у Лайли суратлик суратини чизса, ёнида Мажнун каби ҳайрон бу ошиқ расмини ҳам чизиш керак, акс ҳолда, сурат мукаммал бўлмайди; ошиқ маъшуқа лаби шавқида мактуб битса, уни ўқиганда ҳар бир сатридан ошиқ жигарининг қони тўкилади; маъшуқа кўнглида зарра вафо бўлганида қуёш каби шухрати бутун дунёни тутар эди; ҳакиқатда ошиқу маъшуқ бирдир – уларнинг орасига ҳатто сабо ҳам сигмайди; ошиқ маъшуқани на суйиб тўяди, на

унинг хуснига тўйиб – одам фарзанди ҳам шунчалик гўзал бўладими; вафосиз гўзаллар ғамида кўнгил ҳар лаҳза япроқдай титрайди; маъшуқанинг лаби устидаги майнин туклар қанду шакар устига кўнган тўти-нинг айни ўзи; маъшуқанинг юзи – хусн ҳазинаси бўлиб, соchlари уни кўриклайди – бу икки аждарни афсун билан енгишга ошиқнинг қурби етармиди; қур-бон ҳайитида одамлар бирор нарсани қурбонлик қилсалар, бечора ошиқ жонини маъшуқасига қурбон-ликка келтиради... Шу тахлит бундай тимсолу ташбеҳларни, оҳорли ва гўзал тасвирларни хоҳлаганча келтириш мумкин – улар шоир ижодида тўлиб-тошиб ётиби.

Шоирлар борки, гўзал ва оҳорли ташбеҳлар қиди-риб, бутун девонини қидириб чиқасиз, шоирлар борки, бетакрор тимсолу ташбеҳлар ҳар шеърида тўлиб-тошиб ётиби – улардан қайси бирини танлаб олишни билмай шошиб қоласиз. Атойи ҳам кейинги тоифадаги шоирлар жумласига киради – шоир ғазаллари ранг-баранг тимсолу ташбеҳларнинг кўплиги билан ўқувчини ўзига тортади. Шоирона назарнинг ўткирлиги, мушоҳаданинг нозиклиги, тафаккурнинг теранлиги, диднинг баландлиги, қалбнинг ҳассослиги, истеъдоднинг етуклиги, маҳоратнинг юксаклиги ва шунга мувофиқ равишда тилнинг содда, ифоданинг лўнда, услубнинг равон, оҳангнинг таъсирчан, бади-ийликнинг мукаммаллиги Атойини ўзбек мумтоз шеъриятининг забардаст намояндаларидан бирига айлантирган ва унинг Шарқ сўз санъати тарихидаги ўзига хос мавқенини тайин этган асосий омиллар ҳи-собланади.

Атойи ижодида хусни таълил санъатининг ҳам гўзал намуналарига дуч келамиз. Ҳусни таълил – чиройли далил келтириш бўлиб, шоирлар ўз фикрларини бадиий гўзал шаклда асослаш учун бу санъатга мурожаат қиласидар. Бунда келтирилган далил ифодалангандан фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлмай, шоирлар лутф юзасидан уни важ қилиб кўрсатадилар. Жумладан, Атойи янги ойнинг ҳар ойда бир марта кўринишига унинг маъшуқа кошларидан уялишини сабаб қилиб кўрсатади:

*Янги ой қошлари хижсолатидин  
Ойларда бирор-бирор кўринур.*

Мана бу байтда эса сарв ва шамшод дарахтларининг бир ердан қўзгалмаслигини маъшуқа коматини кўриб, турган ерида ҳайрон бўлиб колганлиги билан асослайди:

*Ҳар бири турғон ерида қолди ҳайрон бандатек  
Қоматингдин боғ ичинда сарву ҳам  
шамшодлар.*

Қўйидаги байт ҳам хусни таълилга гўзал мисол бўла олади:

*Йилда бир қотла кўринур, зарра чиқмас боғдин,  
Ўғрилиқ қилғон учун ранги лабингдан аргувон.*

Мазмуни: «Лабингдан ранг ўғирлагани учун аргувон боғдан чикмай, бир йилда бир марта кўринади (яъни бир йилда бир марта гуллайди)».

Бошқа бир байтида лабингнинг ширинлигини кўрғач, қамиш хижолат бўлганидан шакарини банди

иичига яшириди тарзида хусни таълил санъатининг яна бир гўзал намунасини яратади:

*Лабингни қанда кўрмишким, ўёттин  
Ёшурди банд ичинда най шакарни.*

Бу ерда ҳам шакарнинг қамиш бандида етилиши табиий ҳол. Лекин зукко шоир маъшуқа лабининг ширинлиги олдида ўз шакарининг тоти ҳеч нарсага арзимаслигини билиб, қамиш уни бандига яшириди деб ҳеч ким кутмаган сабаб топади.

Бундан ташқари, марвариднинг уммон қаърини ватан тутганига маъшуққанинг тишлари билан хусн талашгани, фунчанинг очилганига маҳбуба оғзи билан мўъжазликда баҳс бойлашгани учун шамолдан тарсаки егани, хуру париларнинг қиёматгача жаннатда яшириниб олганига илоҳий ҳусн олдида ўз гўзалликларининг ҳеч нарсага арзимаслигини билганлари, шамшод дараҳтининг Мозандарон ўрмонларида ўсишига у гўзалнинг сарв каби гўзал коматини кўргани сабаб қилиб кўрсатилиди ва ҳоказо.

Жонсиз нарса-ҳодисаларни жонлантириб, уларга инсонга хос хусусиятларни беришга ташхис санъати дейилади. Қуйидаги байтида Атойи чаманда сенинг жамолинг таърифини келтирган эдим, гул уятдан қизарип кетди, дейди:

*Жамолинг васфини қилдим чаманда,  
Қизорди гул ўёттин анжуманда.*

Ёки:

*Неча занжир айласам кўнглум уйининг эшикин,  
Найлайн, қайдин келур зулфунг хаёли бои уруб.*




Бу ерда ёр зулфининг хаёли кўнгилни тарк этмаслиги унинг ҳар кеча кўнгил эшигига бош уриб келишига нисбат берилмоқда.

Атойи ижодида энг кўп учрайдиган санъатлардан яна бири – талмех. Аслида бу Шарқ мумтоз шеъриятида ҳам энг машхур санъатлардан. Бу санъатга мурожаат қўлмаган шоир ўтмиш адабиётида йўқ ҳисоби. Талмех арабча сўз бўлиб, ишора қилиш, бирор нарса томонга енгил назар ташлаш маъносини билдиради. Бунда машхур бир қисса, воқеа ёки асарга ишора қилиш орқали айтилажак фикр, ифодаланажак ҳолат, баён эталажак максадни чўзмай, сўзни муҳтасар қилинади. Маълум бўладики, талмех шеърда оз сўз билан кўп маънони ифодалаш санъати экан. Менга қолса, талмех санъатига заррада қуёшни, қатрада уммонни акс эттириш санъати, деб таъриф берган бўлар эдим. Зеро, бу санъатдан фойдаланиб, шоирлар озгина сўз билан баъзан шунағангি катта ва теран нарсаларга ишора қиласидарки, уларни шарҳлаш учун бутун бошли китоб тартиб бериш мумкин. Масалан, Атойи ёзади:

*Сен бути Чин ишқида ҳолимни айб эткан киши  
«Мантиқ ут-тайр» ичра кўрсун*  
Шайхи Санъон қиссасин.

Бу ерда шоир бир гўзал ишқида не ҳолга тушганини батафсил баён қилиб ўтирумайди-да, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достонидаги машхур «Шайх Санъон қиссаси»га ишора қиласиди: Шайх Санъон воқеасидан хабардор киши менинг ҳолатимни сира айб кизмайди, дейди.





Шайх Санъон тақвою тоати, парҳезкорлиги, илми, хулқи билан мўминлар орасида машҳур, уларга ибрат эди. У эллик марта ҳаж қилган, 400 та муриди бор эди. Диний илмларда ва инсоний фазилатларда замонасининг ягонаси эди. Мана шундай комил бир инсон ҳам насроний киз ишқига гирифтор бўлгач, расвойи жаҳон бўлди. Маъшуқасининг исломга зид бўлган 4 та шартини бажарди: май ичди, зуннор тақди, Қуръонни ўтда ёқди ва бутпарамт бўлди. Бунинг устига, мазкур шартнинг икки жаримасини ҳам сира иккиланмай адо этди: бир йил чўчқабоқарлик қилди ва шунча муддат ҳаммолда гўлахлик қилди.

Мана, ишқ кишини қандай аҳволга солади!

Агар бу қиссани бошдан-оёқ ҳикоя қилиб, кейин ўз ишқини у билан қиёсласа, шоир бутун бошли бир китоб ёзиши керак. Ҳолбуки, у ўз ҳолатини бор-йўғи бир байтда баён этиб, қолганини зукко ўкувчининг билимдонлигига, нозик таъбига ҳавола қиласи.

Маълум бўладики, талмех нафақат шоирдан, балки ўкувчидан ҳам муайян даражада билимдонликни, адабиётдан хабардорликни тақозо этади. Чунки агар шоир Шайх Санъон қиссасини билмаса, ўз ҳолатини бу қадар қисқа ва таъсирчан ифодалай олмас, ўз навбатида, ўқувчи ҳам бу машҳур ишқ дostonидан бехабар бўлса, Атойининг фикрини бутун теранлиги ва нозиклиги билан тушуниб етmas эди.

Албатта, машҳур қисса, воқеа ёки асарга ишора қиласи экан, бунда шоир ўз билимдонлигини намойиш этишни мақсад қилмайди. Ҳолбуки, бу нарса шоир маҳорати ва билимдонлигидан далолат беради. У ўзи айтмоқчи бўлган фикрни тасдиқлаш, кучайтириш ёки

---

---

сұзни мухтасар қилиш мақсадида бу санъатдан фойдаланади. Чунончи:

*Санга берсун илоҳи Нуҳ умрин,  
Манга ҳам фурқатингда сабри Айюб.*

Маълумки Нуҳ – энг узок умр кўрган пайғамбар: диний адабиётларда унинг 1000, ҳагто 1600 йил умр кўргани айтилади. У ўз қавми орасида 950 йил яшаб, уларни Ҳақ йўлига ҳидоят қиласи. Лекин Оллоҳ пайғамбарининг даъватига қулоқ тутмаганлари учун улар охир-оқибат буюк тўфон балосига гирифтор бўладилар. Бу тўфон балосидан фақат Нуҳ алайҳиссаломга эргашганларгина омон қоладилар. Шоир катор байтларида Нуҳ давридаги тўфон билан боғлиқ ажойиб талмехлар ҳам яратади. Жумладан, куйидаги байтида муболаға санъатини омухта қилиб, агарда қиссаҳонлар менинг маъшуқа ҳажрида тўккан кўз ёшларимни кўрганларида қайта бирор даврада Нуҳ тўфони киссасини ўқимас эдилар, чунки менинг кўз ёшларимдан кўпган тўфон олдида Нуҳ замонида юз берган тўфон шунчаки ёмғир бир севалаб ўтгандай гап эди деб ёзади:

*Фурқатингда кўз ёшимни қиссаҳонлар кўргали,  
Ўқумаслар мажслиси маҳфилда тўфон қиссасин.*

Айюб алайҳиссалом эса ўз сабр-бардоши билан Оллоҳнинг муҳаббатини қозонган, халқа ибрат бўлган. У бой-бадавлат, серфарзанд киши бўлиб, бирин-кетин бошига кулфат тушади: мол-мулкидан ажралиб – қашшоқлашади, фарзандлари ўлиб – ёлғизланади, саломатлигини йўқотиб – касалланади, лекин

шунча күргиликларга гирифтор бўлса-да, сира шикоят қилмайди. Фақат ҳалқ таъна-маломат қилиб: «Бу энг ёмон гуноҳ-жиноятлар килган бўлса керакки, Худо унга шунча бало-оффатларни юборган», – деганларидан кейингина Оллоҳга ўз ҳолидан арз этади. Оллоҳ таоло унинг дуоларини ижобат айлаб, саломатлигини ҳам, мол-дунёсини ҳам кайтаради. Ҳалок бўлган етти ўғил ва етти қизини тирилтириб, яна етти ўғил ва етти киз беради. Киссадан ҳисса шуки, Айюб алайҳиссаломдек балоларга чиройли сабр қилган кимсалар албатта гўзал ажрга эга бўладилар, мурод-максадларига этадилар.

Агар шоир оддийгина қилиб: «Худо сенга узун умр ва менга сабру бардош берсин», – деб қўя қолганида унинг бу фикрлари шеър эмас, балки оддий гап, тилак бўлар эди.

Атойи ўзбек шоирлари орасида Юсуф алайҳиссалом қиссасига энг кўп мурожаат қилган, у билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни энг кўп тилга олган ғазал-навислардан бири ҳисобланади. Маълумки, Шарқ адабиётида бошқа ошиқ-маъшуқлардан фарқли ўлароқ, Юсуф ва Зулайҳо қиссасида Юсуф – маъшуқ, Зулайҳо – ошиқ ҳисобланади. Чунки Юсуф бекиёс ҳусну жамол соҳиби ҳисобланади. Ривоят қилишларича, Оллоҳ таоло ҳуснни юз ҳисса қилган: тўқсон тўққизини Момо ҳавога бериб, қолган бир қисмини бутун инсониятга раво кўрган. Шу бир қисмни яна ўнга булиб, тўққизини Юсуф алайҳиссаломга, бир қисмини бани башарга берган. Бинобарин, Юсуф алайҳиссаломда дунёдаги барча одамларда мавжуд ҳусндан тўққиз карра ортиқ ҳусн бор. Шунинг учун

ҳам мумтоз шеъриятда у ҳусну жамол тимсоли сифатида улугланади. Атойи ҳам маъшукасини гоҳ ҳусну жамолда Юсуфга ўхшатса, гоҳ ундан-да устун қўяди:

*Бу ғамким биздадур, бу ҳусн сизда,  
Сени Юсуф десунлар, бизни Яъқуб.*

Маҳбубасини Юсуфга ўхшатган шоир ўзини жигарбанди ҳажрида қон йиғлаган Яъқубга – Юсуфнинг отасига ўхшатади.

Шу тариқа шоир Нух, Иброҳим, Исмоил, Яъқуб, Юсуф, Юнус, Хизр, Сулаймон, Мусо, Исо, Муҳаммад каби пайғамбарлар, Исо Масиҳнинг онаси Марям, Сулаймон пайғамбарнинг маҳбубаси Билқис, Муҳаммад алайҳиссаломнинг хос муаззини Билол, неваралари Ҳасан ва Ҳусайн, Жамшид, Кисро, Кайқубод, Кайхусрав, Искандар, Маҳмуд Фазнавий каби ҳукмдорлар, Мансур Ҳаллож, Шайх Санъон каби авлиёлар, Абулқосим Фирдавсий, Фаридиддин Аттор, Маҳмуд Замахшарий каби шоир ва олимлар, Шарқда машҳур наққош ва мусаввир Моний, ҳалқ қаҳрамони Рустами достон, Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Юсуф ва Зулайҳо, Вомик ва Узро сингари Шарқ адабиётида машҳур ошиқ-маъшуқлар, жоми Жам, байт ул-ҳазан, Бобил чоҳи, Кашмир сеҳргарлари, Сомирий қиссаси, Қоф тоғи, Анқо қуши, Хайбар коғирлари, Маҳмуд ва Аёз муносабати ва бошқалар билан боғлиқ талмех санъатининг кўплаб гўзал намуналарини яратади.

Атойи ижодида илоҳий ишқ ҳам баланд пардаларда тараннум этилади. Ҳусусан, азалдан ошиқлик, маъшуқа руҳининг ошиққа қиёматгача ҳамроҳлиги, маҳбуба дийдорини орзу қилиш, уни жаннатдан ҳам

устун қўйиш, ишқ йўлида факиру ҳақирлик, сўфий ва зоҳид, ақл ва кўнгил, дунё ва нафсни ўзаро зид қўйиш, маҳбуб ва муҳибнинг аслида бир бутунлиги каби сўфиёна ғоялар, май, майхона, қадаҳ, маст, хумор, ҳушёр, бехабар, тажаллий, куфр, иймон, маърифат, оби ҳаёт, ғамза, алойик, айн ул-яқин, девона, бегона, сўфий, шайх, мадраса, хонақоҳ, қилу қол, бало, азал, ҳусн, зоҳид, зухд, журъа, хат, соҳибназар, тўби, аҳли дил, ваҳдат, ваҳдат румузи, факру фано, ориф, соҳиб-асрор, машҳуд, шуҳуд, дайр, дарвеш, бут, тарсо, зуннор, хирқа, аҳди азал, пири муғон, пири майхона, соқий, адам, куништ, шоҳид, пир, мурид, сурат ва маъни, шамъ ва парвона, дўст ва рақиб сингари истилоҳ-тушунчалар ҳар томонлама кенг ва чукур талқин қилинади, юз, кўз, соч, хол, лаб, қад, занахдон, бел, оғиз каби тимсолларнинг тасаввуфий маъно қиррала-ридан фойдаланиб, илоҳий маҳбуба таъриф-тавсиф этилади. Зеро, Навоий таъбири билан айтганда, Атойи ҳам «мажоз тариқи билан ҳақиқат асрори»ни куйлаган шоирлар сирасига киради. Масалан:

*Азалдан то абад жон андалиби  
Жамолинг гулшанининг булбулидур, –*

байтини сира-сира мажозий маънода талқин қилиб бўлмайди. Чунки унда «азалдан ошиқлик» ҳақида гап кетаяпти. Биргина Атойи эмас, балки барча мутасаввиф шоирлар азалдан, яъни туғилибок ишқ дардига мубтало бўлганликлари хусусида сўзлашади. Чунончи, Насимий: «Билким, азалдин то абад мен ишқи жонон мастиман», – деса, Машраб: «Азалдин то абад кўнглум кутулмас ишқ балосидин», – деб фифон че-

кади. Мумтоз шоирларимиз ижодида тез-тез дуч келадиганимиз «азалдан ошиқлик»нинг маъноси шуки: «Инсон то яратилгунига қадар Яратувчининг бағрида бўлади. У дунёга келиши билан эса айрилиқ – ҳижрон бошланади. Энди у бир умр ҳижрон азобини чекишга мажбур. Шоир ғазалиётида ёрдан айру чекилган нолаю фифонларнинг кўплиги шундан»<sup>1</sup>.

Ёки мана бу байтни дунё гўзали таърифида битилган, деб бўлмайди:

*Ошиқ кишининг хотири ғамнок керактур,  
Жон пираҳани дилбар учун чок керактур.*

Мазмуни: «Жоннинг либоси ҳисобланган жисм токи маҳв бўлмас экан, ошиқ кишининг кўнгли доим гам билан лиммо бўлиши керак».

Кўриниб турибдики, байт соф сўфиёна мазмун асосига курилган.

Атойининг бир қатор шеърларида дунёнинг ўткинчилиги, умрнинг югуриклиги, вақтнинг ғаниматлиги хусусидаги фалсафий фикр-мулоҳазаларни кўрамиз:

*Бўлма баҳори ҳуснунгга гарраки, бу хазони умр  
Боги ҳаётга не гуле қўйгуси, не гиёҳ ҳам.*

Мазмуни: «Ҳуснингнинг баҳори, яъни гуллабяшнаб турганига мағрур бўлмаки, бир куни умр хазони – кузи бостириб келади-ю, ҳаёт боғидаги на гулни қўяди, на баҳорни».

<sup>1</sup> Олим С. «Эл нетиб топқай мениким...» // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1991, 7 июнь.

Шоирнинг қуидаги мисралари ҳам ушбу байтга ҳамоҳанг:

*Вафо қилким, йигитлик бўстони  
Ҳамиша тозаву хуррам топилмас.*

Халқ ҳаёти ва ижоди, мақол-маталлари, қанотли иборалари, гўзал лутфлари, нозик қочириларини чуқур билган ва ўз ижодида улардан маҳорат билан фойдаланган Атойининг кўпгина байт ва мисралари ҳам ҳикмат каби жаранглайди:

*Дилоромеки, нозу шева билмас,  
Дараҳтедурки, ҳеч баргу бари йўқ.*

\* \* \*

*Вафосиз дилрабодин Тенгри безор  
Агар ҳусн ичра жсннат ҳури бўлса.*

\* \* \*

*Кимки нодонга мусоҳиб бўлди, доно бўлмади.*

\* \* \*

*...мулк боки (й) бўлур шоҳ адлу доди била.*

\* \* \*

*Агар маҳбуб бор бўлса муҳибқа,  
Не гам, гар жумла олам бўлса агёр.*

Шаркнинг барча улуғ шоирлари ижодида ўзининг истеъдод даражаси ва шон-шуҳратидан ифтихор қилиб ёзилган шеърлар ва алоҳида байтларга дуч келамиз. Жумладан, Атойи ёзади:

*Атойи шеърининг лутфини билса,  
«Латофатнома»дин кечгай Хўжсандий.*

Ёки:

*Атойи сўзлари лутфига етмагунча киши  
Камолу зеҳну зарофатни кўрмагантек эди.*

Шоир ўз шеърларининг даражасини ҳам, туркий адабиётдаги мавқе-мақомини ҳам яхши англаган ва бундан ҳақли равишда фахрланган. Атойи ғазаллари «кўп туркона» ва халкона эканлиги учун ҳам туркий халқлар орасида шухрат тутган ва севиб ўқилган. Лекин у чинакам машҳурлик чўққисига XX асрда чиқди: шоир ҳаёти ва ижоди кўплаб олимлар томонидан тадқиқ қилинди, ғазаллари бир неча марта чоп ётилди, ўзбек мумтоз сўз санъатининг забардаст на moyндадалиридан бири сифатида ўрта мактаб ва олий ўкув юртлари дастурига киритилди. Унинг «Ўлтуур эрди мени ҳижрон хаёлинг бўлмаса», «Гардундин ўтар нолаи зорим кечаларда», «Жоду кўзунгки, бордир анинг фитна қошида», «Бокар охулайн ҳар ён ўшал икки қаро кўзлар», «Дилбар фироқида бу кўнгул хастаҳол эрур», «Эй камоли ҳусни Юсуфдин жамолинг ёдгор», «Эй сарви ноз, қайси чаман гульузорисан?», «Бўюнг нахлеки, рашқ элтур басе сарви равон андин», «Жаҳондин телба кўнглумнинг бор эрди ҳуш табарроси», «Эй сочинг занжирининг ақлу хирад девонаси» мисралари билан бошланадиган ғазаллари миллий қўшикчилигимизнинг олтин ҳазинасидан жой олган.

Шунга қарамай, биз Атойи ижодига бўлган муносабатимиз билан мактанолмаймиз. Унинг ғазалиёти

---

---

мактаб дарсلىкларида жуда оз ўрганилади, олий ўқув юртлари дастурида арзимаган соатлар ажратилган, шоир хусусида тадқиқотлар жуда кам. Борлари ҳам аксар Атойи ижоди түғрисида эмас, балки тахаллуси атрофида күзғалган баҳслар муносабати билан ёзилған. Атойидан бизга 260 ғазални ўз ичига олган ягона девон етиб келған бўлиб, шоир шеърияти нашрлари тарихига назар ташласақ, шу мўъжаз мерос ҳам, турли тўпламларни ҳисобга олмагандан, алоҳида китоб сифатида бор-йўғи икки марта (1958, 1960) тўлиқ бўлмаган ҳолда чоп этилган.

Атойи ижодини тарғиб қилишда таниқли адабиёт-шунос, филология фанлари доктори Эргаш Рустамовнинг хизматлари катта бўлған. Унинг саъй-ҳаракати билан шоирнинг 173 ғазали икки марта алоҳида китоб ҳолида чоп этилган. Филология фанлари номзоди Суйима Ганиева Э.Рустамов нашридан 167 ғазални танлаб, «Ўзбек адабиёти бўstonи» туркумида босилган «Ҳаёт васфи» (1988) тўпламига киритади. Замона зайли билан шоирнинг орифона ғазаллари барча нашрлардан тушиб қолган.

1991 йили Сайфиддин Рафиддинов Шайхзода Атойи девонини биринчи марта тўлалигича ўз ҳисобидан нашр қилдирди. Китоб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти муҳри билан Кибернетика институтининг босмахонасида босилган. Унга тушунарсиз сўзлар луғати ва Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида 22 В–2456 рақами билан сақланайтган шоир девонининг фотонусхаси ҳам илова қилинган. Лекин тўплам-

шинг бор-йүғи 200 нусхада чикарилгани бу ноёб иншрдан кенг ўкувчилар оммаси уёқда турсин, кўпчилик мутахассисларнинг ҳам фойдаланиш имкониятни чеклаб қўяди.

Мавжуд нашрни тайёрлаш жараёнида тадқикотчи ишвалги нусхаларда йўл қўйилган хатоларни, вазний сакталикларни топиб тузатган. Шоирнинг ўкувчичарга номаълум 87 ғазалини қўшган. Ҳатто қўлёzmани қўчирган котиб томонидан содир этилган баъзи нуқсонларга ҳам барҳам берган. Баъзи жузъий қусурларни, чоп этиш асносида ўтиб кетган хатоларни, техник камчиликларни айтмагандা, нашр анча мукаммал ва мумтоз адабиёт мутахассислари, кенг ўкувчичар оммаси учун Атойи ижодини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қиласди.

Атойи девонининг 35 йил муқаддам босилиб чиқкан Э.Рустамов томонидан тайёрланган нашри нуқсонлардан холи эмаслиги табиий. С.Ғаниева эса шоир шеърларининг янги туркумини тартиб берар ёкан, фақат ўзида шубҳа уйғотган ғазалларни, сўзларни қўлёzmага солиштириб тузатади. Натижада олима бир ғазалнинг етмаган уч байтини қўлёzmадан олиб тўлдиргани, бир қанча сўзларни тузатгани ҳолда, Э.Рустамов йўл қўйган хатоларнинг қўпини такрорлайди. Чунончи, Э.Рустамов тайёрлаган ҳар иккала нусхада ҳам «Эй биҳишти жовидон» ғазалининг охирги уч байти тушиб қолган ва С.Ғаниева уларни тиклаган. Шунингдек, Э.Рустамов нусхасида хато қўлланган сўзлар – «олий ибо» – «оли або»; «шоҳ бетин» – «шоҳбайтин»; «зиннат» – «тийнат»; «тавқиъ» – «таваққуъ» деб тўғри тузатилади.

Атойи девонининг С.Рафиддинов тайёрлаган нашпри ва унга илова қилинган девони қўлэзмасининг фотонусхасига солиштирганимизда, кўйидаги хатолар Э.Рустамов ҳамда С.Фаниева нусхаларида айнан бир хил эканлигини кўрамиз:

*Ол моҳи, – дер, – Атойи кўзининг бубаклари, –  
Ёш баҳри ичра бўлғоли зулфинг каманди шаст.*

Бу байтда кўз – дарёга, қорачик – балиқка, маъшуқанинг зулфи эса қармоққа ўхшатиляпти. Мумтоз адабиётда шундай анъана мавжуд. Чунончи, Саккокийнинг қўйидаги сатрлари Атойи шеърига ҳамоҳанг:

*Тишинг дурри талабинда кўзум – улуг дарё,  
Етилди мардум анинг ичра ўйнар алмоҳи.*

Э.Рустамов ва С.Фаниева нашрларида эса:

*«Олма мани, – дер, – Атойи» кўзининг бабаклари.*

С.Фаниева нашрида ҳатто бубак (корачик) – бабак тарзида ёзилган. Бу ҳолда шеърнинг мазмуни тушунарсиз бўлишидан ташқари, вазн ҳам бузилган. Яна «Атойи бўлди чун суҳбат шарҳини» мисраси «Атойи бўлди чун суҳбати шаҳи чин»; «Қаҳридин эҳтиroz эт, тутма кўнгулни ноумид» сатри эса «Қумридин эҳтиroz эт, тутма кўнгулни ноумид» тарзида ёзилиб, айнан шундай нуқсонга йўл қўйилса, «Кўз йўлиндан ҳар замон юз корвони фам келур» мисраси «Кўз йўлиндин ҳар замон юзга равони фам келур» деб қўлланилади ва «юз карвони» ибораси «юзга равони» қабилида но-тўғри ўқилгани аён бўлади. Булар қаторига тағин «мадидидин» – «мадидин»; «куллун жамилун» – «гул жамили»; «қолу балода» – «қолу йўлида»; «ақли» –

«гафли»; «даъвоси» – «дуоси» кўринишида талқин қишинган сўз ва ибораларни қўшиш мумкин. Ёки мана бундай жузъий нуқсонлар тақорини қаранг: Э.Рустамов нусхасида: «Юзингда топдим ҳар не тиламадим». С.Фаниева нашрида ҳам айнан шундай. Ҳолбуки, «тиlamадим» эмас, «тиладим» бўлиши кепрак. Шунингдек, С.Фаниева ўз нашрида баъзи байтларни тушириб қолдирган.

Бу жиҳатдан С.Рафиддинов нашри анча мукаммал. Лекин у ҳам баъзи кусурлардан холи эмас. Чунончи, китобда «васлингга» сўзи «висолингга»; «хатоедур» – «хитойидур»; «мушкин» – «мушкул»; «тулуъ» – «гулу»; «бутса» – «бўлса» деб хато талқин қилинган ўринлар учрайди. Ёки вазн билан боғлиқ баъзи сакталикларни кўрсатиб ўтиш мумкин: «Кўз юзини ёшим била ювай сизни кўрарда» сатрида «ювай» сўзи наизни бузиб турибди. Мазкур калимани вазн талаби билан «кой» тарзида кўлласа бўлади. Чунки тўпламдаги бошқа ғазалларда бу сўз «юмас», «юр», ҳатто «ю» («юв») кўринишида келтирилган. «Бўюнгни нахли ҳавосинда чу бўлди ҳимматим олий» мисрасида эса «ни» келишик қўшимчаси ортикча. «Эрам ниҳоли не нисбат, бу девчайи оди била»; «Ичинг пиёлае, зи-ҳамол Атойи ёди била» мисраларида ҳам вазний сакталиклар мавжуд.

Атойи ва унга замондош шоирларнинг адабиётимиз олдидаги буюк хизматлари ўз ижодлари билан ўзбек адабий тилини бирмунча юксалтирганлари ҳамда маданиятимиз осмонида Алишер Навоийдек улуғ сиймонинг пайдо бўлишига замин яратганликлари билан белгиланади.

Ушбу тұплам учун Атойининг Эргаш Рустамов томонидан нашрға тайёрланиб, 1958 йили чоп этилган девони<sup>1</sup> асос қилиб олиниб, у Сайфиддин Рафиддинов саъй-харакати билан тұла ҳолда босилиб чиккан «Девони Шайхзода Атойи»даги<sup>2</sup> янги ғазаллар билан түлдирилди. Шунингдек, шоирнинг Суйима Фаниева «Хаёт васфи» тұпламида эълон қылған шеърларидан<sup>3</sup> ҳам фойдаландык. Айни пайтда, шоир ғазалларининг ҳар учала нашрини ўзаро қиёслаб, баъзи бир матний хатолар ва вазний сакталикларни топиб тузатдик. Атойи ғазалларининг энг гүзәл намуналарини ўз ичига олган мазкур мажмua мумтоз шеърияг муҳлислариға манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**  
*филология фанлари номзоди*

---

<sup>1</sup> Қаранг: О т о й и . Танланган асарлар. (Нашрға тайёрловчи Эргаш Рустамов). – Тошкент, 1958.

<sup>2</sup> Қаранг: Девони Шайхзода Атойи. (Нашрға тайёрловчи Сайфиддин Рафиддинов). – Тошкент, 1991. Яқинда бу девон «Фан» нашриёти томонидан 1000 нұсхада нашр этилди. (Қаранг: А т о й и . Девон. – Тошкент, 2008.)

<sup>3</sup> Қаранг: А т о й и . Ғазаллар. (Нашрға тайёрловчи Суйима Фаниева) // Ҳаёт васфи, (Тұплам). – Тошкент, 1988. 285–452-бетлар.

## ҒАЗАЛАР

Гилармен Ҳақ таолодинки, бўлсам дилситон<sup>1</sup>  
бирла,  
Бошимни қилсан олинда баробар остон бирла.

Гиласанг жон висол<sup>2</sup> учун, тутай жонимға  
юз миннат,  
Киши Юсуфни<sup>3</sup> олмасму матои ройгон<sup>4</sup> бирла.

Сизинг, бизинг аромизда азалдин қурб<sup>5</sup>  
жонибдур<sup>6</sup>,  
Фалак бизни жудо килмас бу кун бўъди<sup>7</sup> макон  
бирла.

<sup>1</sup> Д и л с и т о н – дилни олевчи, кўнгилни ўзига асир қишуви; маҳбуба, маъшуқа.

<sup>2</sup> В и с о л (В а с л) – маҳбубга етиш, ҳақиқий ваҳдат. Шайх Шиблийнинг айтишичча, дунё ва охиратдан кечган киши васлга эришади.

<sup>3</sup> Ю с у ф – Юсуф алайҳиссалом.

<sup>4</sup> Р о й г о н – текин, муфт. Бу ерда ўгай акалари томонидан мисрлик савдогарларга арзимас пулга сотиб юборилган Юсуф алайҳиссалом кўзда тутилмоқда.

<sup>5</sup> Қ у р б – яқинлик, етишиш. Соликнинг ўзини Оллоҳ таолога яқинлашганини ҳис этиш ҳолати, Худонинг ҳузурини бевосита сезиш, Ҳақ нигоҳининг тушишини ҳам англатади.

<sup>6</sup> Ж о н и б – 1) томон, тараф; 2) хурмат, эхтиром.

<sup>7</sup> Б ў ъ д – узоклик, масофа.

Не бўлди, эй қўзи ўтлук, манго бир куймади  
бағринг,  
Нечаким лаълинг<sup>8</sup> илкиндин<sup>9</sup> юраким тўлди  
кон бирла.

Шакар оғзинг<sup>10</sup> таманноси<sup>11</sup> вужуди  
боглагойму деб,  
Адам<sup>12</sup> йўлига юз қўйди Атойи йўқ гумон бирла.

---

<sup>8</sup> Л а ъ л – қизил тусли қимматбаҳо ялтироқ тош. Маъшӯқанинг чўғдай лабига, ошиқнинг қонли кўз ёшига, қизил майга нисбат берилади.

<sup>9</sup> И л и к (И ли г) – қўл.

<sup>10</sup> О г и з – сўфийлар истилоҳида илоҳий каломга, унинг чиқиши ўрнига ишора. Шунга мувофиқ, оғизнинг ангишвона-дай кичкиналиги, гоҳо ҳатто қўриб бўлмас даражада эканлиги – илоҳий асрорни ақл билан англаб етишнинг имконсизлигидан нишона.

<sup>11</sup> Т а м а н н о – истак, хоҳиш, умид.

<sup>12</sup> А д а м – йўқлик.

\* \* \*

Ултуур эрди мени хижрон хаёлинг бўлмаса,  
Бумиди давлати васли висолинг бўлмаса.

Ою кун зарра муориз<sup>1</sup> бўлғай эрди юзунга<sup>2</sup>,  
Мўъжизи ҳусну малоҳат зулфу<sup>3</sup> холинг<sup>4</sup> бўлмаса.

Севмагай эрди киши оламда сендин ўзгани,  
Гар вафо қилмоқта ошиққа ўсолинг<sup>5</sup> бўлмаса.

Эй жамолинг<sup>6</sup> хисрави<sup>7</sup> сайёра ҳусн афлокида<sup>8</sup>,  
Тенгридин тун-кун тиларменким, заволинг  
бўлмаса!

<sup>1</sup> М у о р и з – муқобил, мухолиф, зид, қарши.

<sup>2</sup> И о з – тасаввуфда илоҳиёт жамоли тимсоли ва комил нисон чехраси.

<sup>3</sup> З у л ф – соч; аёлларнинг икки чаккасидаги жамалаги, кокили. Тасаввуфда у бир неча маънода келади: идрокига ҳеч ким қодир бўлмаган илоҳий моҳият; куфр зулмати; йўқлик олами; ваҳдат мартабаси ва ҳоказо. Зудфнинг ҳалқалиги – илоҳий сирлар, узунлиги – оламнинг чексизлиги, бесқарорлиги – оламнинг ўзгарувчанлиги рамзи.

<sup>4</sup> Х о л – тасаввуфда илоҳий зотнинг ягоналиги тимсоли, ваҳдат нуқтаси. Йўқлик оламини ҳам англатади. З у л ф у ҳ о л – илоҳий моҳият.

<sup>5</sup> Ў с о л – ўсал, ёмон.

<sup>6</sup> Ж а м о л – ошиқнинг кучли рағбат ва талабига кўра матьшуқанинг ўз жамолини намоён этиши: илоҳий тажаллий.

<sup>7</sup> Х и с р а в – подшоҳ, султон, амир.

<sup>8</sup> А ф л о к – фалаклар, осмон қаватлари.

Нечең бүлса малак, күргач сени инсон бикин<sup>9</sup>,  
Не ажаб, маҳшарда<sup>10</sup> ҳам сүруқ-саволинг  
бүлмаса.

Одамилиқдин эмаским, ул паридин айрилиб,  
Бу тириклиқдин күнгүл гар инфиолинг<sup>11</sup> бүлмаса.

Қилу қолингдин<sup>12</sup> Атойи, маърифат<sup>13</sup> тутма  
умид,  
Ул оғиз, белинг<sup>14</sup> хаёли бирла холинг бүлмаса.

---

<sup>9</sup> Б и к и н – -дек, -дай, үхашаш, каби сингари.

<sup>10</sup> М а ҳ ш а р – қиёмат кунода барча ўлганлар тирилиб, сүрөк учун түпланадиган жой.

<sup>11</sup> И н ф и о л – ҳаяжонланиш, хижолат тортиш, таъсирланыш.

<sup>12</sup> Қ и л у қ о л – гап-сүз.

<sup>13</sup> М а ъ р и ф а т – Оллоҳ моҳияти ҳақидаги илм, ирфон.

<sup>14</sup> Б е л – комил инсоннинг фикру тахайюли. Ингичка (килдай) бел – бу фикру тахайюлнинг нозик ва теранлиги. Соликнинг вужуди ҳижобига ҳам ишора қилинади.

\* \* \*

Эй Худо, раҳме сол ул жону жаҳоним кўнглига,  
Бир асар қилғай менинг оху фифоним кўнглига,

Дарду ғам тоғинда жонлар чекканим Фарҳоддек,  
Бўлмади маълум ўшал ширин даҳоним<sup>1</sup>  
кўнглига.

Ісвафолиқдин мухаммар<sup>2</sup> бўлғай эрдим кошки,  
Сиққай эрдим боре<sup>3</sup> ул номехрибоним кўнглига.

Гул бикин жон кўнглакин юз пора қилди хори<sup>4</sup>  
ҳажр,  
Тонг ели, онглатқил охир гулситоним<sup>5</sup> кўнглига.

Кўзларимнинг жўйборин<sup>6</sup> сели ашким<sup>7</sup> қилди пок,  
Рагбати бўлғайму ул сарви равоним<sup>8</sup> кўнглига,

<sup>1</sup> Даҳон – оғиз.

<sup>2</sup> Мухаммар – зуваласи корилган, яратилган.

<sup>3</sup> Боре – бир марта, лоақал.

<sup>4</sup> Хор – 1) тикан, хас, хашак; 2) ниш.

<sup>5</sup> Гулситон – гулистон. Вазн талабига кўра шундай  
сийлган.

<sup>6</sup> Жўйбор – ариқ, сой.

<sup>7</sup> Ашк – куз ёши.

<sup>8</sup> Сарв – кишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган  
штабаргли гўзал ва хушқомат дараҳт. Маъшуқанинг келиш-  
тани зебо қадди-қоматини сарвга нисбат берадилар. Сарви  
равон – юрадиган сарв, яъни хушқомат маҳбуба.

---

Борча ит-қүш раҳми келди дарди ҳолимға vale  
Келмади раҳме рақиби бадгумоним күнглига.

Ёрдин сўрсам Атойи дардини, айтур даво,  
Бас эмасму бу менинг дарди ниҳоним күнглига.

\* \* \*

Жамолинг васфини қилдим чаманда,  
Қизорди гул ўёттин анжуманда.

Таманно қилғали лаълингни кўнглум,  
Киши билмас аниким, қолди қанда.

Чу жонимдин азиз жонона сенсен,  
Керакмас жон манго сенсиз баданда.

Манго ул дуняда жаннат не ҳожат,  
Эшикинг тупраги басдур кафандা.

Солиб борма мени, эй Юсуфи хусн,  
Бу кун Яъқубтек байт ул-хазанда<sup>1</sup>.

Узун сочингдин узмасмен кўнгулни,  
Оёгинг қанда бўлса, бошим анда.

Тилар эл мансаби олий валекин  
Атойи сарви озодинга banda.

<sup>1</sup> Б а й т у л - ҳ а з а н (Б а й т у л - а ҳ з о н) – ғам уйи, қийгу кулбаси, ҳасратхона. Бу тушунча Яъқуб пайғамбар ҳаёти билан боғлик бўлиб, севимли жигарбанди Юсуфдан ажралти, у йўл бўйида бир уй тиклаб, унинг йўлига қўз тикиб, кена-кундуз йиглай-йиглай кўр бўлиб қолади. Бу уй байт ул-иҳzon номи билан машҳур. Баъзан дунё маъносида келади. Мумтоз адабиётда сўнгсиз дарду ғамда, чорасиз аҳволда қолгли кишининг уйини, ҳаётини, дунёни байт ул-аҳзонга нисбиг бериш бир анъана тусини олган.

\* \* \*

Мужда<sup>1</sup> берди субхидам<sup>2</sup> зулфунг насиминдин  
сабо<sup>3</sup>,  
Жон муаттар бўлди, кўнглум топти юз турлук  
сафо<sup>4</sup>.

Юзума сурттум аёгин, хоки роҳин<sup>5</sup> кўзума,  
Дедим: эй жон ҳамдами, аҳлан ва сахлан<sup>6</sup>,  
марҳабо!

Фунча бўлдим ғамдин илким доманингга<sup>7</sup>  
етмайин,  
Гул бикин жон кўнглаки ҳасрат била бўлди қабо<sup>8</sup>.

<sup>1</sup> М у ж д а – хушхабар.

<sup>2</sup> С у б ҳ и д а м – тонг, тонг пайти.

<sup>3</sup> С а б о – Шарқ томондан эсадиган тонгги ёқимли ва салқин шамол. Тасаввуфда у Оллоҳ таолонинг раҳмоний нафасига нисбат берилиб, хайрга боис бўлиши айтилади. Сабо ошиқнинг оху ноласини Оллоҳга, ўз навбатида, Оллоҳнинг хабарини ошиққа етказади.

<sup>4</sup> С а ф о – риёзат чекиши натижасида дилнинг нафс хоҳишлари, ёмон иллатлар, гаддор дунё ва Худо ёдидан бўлак нарсалардан қутулиб, покланиши.

<sup>5</sup> Х о к и р о ҳ – оёқ ости тупроғи.

<sup>6</sup> А ҳ л а н в а с а ҳ л а н – «хуш келибсиз», «марҳамат» каби эзгу тилакларни ифодалайдиган сўзлар.

<sup>7</sup> Д о м а н – этак.

<sup>8</sup> К а б о – узун ва кенг уст кийим.

Жим зулфунг, нун қошинг қасди жон айлаб эди,  
Боқи бўлсун, лутф этиб кирди алиф<sup>9</sup> қаддинг<sup>10</sup>  
аро.

Лола ўхшатса ўзин рухсоринга маъзур тут,  
Ёзида<sup>11</sup> ўз бошиға қўбқондур<sup>12</sup> ул кўнгли қаро.

Не фалакнинг меҳри бордур,  
не сенинг кўнглунгда раҳм,  
Е фалак жаври, нигоро, ё сенинг дардинг манго!

Этакингда қўргали йўлдин ўтарди барги коҳ<sup>13</sup>,  
Чехрасин қилди Атойи рашқ элинда қаҳрабо<sup>14</sup>.

<sup>9</sup> Ж и м ( ж ), Н у н ( н ), А л и ф ( а ) – араб ҳарфлари бўйиб, чангакка ўхшашлиги жиҳатидан «жим» – зулфга, қайрилмалиги боис «нун» – қошга, тикилиги туфайли «алиф» – қоматга ишбат берилади.

<sup>10</sup> Қ а д ( Қ о м а т ) – дилнинг ваҳдат оламига юзланиши, илохий маҳбубанинг ўзига жалб қилиши.

<sup>11</sup> Ёзи – дашт, биёбон, чўл, сахро.

<sup>12</sup> Қ ў п м о қ – қўзғалмоқ, ўриндан турмоқ.

<sup>13</sup> Коҳ ( Каҳ ) – сомон.

<sup>14</sup> Каҳра бо – сариқ рангли тош. Уни чармга ишқаб, сомон, хасга яқинлаштирса, уларни ўзига тортади.

\* \* \*

Қон бүлди күнгүл фироки бирла,  
Куйди жоним иштиёки бирла.

Зулфинг черики<sup>1</sup> жамол мулкин  
Олди күзүнг<sup>2</sup> иттифоқи бирла.

Гунча севунуб, түнига сиғмас,  
Үхшатсам үкүнг башоқи бирла.

Түску тиламакка ҳаддимиз йүк,  
Сөғин боре давр аёқи<sup>3</sup> бирла.

Ишқинда қаро бошим оқарди,  
Бир бокмади күз қароқи<sup>4</sup> бирла.

Күз ўйнатиб, уттилар<sup>5</sup> күнгүлни,  
Икки қоши жуфту тоқи бирла.

---

<sup>1</sup> Ч е р и к – қүшин, лашкар, аскар.

<sup>2</sup> К ў з – комил инсон тимсоли. Чунки у факат ўзгаларни күради-ю, ўзини күрмайды. Күзни севиши орқали илохий жамолни севиши ифодаланади.

<sup>3</sup> Д а в р а ё ф и – даврада айланиб турган май қадаҳи.

<sup>4</sup> Қ а р о қ – күз корачиги.

<sup>5</sup> У т м о қ – ўйнамок.

Ошиққа жафо қилдинг валекин  
Асру<sup>6</sup> дағи<sup>7</sup> йүқ яроқи бирла.

Хұблардин<sup>8</sup> Атойи лутф истар,  
Хонларға не иш ясоқи<sup>9</sup> бирла.

---

<sup>6</sup> А с р у – жуда күп, беҳисоб.

<sup>7</sup> Дағи (Д оғи) – яна, тағин, ҳамда.

<sup>8</sup> Хұблар – 1) гүзаллар; 2) яхшилар.

<sup>9</sup> Я с о қ – бу ерда: жазо.



\* \* \*

Охир, эй толеъ, маҳалдур бир назар килсанг  
манго  
Ҳам бу бўлғой ҳадди зулму ғояти жавру жафо.

Мен гуноҳе қилмадим, Тенгри билур қилсам  
дағи,  
Ўшта<sup>1</sup> ёндим тавбама, сендин карам,  
мендин хато.

Эй фалак, бошингму эврулди, недур мақсадинг,  
айт,  
Номуроденинг муродин қилмадинг бир кун раво.

Чунки дилбар фурқатинда айладинг бағримни су,  
Эй яман бахтим, не бўлди, яхшилиқ қил,  
сол суғо.

Ёр ҳокимдур агар билсун, агар худ<sup>2</sup> билмасун,  
Эй Атойи, сидқи ихлосинг била сен қил дуо.

---

<sup>1</sup> Ўшта (Ушта) – ўша замон, ўша вақт.

<sup>2</sup> Худ – 1) ўзи; 2) ёлғиз, фақат; 3) худди, каби; 4) ҳеч.

\* \* \*

Кўзунгтек фитна йўқ даври қамарда<sup>1</sup>,  
Лабингдек<sup>2</sup> тўъма<sup>3</sup> йўқ қанду шакарда.

Юзунгда топдим — ҳар не тиладим,  
Тилаклар туш бўлур, оре<sup>4</sup>, сахарда.

Хатинг<sup>5</sup> фикринда кўнглумни мунажжим<sup>6</sup>  
Кўрар ҳар лаҳза юз турлук хатарда.

Топилмас насли одамдин сенингдек  
Юзи ой кун туғордин кун ботарда.

Белинг фикру хаёлин боғламоқда,  
Тасаввур қилмас эл, илло<sup>7</sup>, камарда.

<sup>1</sup> Қ а м а р — ой.

<sup>2</sup> Л а б — сўфийлар истилоҳотида маънавият оламидан ан-биёга малаклар воситасида, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган калом. Пирнинг илоҳий маърифатга кон сўзи ва унинг мазмуни ҳам кўзда тутилади.

<sup>3</sup> Т ў ъ м а — кут, озик.

<sup>4</sup> О р е — албатта, шубҳасиз.

<sup>5</sup> Х а т (т) — кизларнинг лаби устидаги майин туклар. Тасаввув истилоҳида ғайб олами.

<sup>6</sup> М у н а ж ж и м — астроном.

<sup>7</sup> И л л о — аммо, лекин, бироқ.

Күзунг күнглум олурға майл қилса,  
Турубтур ушмunoқ<sup>8</sup> жон ҳам назарда.

Атойини ўшал бемор күзлар,  
Тутубтурлар давосиз дардисарда.

---

<sup>8</sup> У ш м у н о қ – шундоқ, шундай.

\* \* \*

Дай күнглум олғон дилрабо, жоним фидо бўлсун  
санга!

Оби ҳаёти<sup>1</sup> Хизр<sup>2</sup> ила умри бако бўлсун санга!

Қилсам насиҳатни гунах, қон тўкма,  
деб сўктунг мени,  
Ҳар бир сўкунчунг ўрнида юз минг дуо бўлсун  
санга!

Ҳар нечаким жавру жафо қилдинг манго  
бу дуняда,  
Маҳшарда лутфу марҳамат Ҳақдан ато бўлсун  
санга!

Гарчи рақиби муддаи<sup>3</sup> хар дам хаворижлик<sup>4</sup>  
қилур,  
Ҳамроҳу ҳамдам ҳиммати оли або<sup>5</sup> бўлсун  
санга!

<sup>1</sup> Оби ҳаёт – мангалик суви.

<sup>2</sup> Хизр – ер ости – зулмат қаъридан оби ҳаёт чашмасини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар.

<sup>3</sup> Муддаи (й) – даъвогар, рақиб.

<sup>4</sup> Хавориж – бу ерда: қарши, зид.

<sup>5</sup> Оли або – Муҳаммад пайғамбар хонадони: Муҳаммаднинг ўзи, куёви Али, қизи Фотима, иабиралари Ҳасан ва Ҳусайн.

Сўрсанг Атойи хастани гоҳ-гоҳ яхши от учун,  
Эй шаҳсуворим<sup>6</sup>, то абад шаҳлар гадо бўлсун  
санга!

---

<sup>6</sup> Ш а х с у в о р – 1) чавандоз; 2) маҳбуба.

\* \* \*

Гардуңдин<sup>1</sup> ўтар нолай зорим кечаларда,  
Билмас, нетай, ул моҳ узорим<sup>2</sup> кечаларда.

Захра<sup>3</sup> ёрилур дарди фирокинда күнгулдин,  
Охеки, чиқор ўқ каби ёрим<sup>4</sup> кечаларда.

Нұктур ғаму ранжу аламу қайғудин үзга  
Хажкингда менинг ҳамдаму ёрим кечаларда.

Оғзи дамидур шому сахар нұқлу<sup>5</sup> шаробим<sup>6</sup>,  
Латыли ғамидур дафъи хуморим<sup>7</sup> кечаларда.

Хижрон черики, баски, уур жонға шабихун<sup>8</sup>,  
Дүнёни тутар гарду ғуборим кечаларда.

<sup>1</sup> Гардун – 1) дунё, олам; 2) осмон, фалак.

<sup>2</sup> Моҳ узор – ой юзли, гүзәл.

<sup>3</sup> Захра – ўт, сафро.

<sup>4</sup> Ёрим – бу ерда: ярим.

<sup>5</sup> Нұқл – газак.

<sup>6</sup> Шароб – ишқнинг ғалабаси. У комил инсонлар насибеси бўлиб, тариқат ниҳоясида мусассар бўлади. Мухаббат мастиғиги ва Ҳақ жазбасига ҳам ишора қиласидилар. Ишқу завқу мастиликни шаробга ташбех этадилар.

<sup>7</sup> Хумор – пири комил ва муршиди восилга ишора.

<sup>8</sup> Шабихун – кечаси тўсатдан қилинадиган хужум; горат, талон-торож.



Ёд айласам ул шүхи қароқчи қора күзни,  
Қолмас, нетайин, сабру қарорим кечаларда.

Зулфи ғамидин ўлсам Атойи бикин, элга  
Бүлгүсидурур ёр мазорим кечаларда.

\* \* \*

Умиди васлдур побанд<sup>1</sup> бизга,  
Муяссар бўлмаса ҳарчанд бизга.

Ўшал юзу оғиз беморлиқда  
Иноятлар қилур гулқанд<sup>2</sup> бизга.

Унуттурди Хизр оби ҳаётин  
Ўшал ёқути<sup>3</sup> шаккарханд<sup>4</sup> бизга.

Не қаттиқ онлим борким, олиб жон,  
Кўнгулни қилмас ул пайванд бизга.

Фироқинг дарди олинда кўринмас  
Хасе Албурзу<sup>5</sup> ҳам Алванд<sup>6</sup> бизга.

<sup>1</sup> Побанд – оёғи боғлик; мажозан: асир, гирифтор, мубтибо.

<sup>2</sup> Гулқанд – қизил гул япроғи билан шакарни арашиштириб, офтобда тайёрланадиган бир хил ширинлик.

<sup>3</sup> Ёқут – қизил, кўк, яшил ва оқ тусли қимматбаҳо тош. Миъниуқанинг ол лаби, ошиқнинг қонли кўз ёши, қизил майга нисбат берилади.

<sup>4</sup> Шаккарханд – чиройли табассум қилувчи.

<sup>5</sup> Албурз – Эльбурс тоғи.

<sup>6</sup> Алванд – Ҳамадондаги баланд тог.



Қилур «Нур»<sup>7</sup> оятин зулмат ичинда  
Мушарраҳ<sup>8</sup> ҳар дам ул жамбанд бизга.

Атойитек сочи девонаси<sup>9</sup> биз –  
Ки, носиҳ<sup>10</sup> зоеъ этма панд бизга.

---

<sup>7</sup> Н у р – Куръони каримнинг 24-сураси.

<sup>8</sup> М у ш а р р а ҳ – шарҳ қилинган, тушунтирилган.

<sup>9</sup> Д е в о н а – ишққа ошиғу ҳайрону саргашта бўлған ва сулукка мансуб киши. Ошиқнинг мағлубияти ҳам девоналик дейилади.

<sup>10</sup> Н о с и ҳ – насиҳатгўй.

\* \* \*

Дай бегим, валлох<sup>1</sup>, керакмас танда жон сизсиз  
манга,  
Хам ҳаёти Хизру умри жовидон<sup>2</sup> сизсиз манга.

Ол тирик дерлар мени, күнглумда фикр этсам  
вале,  
бы тирикликта бўлур юз минг гумон сизсиз  
манга.

Сиз санамлар хонидурсиз, бандангиз бир энчу<sup>3</sup>  
кул,  
Бўлмасун ушбу улуста<sup>4</sup> хонумон<sup>5</sup> сизсиз манга.

Жаврунгуз меҳру вафодур, дардингиз айни даво,  
Филмасал<sup>6</sup>, гар ўлтуурурсиз, меҳрибон сизсиз  
манга.

<sup>1</sup> В аллох – Худо ҳаққи.

<sup>2</sup> Ж о в и д о н (Ж о в и д) – абадий, мангу, доимий.

<sup>3</sup> Э н ч у – камтарин бечора.

<sup>4</sup> У л у с – эл, ҳалқ, омма.

<sup>5</sup> Х о н у м о н – уй-жой.

<sup>6</sup> Ф и л м а с а л – масалан, гүё.

Васлингиз умрум гулидур, шавқида<sup>7</sup>  
мен андалиб<sup>8</sup>,  
Ёз фаслинда бўлур вакти хазон сизсиз манга.

Мен бу юз муштоқидурмен – боғу бўстон ким  
бўлур?  
Бўлмасун насрину<sup>9</sup> лола, аргувон<sup>10</sup> сизсиз манға.

Мен Атойимен Ҳусайнни, ҳусн ичинда  
сен Ҳасан<sup>11</sup>,  
Карбалодур<sup>12</sup> равзай<sup>13</sup> боғи жинон<sup>14</sup> сизсиз манга.

---

<sup>7</sup> Ш а в қ – Ҳақ ва солик ўртасидаги яқинликнинг кучайиши, иштиёқ ва истак ғалаботидан қалбнинг сурурга тўлиши.

<sup>8</sup> А н д а л и б – булбул.

<sup>9</sup> Н а с р и н – оқ хушбўй гул.

<sup>10</sup> А р ғ у в о н – гуллари ниҳоятда қизил бўладиган дарахт; мажозан: қизил ранг.

<sup>11</sup> Бу ерда Ҳазрат Алининг ўғиллари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн кўзда тутилмоқда.

<sup>12</sup> К а р б а л о – Куфа (Ирок) яқинидаги саҳро. Ҳокимият учун қурашда халифа Язид томонидан шаҳид қилинган Имом Ҳусайн шу ерда дағн этилган.

<sup>13</sup> Р а в з а – 1) боғ; 2) мозор, зиёратгоҳ.

<sup>14</sup> Ж и н о н – жаннат.

\* \* \*

Ой соҳиби фан<sup>1</sup>, ишва била ноз фанида,  
Гамзанг элидин колмади жоним баданида.

Етмас мени ғамхорага<sup>2</sup> жуз<sup>3</sup> хори фироқинг  
Ҳар неча гул очилса висолинг чаманида.

Ногаҳ назарим чоҳи занахдонингға<sup>4</sup> тушти,  
Богланди кўнгул Юсуфи зулфинг расанида<sup>5</sup>.

Кўюнгдуур мен, ҳожати фирмавс<sup>6</sup> эмаским,  
Хуштур кишига бўлса муким<sup>7</sup> ўз ватанида.

Дур тишинг ила лутф талошқон язуғиндин<sup>8</sup>  
Пишти суға гаввос ани баҳри<sup>9</sup> Аданида<sup>10</sup>.

<sup>1</sup> Фан – бу ерда: ҳийла, найранг.

<sup>2</sup> Гамхора (Гамхор) – гамхур, меҳрибон.

<sup>3</sup> Жуз – бўлак, бошқа, ўзга.

<sup>4</sup> Занахдон – ияқ. Тасаввуфда соликни абадий чоҳдан  
чўлимит чоҳига соладиган маҳбубанинг қаҳромез итоби.

<sup>5</sup> Расан – ип, арқон.

<sup>6</sup> Фирдавс – жаннат; саккизинчи жаннат.

<sup>7</sup> Муқим – турғун, собит.

<sup>8</sup> Язуг (Ёзуг) – гуноҳ, айб.

<sup>9</sup> Баҳр – денгиз.

<sup>10</sup> Адан – Яманнинг жанубида жойлашган шаҳар.



Хұблар йиғилиб, хусну малоҳат майин<sup>11</sup> ичса,  
Мажлис беки сендуурсен алар анжуманида.

Бешубха малак қилғусидур қабрина сажда,  
Хоки<sup>12</sup> қадаминг бұлса Атойи кафанида.

---

<sup>11</sup> М а й – тасаввуф адабиётида илохий тажалли тимсоли, ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади. Шунга муводиқ, мастлик илохий маърифатдан хузурланишни, маънавий завқ дарёсига ғарқ бўлишни билдиради.

<sup>12</sup> Х о к – тупроқ.

\* \* \*

Хосили умрум туганды ҳасрату қайғу била,  
Рұбарү ўлтурмадим ул күзлари жоду била.

Мен исчук ташбек этай ул юзни ою кунгаким,  
Пиебати йўқтур тажалли<sup>1</sup> юзининг кўзгу била.

Коматинг хуштур vale икки кўзумда яхшироқ,  
Сирв чун хушроқ кўринур бўлса оқар су била.

Кўзлари кўнғлум олур, холи кўяр жонимға доғ,  
Ої мусулмонлар, нетай, ул кофири жоду била.

Неча қон йиглаб, Атойи сўзласа дарди дилин,  
Уқарур ул тошбағирлик шевачи қулғу била.

<sup>1</sup> Т а ж а л л и ( й ) – жилваланиш, намоён бўлиш. Гайбанин келадиган ва қалбда намоён бўладиган илоҳий нур ва сирдар.



\* \* \*

Эй ғаму дардинг ҳамиша роҳату дармон манга,  
Остонинг хоки роҳи чашмаи ҳайвон<sup>1</sup> манга.

Ийди<sup>2</sup> акбардур муборак умри жовидон била,  
Гар қошинг ёси учун бўлғил десанг қурбон  
манга.

Иштиёқинг баҳрида ғарқоб бўлдум, раҳм қил,  
Эй бути<sup>3</sup> Чин<sup>4</sup>, қавли<sup>5</sup> ёлғон, аҳди бепоён манга.

Бўлғай эрди Юсуфум ҳажринг азобинда шафиъ,  
Холи зоримни қўруб, пайғамбари Канъон<sup>6</sup> манға.

Парвариш қилдим кўнгулни бир ўзумга ёр деб,  
Бевафо хўбларни севди, бўлди хасми<sup>7</sup> жон манга.

---

<sup>1</sup> Ч а ш м а и ҳ а й в о н – оби ҳаёт чашмаси.

<sup>2</sup> И й д (И д) – байрам, ҳайит. Ийди акбар – Курбон ҳайити.

<sup>3</sup> Б у т – 1) санам; 2) маҳбуба.

<sup>4</sup> Ч и н – Хитой.

<sup>5</sup> Қ а в л – сўз, нутқ.

<sup>6</sup> П а йғ а м б а р и К а нъ о н – Яъқуб пайғамбар.

<sup>7</sup> Х а с м – душман, рақиб.

Түшфунгиз занжирининг девонасимен то абад,  
Бермасун кўп дарди сар<sup>8</sup> бу акли саргардон  
манга.

Мен Атойимен лабинг васфиндаким, таҳсин ўқур  
Гуҳи Ширин бирла Хисрав<sup>9</sup>, балки Ҳиндистон  
манга.

---

<sup>8</sup> Сар – бош.

<sup>9</sup> Бу ерда Шарқда машҳур Хисрав ва Ширин мухаббати  
кӯти тутилмоқда.

\* \* \*

Күзумки, севди юзунгни чин эътиқоди била,  
Кўрар бу мушки<sup>1</sup> Хўтанни сочинг саводи<sup>2</sup> била.

Бўюнгни сарв ўқумоқ элга одат ўлди, vale,  
Эрам<sup>3</sup> ниҳоли не нисбат бу девчай оди била.

Жамол мулкини олдинг вафоу меҳринг ила –  
Ки, мулк боқи бўлур шоҳ адлу доди<sup>4</sup> била.

Муродим ул кўзи айёрдурки, бор назари  
Ниҳони ошики мискин номуроди била.

Ёзуқсиз ўлди камонабрўлар<sup>5</sup> жафосиндин,  
Ичинг пиёлае, з-ҳамол<sup>6</sup> Атойи ёди била.

---

<sup>1</sup> М у ш к – охулардан бир турининг киндигида ҳосил бўладиган қора рангли хушбўй модда. Мушк берадиган охулар Хўтан, Хитой ва Ҳиндистонда яшайди. М у ш к и Х ў т а н – Хўтандада тайёрланган мушк.

<sup>2</sup> С а в о д – қора, қоралик.

<sup>3</sup> Э р а м – афсонавий гўзал боғ. Ямандаги Од қавмининг хукмдори Шаддод ер юзида жаннат яратиш даъвоси билан уни бунёд этган эмиш.

<sup>4</sup> Д о д – 1) арз, фарёд; 2) инсоф, адолат.

<sup>5</sup> К а м о н а б р ў – қоши камон.

<sup>6</sup> Ҳ а м о л – дўст, улфат, шерик.

\* \* \*

Боду күзүнгки, бордур аниң фитна қошида,  
Пайваста<sup>1</sup> нозу шева<sup>2</sup> эрур фикри бошида.

Кириккларинг тегишса, таларлар күнгүл элин,  
Тайондур, оре, икки черикнинг савошида.

Ой багритош, күнглум эвин<sup>3</sup> айлама хароб –  
Ким, суратунг сизилмиш онинг ичи-тошида.

Чинкта итларинг манго миннат қилурлар, ох,  
Хеч кимса бўлмасун кишининг тўну ошида.

Пижхи маош<sup>4</sup> қилғоли ул юз наззорасин<sup>5</sup>,  
Хайрондуур халойиқ Атойи маошида.

<sup>1</sup> Пайваста – богланган, уланган, туташган.

<sup>2</sup> Шева – ноз, ишва.

<sup>3</sup> Эв – уй, хона.

<sup>4</sup> Маош – тирикчилик, яшаш.

<sup>5</sup> Наззора – қарашиб, назар солиш, томоша қилиш.

\* \* \*

Не раво бүлгай буким, меҳроб<sup>1</sup> ичинда ўлтуруб,  
Ўлтурадур мен дуочини кўзунг боқиб туруб.

Бир тўя кўргаймумен деб тальатингни<sup>2</sup> тўлин ой  
Тунглуунгда ўлтуур то субҳ<sup>3</sup> мендек телмуурб.

Тишларингдек донае уммон ичинда топмади,  
Ҳар нечаким истади мискин садаф<sup>4</sup> оғзи қуурб.

Неча занжир айласам кўнглум эвининг эшикин,  
Найлайнин, кандин келур зулфунг хаёли бош уруб.

Жавҳари<sup>5</sup> руҳеким, аслин билмади аҳли калом<sup>6</sup>,  
Банда бир сўз бирла ногаҳ билди оғзингдин  
сўруб.

Кирпикинг новаклариндин<sup>7</sup> соқланур кўнглум  
вале,

Бир отиб, ёзмас нишонин икки айёринг чўзуб.

Ғояти билмасликиндин муддаи кофир бўлур,  
Гар сужуд<sup>8</sup> айлар Атойи сизга Ҳақ нурин кўруб.

---

<sup>1</sup> М е х р о б – 1) масжидда имом турадиган тепаси қайрилма жой; 2) гўзалларнинг қайрилма қоши.

<sup>2</sup> Т а л ъ а т – юз, чехра.

<sup>3</sup> С у б ҳ – тонг.

<sup>4</sup> С а д а ф – ичидагур ҳосил бўладиган ҳукқа.

<sup>5</sup> Ж а в ҳ а р – гавҳар, асос, моҳият.

<sup>6</sup> К а л о м а ҳ л и – илоҳиёт олимлари.

<sup>7</sup> Н о в а к – 1) ўқ, камон ўқи; 2) киприк.

<sup>8</sup> С у ж у д – саждалар, ибодатлар.

\* \* \*

Не жонсен, эй париухсора маҳбуб,  
Қамуқ<sup>1</sup> боштин-аёқ матбуъу<sup>2</sup> марғуб<sup>3</sup>.

Санго берсун илоҳи Нуҳ умрин,  
Манга ҳам фурқатингда сабри Айюб.

Муродим бўлмасун ҳаргиз<sup>4</sup> мұяссар,  
Кўнгулда сендин ўзга бўлса матлуб<sup>5</sup>.

Бу ғамким, биздадур, бу хусн сизда,  
Сени Юсуф десунлар, бизни Яъқуб.

Севар ҳам жавру ҳам лутфин Атойи  
Чу хўблардин неким келса, эрур хўб.

<sup>1</sup> Қ а м у қ – ҳамма, барча.

<sup>2</sup> М а т б у ъ – ёқимли, маъқул.

<sup>3</sup> М а р ғ у б – ёқимли, севимли, дилкаш.

<sup>4</sup> Ҳ а р г и з – асло, ҳеч қачон.

<sup>5</sup> М а т л у б – маҳбуб, маъшуқ, севилган зот. Тасаввуф идибиётида матлуб, маҳбуб ва маъшуқ дейилганда қўпинчада Олонҳо таоло, Мухаммад алайхиссалом ва пири комил қўзда туғилади.

\* \* \*

Хар замон чикма хиромон юз уза зулфунг солиб,  
Тушмасун ислом ичинда расми зуннору<sup>1</sup> салиб<sup>2</sup>.

Бу лаби жонбахшу бу ҳусну малоҳат сенدادур,  
Ё сени Юсуф десунлар, ё Масихо<sup>3</sup>, ё Ҳабиб<sup>4</sup>.

Жаннат ул-маъвода кўнглум қилмағай сенсиз  
қарор,  
Найласун гул бўлмаса илҳақ чамандада андалиб.

Гар борур бўлсанг, мени ўлтур, дағи бўлғил равон,  
Боре оллингда ўлай ўлғунча сендин айрилиб.

Кес бошимни, ерға сол, ётсун қаро зулфунг  
бикин,  
Гар назар қилсам юзунгдин ўзга юзга қайрилиб.

---

<sup>1</sup> З у н н о р – насроний динидагилар белига боғлайдиган чилвир. Ислом мамлакатларида ғайримусулмонлар ҳам зуннор боғлаб юришган. Тасаввуфда зуннор – хақиқий маҳбуба хизмати ва тоатига бел боғлаш.

<sup>2</sup> С а л и б – насронийлар бути, хоч.

<sup>3</sup> М а с и х о (М а с и х) – Исо пайғамбар. Унинг қўли теккан – силаган ўликка жон кирап экан. Шунинг учун ҳам ул зот ал-Масих – силовчи деб улугланган. Нафаси ошиққа жон багишлайдиган маъшуқага ҳам Масих сифатини беришади.

<sup>4</sup> Ҳ а б и б – дўст, севикли, Мухаммад алайҳиссаломнинг лақаби.

Чарди ишқинг гар будурким, душти жонимға  
менинг,  
Мен тирилгум йўқтуур, беҳуда жон тортар рақиб.

Гарчи эл дерким: «Атойи бермагил ёрингга  
жон»,  
Мен истай бошимға ортуқ жонни жонимдин  
олиб.



\* \* \*

Күзинг хаёлида йўқтур балодин ўзга мусоҳиб<sup>1</sup>,  
Висолинг орзусида ҳам дуодин ўзга мусоҳиб.

Сабо кетургали зулфунг насиминдин бўе,  
Кўнгул тиламади ҳаргиз сабодин ўзга мусоҳиб.

Нечаки истади дарду ғаминг мусоҳибу ёре,  
Вале топилмади бу мубталодин ўзга мусоҳиб.

Кўзунг не турфа отимчи қароқчидурки, ҳамиша  
Қошинда йўқтур анинг ўку ёдин<sup>2</sup> ўзга мусоҳиб.

Кўнгулни тифи бало бирла пора-пора қилайнин,  
Агар таваққу<sup>3</sup> этар дилрабодин ўзга мусоҳиб.

Итинга ҳар кеча то субҳидам эшикта ётурда,  
Қаники, сарбасар<sup>4</sup> эткай гадодин ўзга мусоҳиб.

Атойи кўзларига ёр хоки роҳинг<sup>5</sup> эрур –  
Ки, кўзга лойик эмас тўтиёдин ўзга мусоҳиб.

---

<sup>1</sup> М у с о ҳ и б – суҳбатдош, улфат.

<sup>2</sup> Ё – бу ерда: ёй, камон.

<sup>3</sup> Т а в а қ қ у ъ – кутиш, кўз тутиш.

<sup>4</sup> С а р б а с а р – бошдан-оёқ, бутунлай.

<sup>5</sup> Р о х (Р а х) – йўл.

\* \* \*

Сениз бу жаҳон айши аламдур манга, эй дўст,  
Шодлиги ҳам меҳнату<sup>1</sup> ғамдур манга, эй дўст.

Лутфу карамингни сен агар мендан аёсанг,  
Лашуру ситаминг лутфу карамдур манга, эй дўст.

Лийдор ила қонеъ эмас эрдим эса, ҳажринг  
Лисобр<sup>2</sup> жафо айлади, камдур манга, эй дўст.

Кунгулум юзини жавр ила чун сендин эвурман,  
Охир неча бу жавру ситамдур манга, эй дўст.

Симга сени ўхшата билмонки, парисен,  
Портек<sup>3</sup> янгокинг боғи Эрамдур манга, эй дўст.

Күй киссайи Жамшидни<sup>4</sup>, жоме иликиндин  
Гар бўлса, даме мулкати<sup>5</sup> Жамдур<sup>6</sup> манга, эй дўст.

Онингга фидо жонки, табассум қилиб айтур:  
Хир лаҳза, Атойи, не адамдур манга, эй дўст».

<sup>1</sup> М е х н а т – 1) мусибат, бало; 2) ғам, дард; 3) машакқат, ғаничилик.

<sup>2</sup> Б и с ё р – кўп, ортиқ, зиёда.

<sup>3</sup> Н о р – бу ерда: шуъла, ўт, олов.

<sup>4</sup> Ж а м ш и д – қадимги Эроннинг афсонавий подшохи. Коми жаҳоннамо – жаҳонни кўрсатадиган жом ихтиро қилди. Бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда ва берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ходисалар ҳам шар экан. Май қадаҳи ва комил инсон қалбини ҳам илохий проприерни ўзида сақлаши жиҳатидан ойинаи жаҳоннамога нисбет берадилар.

<sup>5</sup> М у л к а т – мамлакат, подшохлик.

<sup>6</sup> Ж а м – Жамшид исмининг қисқартирилган шакли.

\* \* \*

Эй ой юзунг бандалари бахту саодат,  
Хуснунг қаби меҳрим санга ҳар лаҳза зиёдат.

Гар бўлса санга жавру жафо хўй<sup>1</sup>, вазифа,  
Бўлди манга ҳам меҳру вафо пешаву<sup>2</sup> одат.

Мен лаъли лабинг даъвисини тарк эта билмон,  
Конимға агар муддаилар берса шаҳодат.

Зулфунгни севубон юзунгга сажда қилурман,  
Килса, не ажаб, Чин элидин бутқа ибодат.

Майхонада<sup>3</sup> лангар солиб ўлтурди Атойи,  
То берди санамлар элина дасти<sup>4</sup> иродат<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> Х ў й – одат, феъл, табият, характер.

<sup>2</sup> П е ш а – 1) иш, амал; 2) ҳунар, одат, санъат.

<sup>3</sup> М а й х о н а ( М а й к а д а ) – шавқу завқу илоҳий файзга кон комил орифнинг ботини. Илоҳий олам маъносида ҳам келади.

<sup>4</sup> Д а с т – қўл.

<sup>5</sup> И р о д а т – 1) истак, хоҳиш, ихтиёр, ирода; 2) сидк, ихлюс, эътиқод.

\* \* \*

Мұсхафи<sup>1</sup> хуснунгга менгинг<sup>2</sup> нұктаси оят,  
Нелом элига бүлди юзунг нури хидоят.

Сен ҳұрмусен ё малак, эй турфаи даврон,  
Не хуснунга бор ҳаддею, не лутфунга гоят.

Гар ҳусні будурким, санға бор, кес бу тилимни,  
Юсуф сұзидин қылса агар зарра ҳикоят.

Лұпфунг мадидидин<sup>3</sup> киладур жонға күзунг қасд,  
Чин лашкари коғирға қилур, оре, хымоят.

Гар жону равон олами арвоққа чиқса,  
Күнгай лабинг одамға тирикликни кифоят.

Інш барча хавосин бу дам оғзингда күрарбиз,  
Ноңз неки, Исо дамидин қылди ривоят.

Гар жавр эт, агар лутф, қилур шукрунг Атойи,  
Чун йүқтуурон онлингда анға ҳадди шикоят.

<sup>1</sup> Мұсхаф – Куръон.

<sup>2</sup> Менг – хол.

<sup>3</sup> Мадид – давомли, узокқа чүзилған.

\* \* \*

Эй хусну ноз, шева майиндин мудом масть,  
Лаълинг хаёли бирла кўнгул бўлди майпаст.

Бадри<sup>1</sup> мунир<sup>2</sup> оразинг<sup>3</sup> олинда нотамом,  
Сарви баланд қоматинг олинда паст-паст.

Оғзинг, кўзунг ҳикоятини бошласам, бўлур  
Мажлис ичинда пиставу бодомга шикаст.

Бозори мушки Чин ора боғлатғусидуур,  
Мундокки бор санинг каро зулфунгға гирубаст<sup>4</sup>.

Ол моҳи<sup>5</sup>, дер, Атойи кўзининг бубаклари, –  
Ёш баҳри ичра бўлғоли зулфунг каманди шаст<sup>6</sup>.

---

<sup>1</sup> Б а д р – ўн тўрт кунлик ой, тўлин ой.

<sup>2</sup> М у н и р – нур сочувчи, порлок.

<sup>3</sup> О р а з – юз, чехра.

<sup>4</sup> Г и р у б а с т – кўнгил олиш, мафтун этиш.

<sup>5</sup> М о ҳ и – балиқ.

<sup>6</sup> Ш а с т – қармок.

\* \* \*

Хир исча бўлса ёрда кибру анову<sup>1</sup> мартабат<sup>2</sup>,  
Бондадин олида ҳамин фақру<sup>3</sup> ниёзу масканат<sup>4</sup>.

Ориф<sup>5</sup> эсанг, ўзунга бил факру фано<sup>6</sup> макомида  
Алш дил<sup>7</sup> остонасин тожи сариру<sup>8</sup> салтанат.

Эй күнгул, тутқил ўшал сохибназарлар<sup>9</sup>

МИЛЛАТИН,

Кўнга илмаслар фароғаттин Сулаймон<sup>10</sup>

МУЛКАТИН.

<sup>1</sup> А и о – 1) қийинчилик, машаққат, азоб; 2) ҳасад, ифво.

<sup>2</sup> М а р т а б а т – мартабалар, даражалар, мақомлар.

<sup>3</sup> Ф а қ р – тариқатнинг тўртинчи мақоми. Дунё неъматларни, нужуд эҳтиёжларидан қўл тортиб, фақат Ҳаққа муҳтож бўлниш.

<sup>4</sup> М а с к а н а т – факирлик, мискинлик.

<sup>5</sup> О р и ф – матърифат сохиби, Оллоҳни таниган киши, инсон. Оллоҳнинг зоти, сифатлари ва исмларини мурнида отадиган завқий ва важдий илмлар эгаси бўлган зот.

<sup>6</sup> Ф а қ р у ф а н о – тариқатнинг сўнгги мақоми. Оллоҳдан бўлниш ҳамма нарсадан узилиб, ёлғиз Ҳаққа боғланиш, таваккул шитиқоди билан яшаш.

<sup>7</sup> А х л и д и л – орифлар, комил инсонлар, валийлар.

<sup>8</sup> С а р и р – тахт.

<sup>9</sup> С о х и б н а з а р – ориф, каромат эгаси.

<sup>10</sup> С у л а й м о н – шон-шавкатли подшоҳ ва пайғамбар. Мол-мулки ҳад-хисобсиз бўлган. Унга Худонинг сирли мукаддас исми – Исми Аъзам маълум бўлган ва бу исм унинг сарни узугига нақш қилинган. Бу узук воситасида у нафақат шимлар, балки ҳайвонлар, кушлар, барча инсу жинсларга, табиият ҳодисаларига ҳам ҳукмини ўтказа олган.

Гар сен ўзунгни тонисанг «ман арафах»<sup>11</sup>  
сулукида<sup>12</sup>,  
Мулку малак санга бўлур хешу табору<sup>13</sup>  
мамлакат.

Қаҳридин эътиroz этиб, тутма кўнгулни ноумид,  
Лутфи зиёдадур онунг етса замони марҳамат.

Пири муғон<sup>14</sup> адокининг<sup>15</sup> тўзини<sup>16</sup> кўзга  
сурма қил,  
Кўз бу юришдин очилур, бил муни айни  
маслаҳат.

Сидқ била ҳабибни севса мухиб<sup>17</sup>, билур яқин<sup>18</sup>  
Борча жафосини – вафо, жумла зарори<sup>19</sup> –  
манфаат.

Икки жаҳон ибодатидурму Атойи дуняда,  
Шоҳи вилоят олина ҳамду саноу манқабат<sup>20</sup>.

<sup>11</sup> М а н а р а ф а х – ким ўзини таниса, англаса. «Кимки ўз нафсини, яъни ўзлигини таниса, билса, албатта, Оллоҳни танийди» мазмунидаги ҳадисга ишора.

<sup>12</sup> С у л у к – йўл. Илоҳий маърифатга интилған соликнинг руҳий-ахлоқий камолотга эришиш жараёни. Тариқат.

<sup>13</sup> Х е ш у т а б о р – қариндош-уруг.

<sup>14</sup> П и р и м уғ о н – оташпаратлар руҳонийси. Тасаввубуфда комил инсон ва руҳоний раҳбар маъносида келади.

<sup>15</sup> А д о қ – оёқ.

<sup>16</sup> Т ў з – гард, губор.

<sup>17</sup> М у х и б – 1) ошиқ; 2) дўст.

<sup>18</sup> Я қ и н – ҳақиқат, комил ишонч. А н в о р и я қ и н – ҳақиқат нури.

<sup>19</sup> З а р о р – зарарлар.

<sup>20</sup> М а н қ а б а т – 1) хислат, фазилат, мадҳ, сано; 2) машхур кишиларни улуғлаб ёзилган асар.

\* \* \*

Юзунгни, эй малоҳат хони, бир оч,  
Тўя кўрсун сени бу мустаҳик<sup>1</sup> оч.

Нетай мен гамзанг<sup>2</sup> илкиндинки, ҳар дам  
Тегар жонимға кўз кўнглумни олғоч.

Гулистонда чиқор пироҳанингни<sup>3</sup>,  
Саботек ғунча бирла ўйна сўймоч.

Бинафша қилса зулфунг бирла даъво,  
Эгилди бўйни елдин, кўп еди кож<sup>4</sup>.

Тиларсанким, жаҳон ошуфта<sup>5</sup> бўлғай,  
Замоне сунбулингни<sup>6</sup> гул уза соч.

Қаро сочинг кўнгулга келса, дермен,  
Қароримғаки, бот бўл, бошинг ол қоч!

Атойи севгали оҳу кўзунгни,  
Ани сайд<sup>7</sup> этмади ҳеч кўзи қиймоч.

---

<sup>1</sup> Мустаҳик – ҳақли, лойиқ, сазовор.

<sup>2</sup> Фамза (Ноз, ишва, истифо) – маъшуқанинг оиниқка илтифот қилиши, ишқ йўлида куч багишлиши.

<sup>3</sup> Пироҳан (Пираҳан) – кўйлак.

<sup>4</sup> Ко ж – 1) шапалоқ; 2) изтироб, азият.

<sup>5</sup> Ошуфта – ошиқ, шайдо, девона, гирифттор.

<sup>6</sup> Сунбул – ингичка баргли, гуллари ҳалқа-ҳалқа, кўнгриқсимон ва хушбўй ўсимлик. Маъшуқанинг сочи ҳалқа-ҳалқалиги ва муаттар хид таратиши жиҳатидан сунбулга нисбат берилади.

<sup>7</sup> Сайд – ов, ширкор.

\* \* \*

Эй мунааввар оразингдин шамъи ховар<sup>1</sup>  
хар сабоҳ<sup>2</sup>,  
Матлаъи<sup>3</sup> хусну малоҳатқа юзунгдур ифтитоҳ<sup>4</sup>.  
Ул ҳароми<sup>5</sup> кӯзларинг бирла лабинг давронида  
Бўлди қон тўкмак ҳалолу бода<sup>6</sup> ичмаклик мубоҳ<sup>7</sup>.  
Бўлмаса ушшоқ<sup>8</sup> учун майдин агар жон роҳати,  
Демас эрдилар араб нозиклари отини роҳ.  
Бандау ихлосу сидқу шоҳид элинда<sup>9</sup> сужуд,  
Зоҳиду<sup>10</sup> зарқу<sup>11</sup> риёву зухду<sup>12</sup> тақвоу салоҳ<sup>13</sup>.

<sup>1</sup> Х о в а р – шарқ, кунчиқар.

<sup>2</sup> С а б о ҳ – тонг, эргалаб.

<sup>3</sup> М а т л а ъ – 1) аввал, илк байт; 2) чиқиши жойи (ой, қуёш).

<sup>4</sup> И ф т и т о ҳ – очиш, киришиш.

<sup>5</sup> Ҳ а р о м и – қароқчи, йўлтусар, ғораттар.

<sup>6</sup> Б о д а – май, шароб, маест қилувчи ичимлиқ.

<sup>7</sup> М у б о ҳ – руҳсат этилган иш, жоиз, раво.

<sup>8</sup> У ш ш о қ – ошиклар.

<sup>9</sup> Ш о ҳ и д э л и – гўзаллар.

<sup>10</sup> З о ҳ и д – узлат ва тақвони касб қилиб олиб, дунё лаззатларидан юз ўтирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфондан бехабар бўлиб, уларнинг мақсади тақво билан охират мағфиратини қозониши, Куръонда вайда қилинган жаннатнинг хузур-ҳаловатига етишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худониғ ўзи, унинг дийдори бўлганлиги учун ҳам зоҳидларнинг бу ишини тамагирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни танқид қиладилар.

<sup>11</sup> З а р қ – 1) макр, риё, хийла; 2) мунофиқлик, иккюзламалик.

<sup>12</sup> З у х д – дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланishi.

<sup>13</sup> С а л о ҳ – 1) парҳезкорлик, зухду тақво; 2) ёмон ишлардан ўзини сақлаш, тўғрилик, ахлоқлилик.

Күргали қад-қоматингни йўл юурда ноз ила  
Тарки масжид айлади, бўлди муаззин<sup>14</sup>  
бекалоҳ<sup>15</sup>.

Бўлғали зулфунг черики жамъ, эй хўблар беги,  
Оз туман<sup>16</sup> минг хаста ошиқ кўнглидур қалбу  
жаноҳ<sup>17</sup>.

Гар ўкур мажлисда хонанда Атойи шеърини  
Зухра<sup>18</sup> чанг қўбсор, қилур шамсу<sup>19</sup> қамар завқу  
чароҳ<sup>20</sup>.

<sup>14</sup> М у а з з и н – аzon айтувчи, намозга чакиравчи, масжид сўфийси.

<sup>15</sup> Б е ф а л о ҳ – бенажот.

<sup>16</sup> Т у м а н – ўн минг.

<sup>17</sup> Ж а н о ҳ – қанот.

<sup>18</sup> З у х р а – Венера сайёраси: уни фалак чолғувчиси дейдилар ҳамда гўзаллик, мусиқаю рақс ва шодлигу хурсандчилик тимсоли ҳисоблайдилар.

<sup>19</sup> Ш а м с – қуёш, офтоб.

<sup>20</sup> Ч а р о ҳ – чараклаш.

\* \* \*

Эй бисоти хусн ичинда борча хўблардин зиёд,  
Йўқму хижрон шашдарида<sup>1</sup> бизга васлингдин  
кушод<sup>2</sup>.

Бу фалак беш кун айирғай бандани сиздин vale,  
Тоабад тобқуси йўқ тағийир<sup>3</sup> азалғи эътиқод.

Чунки топти дарди ишқинг лаззатин ғамгин  
кўнгул,  
Хотиримни баъдазин<sup>4</sup> килғумдуур ғам  
бирла шод.

Хатмудур ул юз уза, ё котиби хусну жамол  
Сафҳайи гул узра қилди лутғ шоҳбайтин<sup>5</sup> савод.

Зоҳидо, хуру қусуру<sup>6</sup> кавсару<sup>7</sup> тўби<sup>8</sup> санга,  
Бизга дилбар<sup>9</sup> васлидур дунёву уқбодин<sup>10</sup> мурод.

<sup>1</sup> Ш а ш д а р – нард ўйинида мот бўлиш хонаси.

<sup>2</sup> К у ш о д – очик, очилиш, очилиш.

<sup>3</sup> Т ағ ғ и р – ўзгариш, ўзгартириш.

<sup>4</sup> Б а ъ д а з и н – бундан кейин.

<sup>5</sup> Ш о х б а й т – касида ёки ғазалнинг энг гузал ва энг мукаммал байти.

<sup>6</sup> Қ у с у р – қасрлар, саройлар.

<sup>7</sup> К а в с а р – жаннатдаги ҳовуз, булоқ. Унинг суви асалдан ширин, қор ва сутдан оқ бўлиб, ичган киши абадулабад ташналик нималигини билмайди.

<sup>8</sup> Т ү б и (Т ў б о) – жаннатдаги ранг-баранг мевали ва хушбуй серсоя дарахт.

<sup>9</sup> Д и л б а р – илохий тажалли чоғида дилни нуроний қи-лувчига дилбар дейилади.

<sup>10</sup> У қ б о (У қ б и) – у дунё, охират.

Борча эл жаннат тилюса Тенгридин маҳшар  
дами,  
Мен жафочи хўбларнинг илкидин фарёду дод.

Ул қаду юзга Атойи мўътақидсен<sup>11</sup> дуняда,  
Рости, йўқтур сенингдек мухлиси пок эътиқод.

---

<sup>11</sup> Мўътақид – эътиқод қилувчи.



\* \* \*

Кел, эй санамки, бүлди яна навбаҳору ийд –  
Ким, хуштуур қишига висоли ниғору ийд.

Бир лаҳза ол никоб юзунгдин қуёш бикин,  
Жамъ айла анжуманд гулу лолазору ийд.

Бер журъае<sup>1</sup> бу ташнага лаълинг зилолидии,  
Ийдеки, жамъ бүлса майи хушгувору<sup>2</sup> ийд.

Жон ўйнойин кўзунгнунг ики қаъбатайнина<sup>3</sup>,  
Расмедурур қадим ҳамиша қимору ийд.

Жонинг учун Атойига кўп берма интизор –  
Ким, руҳнунг азоби эрур интизору ийд.

---

<sup>1</sup> Журъа – қатра, қултум.

<sup>2</sup> Хушгувор – хуштаъм, мазали, лаззатли.

<sup>3</sup> Қаъбатайн – нард ўйинидаги суюк тош.

\* \* \*

Цилбаро, лаълинг майдур оби кавсардин<sup>1</sup>  
мурод,  
Қоматинг сарви дағи түбийи навбардин<sup>2</sup> мурод.

Бир назарда ғорат айлар юз кўнгулни зулм ила,  
Кўзларингдур, эй санам, куффори<sup>3</sup> Хайбардин<sup>4</sup>  
мурод.

Оҳ, бир кун бу қаро бошимға не келтурғуси  
Бу кўнгулким, истар ул зулфи муанбардин<sup>5</sup>  
мурод.

Бори<sup>6</sup> ханжар чекмасун нозук белинг,  
ғамзанг етар,  
Гар мени ўлтурмак эрса ушбу ханжардин мурод.

Тұхмати хушкедурур уммонғаким, дур андадур,  
Тишларинг дурдонасикур лульлуи тардин<sup>7</sup>  
мурод.

<sup>1</sup> О б и к а в с а р – кавсар суви.

<sup>2</sup> Н а в б а р – янги етилган дарахт; мажозан: навниҳол маҳбуба.

<sup>3</sup> К у ф ф о р – кофирлар.

<sup>4</sup> Х а й б а р – 628 йили Мұхаммад алайҳиссалом забт этпен қалъа.

<sup>5</sup> М у а н б а р – хушбўй, муаттар.

<sup>6</sup> Б о р – бу ерда: ғам, ташвиши.

<sup>7</sup> Л у ъ л у и т а р – ялтироқ ва сержило марварид.

Мен талаб устинда ўлгумдур ситамкашлик била,  
Хар нечаким, ҳосил ўлмас сен ситамгардин  
мурод.

Мен басе мискинмену сиз ҳусн ила асру ғани<sup>8</sup>,  
Айб эмас, күз тутса мискинлар тавонгардин<sup>9</sup>  
мурод.

Хұблар меҳру вафосидурки, ҳеч ким күрмади,  
Кимиёгарлар<sup>10</sup> деган кибрити ахмардин<sup>11</sup> мурод.

Номуроде бұл, Атойи, дилбарунг йүлиндаким,  
Дилбар-үқтур<sup>12</sup> ошиқи содикка дилбардин мурод.

<sup>8</sup> Ғани (й) – бой-бадавлат,

<sup>9</sup> Тавонгар – 1) кучли, қудратли; 2) бой-бадавлат.

<sup>10</sup> Ким ё гар – ўтмишда оддий маъданларни олтину кумушга айлантириш йўлларини излаган киши.

<sup>11</sup> Кибрити ахмар – қизил ёқут.

<sup>12</sup> Ўқ – кучайтириш юкламаси.

\* \* \*

Одамни адамдинки, Худой айлади мавжуд,  
Изҳори жамолинг эди, бас, ғояти максуд.

Оғзингни калом аҳлики, маъдум<sup>1</sup> ўқурлар,  
Дерлар белинг отини маъдumu не мавжуд.

Мен хастани бир олқиши учун сўргонингиздин  
'изга не зиён бўлгай, агар бўлса манго суд<sup>2</sup>.

Ўртангай эди нори янгоғинг ўтида кўнглум,  
Жон дардига себи зақанинг<sup>3</sup> бўлмаса беҳбуд<sup>4</sup>.

Фирдавсий Туси<sup>5</sup> не шикоят қилиб эрди,  
Гар хатти Аёз<sup>6</sup> ўлмаса «Шоҳнома»и Маҳмуд<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Маъдум – йўқ, йўқлик.

<sup>2</sup> Суд – фойда, манфаат, наф.

<sup>3</sup> Себи зakan – бағбақа.

<sup>4</sup> Беҳбуд – 1) яхшилик, тұғрилик; 2) фойда, нажот.

<sup>5</sup> Фирдавсий Туси (й) – туслик машхур форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсий (934–1030).

<sup>6</sup> Аёз – Маҳмуд Газнавийнинг аввал қули бўлиб, кейин хос надими, мусоҳибига айланган. Маҳмуд ва Аёз ўртасидаги пок ишқ Шарқ адабиётида кенг куйланган.

<sup>7</sup> Махмуд – газнавийлар давлати ҳукмдори Маҳмуд Газнавий (967–1030).

Соки(й)<sup>8</sup> кетур ул оташи гулрангки, хуштур  
Мушкин нафаси субҳ била замзамайи уд<sup>9</sup>.

Шоҳид<sup>10</sup> била бир бўлса Атойига не таъна,  
Ваҳдат<sup>11</sup> йўлида экти гули шоҳиду машҳуд<sup>12</sup>.

---

<sup>8</sup> Сокий деганда сўфиylар Оллоҳни, Мухаммад алайхисса-  
ломни, маъшуқани, пиr ёки комил инсонни назарда тутадилар.  
Сокий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига  
илохий файз багишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар,  
ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

<sup>9</sup> У д – Ҳиндистон ва Бирмада ўсадиган новдалари қаҳва-  
ранг ва хушбўй дараҳт. Уни хушбўй хид таратиши учун ман-  
қалга солиб тутатадилар.

<sup>10</sup> Ш о х и д – ҳозир, далил, қалbdаги ҳолат, ғойиб бўлган  
нарсани курсатадиган ва қалбга хузур баҳш этадиган нарса.

<sup>11</sup> В а х д а т ( Т а в ҳ и д ) – Оллоҳ таолонинг бирлиги,  
ягоналиги. Бу тушунчага кўра борлик ягона бир вужуддан,  
оламдаги барча нарсалар унинг тажаллийси – намоён бўлиши-  
дан иборат.

<sup>12</sup> М а ш х у д – шоҳиднинг кўрсатгани, кўринадиган та-  
жаллий.

\* \* \*

Ушал сониъки<sup>1</sup>, сунъидин<sup>2</sup> тажаллийи жамол  
айлар,  
Озунг миръоти<sup>3</sup> ҳуснидин юз изҳори камол  
айлар.

Қаро зулфунг саводидин румузи<sup>4</sup> куфр<sup>5</sup> этиб  
зохир<sup>6</sup>,  
Энгингни<sup>7</sup> Мустафо<sup>8</sup> нури, менгингни ҳам  
Билол<sup>9</sup> айлар.

<sup>1</sup> С о н и ъ – Яратувчи, Худо.

<sup>2</sup> С у н ъ – яратиш.

<sup>3</sup> М и р ъ о т – ойина, кўзгу. Илоҳий мазҳар бўлган комил инсон қалби. Чунки ойина деганда, Оллоҳнинг зоти, сифатлари, исмларига ишора қилинадики, уларнинг барчаси комил инсон кибода акс этади.

<sup>4</sup> Р у м у з – рамзлар, тимсоллар.

<sup>5</sup> К у ф р – тасаввуфда касрат оламининг зулми, дунё табиби, ваҳдатдан жудолик.

<sup>6</sup> З о х и р – 1) кўриниб турган, очиқ-ошкор, аён; 2) ташки ғўриниш, бирор нарсанинг сирти, таши.

<sup>7</sup> Э н г – юз, чехра.

<sup>8</sup> М у с т а ф о – сайланган, танланган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг исмларидан бири.

<sup>9</sup> Б и л о л – ислом тарихидаги биринчи муazzин. Баланд, шириали, таъсирли овозга эга бўлган, асли ҳабашибистонлик. Муҳаммад алайҳиссаломга бир неча йил муazzинлик қилган (ифоти – 641).

Халил<sup>10</sup> ўғли бикин қурбон этарга ишқ  
жонбозин,  
Жамолингдин қилиб байрам, кошиңг ёсин  
хилол<sup>11</sup> айлар.

Ҳақиқатта либоси зоҳирийға эътибор ўлса,  
Нега Мухтори Акрамнинг<sup>12</sup> либосин эски шол  
айлар?

Муҳаббат шарбати гар нўш<sup>13</sup> бирла созвор<sup>14</sup> эрса,  
Ҳусайнни Карбалоға<sup>15</sup> не учун қонин зилол айлар?

Жами Жамшиду Фагфуру<sup>16</sup> Кайковуснунг<sup>17</sup>  
божин  
Ғанилиқ қаҳрамониндин кўзунгни поймол айлар.

---

<sup>10</sup> Х а л и л ў ғ л и – Исмоил алайҳиссалом. Бу ерда Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли Исмоилни Ҳудо йўлида қурбон қилишиб воқеасига ишора қилинмоқда.

<sup>11</sup> Ҳ и л о л – уч кунлик ой; мажозан гўзалларнинг қайрилма қоши.

<sup>12</sup> М у х т о р и А к р а м – Муҳаммад алайҳиссалом.

<sup>13</sup> Н ў ш – ичиш.

<sup>14</sup> С о з в о р – бу ерда: сазовор.

<sup>15</sup> Бу ерда Карбалода шаҳид бўлган Имом Ҳусайн кўзда тутилмоқда.

<sup>16</sup> Ф ағ ф у р – қадимги Хитой подшоҳларининг лақаби.

<sup>17</sup> К а й қ о в у с – қадимий Эроннинг каёнийлар сулоласига мансуб иккинчи хукмдор.

Атойи сен киму тавҳиди Ҳақ, ҳаддингни бил,  
ҳайҳот –  
Ким, онинг ҳамду шукри акли қулни<sup>18</sup> гунгу лол  
айлар.

---

<sup>18</sup> Ақли кул – тугал ва комил ақл. Жаброил алайҳис-салом, нури Мухаммадий ва Арши азим ҳам тушунилади.

\* \* \*

Улки, дерлар жумлайи оламда ғолиб ҳусн эрур,  
Мунтахой<sup>1</sup> восили матлубу толиб<sup>2</sup> ҳусн эрур.

«Ахсани тавқим»<sup>3</sup> ила «куллун жамилун»<sup>4</sup>  
сиррини  
Англағон орифға ҳозир бирла ғойиб ҳусн эрур.

«Кунту канзан»<sup>5</sup> пардасинда орифу маъруфнунг<sup>6</sup>  
Рамзини изҳор қилмоқлиққа толиб ҳусн эрур.

Олами афлоқда хуршиди оламтобни<sup>7</sup>  
Айлагон султону ҳам шоҳи кавокиб<sup>8</sup> ҳусн эрур.

---

<sup>1</sup> М у н т а ҳ о – охир, интиҳо.

<sup>2</sup> Т о л и б – солик, мурид, йўловчи: тариқатга кириб, риёзат босқичларини босиб ўтиш орқали Худо сари сайр қилаётган киши.

<sup>3</sup> А х с а н и т а қ в и м – Куръони каримдаги «Биз инсонни энг яхши шаклу шамойилли қилиб яратдик», деган оятга ишора.

<sup>4</sup> К у л л у н ж а м и л у н – барча гўзал, гаройиб нарсалар.

<sup>5</sup> К у н т у к а н з а н – Ҳадиси құдсийнинг бошланиш қисми бўлиб, унинг тўлиқ таржимаси шундай: «Эй одам фарзанди, албатта, мен (Илоҳ) бир махфий кон эдим. Бас, иродада қилдимки, ўзимни ошкор қилайин деб ва бутун халқни яратдим».

<sup>6</sup> М а ъ р у ф – маълум, машхур.

<sup>7</sup> Х у р ш и д и о л а м т о б – оламни ёритувчи қуёш.

<sup>8</sup> К а в о к и б – юлдузлар.

Миср шаҳринда Зулайхони азиз Юсуф учун  
Хор килғон, ер тубиндин ҳам чикориб ҳусн эрур.

Килгучи озодани<sup>9</sup> банда, салотинни<sup>10</sup> гадо,  
Бир назарда мазҳари<sup>11</sup> жумла ажойиб ҳусн эрур.

Бу жамолеким, Атойи сизда кўрди, баъдазин  
Ути хўблар не дегай, яъники соҳибхусн эрур.

<sup>9</sup> О з о д а – 1) эркин, озод, дунёвий боғлиқликлардан туғулган; 2) жавонмард, эзгу хислатлар соҳиби.

<sup>10</sup> С а л о т и н – сultonлар, подшоҳлар.

<sup>11</sup> М а з ҳ а р – 1) кўриниш, зохир бўлиш; 2) акс.

\* \* \*

Эй кўзи жайрон, қаро кирпуклари сайёдлар,  
Кофири зулфунг неча қилғай манго бедодлар?

Ҳар замон ғарқи арактин эзилурлар чун набот,  
Лабларингнинг инфиолидин базе қаннодлар<sup>1</sup>.

Ҳар бири турғон еринда қолди ҳайрон бандатек  
Коматингдин боғ ичинда сарву ҳам шамшодлар<sup>2</sup>,

Кўпмадинг ноз уйқусиндин, эй кўзи чўлпон,  
даме,

Ҳар сахар етти фалакка нолау фарёдлар.

Мен не теб тарки шаробу шоҳид айлайким, манга  
Пири майхона<sup>3</sup> азалдин қилди бу иршодлар<sup>4</sup>.

Сели ишқинг қўймади – ҳамвор<sup>5</sup> қилди ер била,  
Сабр кўйинда нечаким айладим бунёдлар.

Оразу зулвидин ўзга зикру фикринг йўқтуур,  
Эй Атойи, қайди борди субҳу шом авродлар<sup>6</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаннод – қанд пиширувчи, шиннипаз, ҳалвогар.

<sup>2</sup> Шамшод – кичик ва хушбўй гулли, ҳамиша кўмкўк яшнаб турадиган хушқомат ва чиройли дараҳт.

<sup>3</sup> Пири майхона – тариқат пири, маънавий раҳбар.

<sup>4</sup> Иршод – тўғри йўлни курсатиш, раҳнамолик қилиш, ҳидоят.

<sup>5</sup> Ҳамвор – баробар, теп-текис.

<sup>6</sup> Аврод – 1) бомдод намозидан сўнг ўқиладиган дуо ёки оят; 2) зикрлар, дуолар.

\* \* \*

Бу парипайкар<sup>1</sup> санам гүёки маҳзи<sup>2</sup> рухдур,  
Пашли Хизр оби ҳаёти, қадди умри Нуҳдир.

Күнлари васфини худ не айтайин ҳар гүшада,  
Күнлари наштарлариндик юз күнгул мажрухдур.

Гар гадое нозанинлар шоҳидин лутф истаса,  
Асру ҳам айб айламанг файз эшики мафтухдур<sup>3</sup>.

Бигини хўблар ишқидин манъ айлама ҳар дам,  
Ҳаким,  
Акоғ қавли муфтийи ишқ онлида мажрухдур.

Пр Атойи кўнглига келса мушавваш<sup>4</sup> бўлма жон,  
Суҳбати хилватда бегона<sup>5</sup> азоби рухдур.

<sup>1</sup> П а р и п а й к а р – пари сурат, гўзал, сохибжамол.

<sup>2</sup> М а ҳ з – 1) соф, холис; 2) ёлгиз, факат.

<sup>3</sup> М а ф т у х – 1) очик, очилган; 2) забт этилган, фатҳ қишинган.

<sup>4</sup> М у ш а в в а ш – ташвишли, беором, паришон.

<sup>5</sup> Б е г о н а – тариқат йўлига қадам кўймаган, сайру су-  
зукин ўтмаган киши.

\* \* \*

Юзунгдин равзай ризвон<sup>1</sup> бўлубтур,  
Лабингдин чашмаи ҳайвон бўлубтур.

Жамолинг Мусҳафининг оядидин  
Хадиси Юсуфи Кањон<sup>2</sup> бўлубтур.

Бурун худ бор эди хусну жамолинг  
Ва лекин эмди сад<sup>3</sup> чандон бўлубтур.

Азалда журъае томмиш лабингдин,  
Бу кун оти жаҳонда жон бўлубтур.

Хино рангимудур бармокларингда,  
Ё ошиқ ўлтурурда қон бўлубтур?

Мудом усрук<sup>4</sup> ётур меҳроб ичинда,  
Магар коғир кўзунг тархон<sup>5</sup> бўлубтур?

<sup>1</sup> Ризвон – саккиз биҳиштнинг бири: розилик ва мамнуният жаннати.

<sup>2</sup> Юсуфи Кањон – кањонлик Юсуф, яъни Юсуф пайғамбар.

<sup>3</sup> Сад – юз.

<sup>4</sup> Усрук – маст, сархуш.

<sup>5</sup> Тархон – 1) подшоҳ томонидан бериладиган унвон бўлиб, унга сазовор бўлган кишилар соликдан, урушга сафарбарликдан озод килинган; 2) ўзбек элатларидан бирининг номи.

Қоронғу кечада кип жубба<sup>6</sup> ичра,  
Юзунг ою кўзунг чўлпон бўлубтур.

Таолаллоҳ<sup>7</sup>, зихи<sup>8</sup> шакли шамойил –  
Ки, олам хуснина ҳайрон бўлубтур.

Атойи моҳрухлар<sup>9</sup> орзусинда  
Фалактек асрү саргардон бўлубтур.

<sup>6</sup> Кип жубба – кундуз терисидан тикилган пўстин.

<sup>7</sup> Таолаллоҳ – энг улуғ ва устун, олий Оллоҳ.

<sup>8</sup> Зихи – 1) гўзал, ёқимли, кўнгилга матлуб; 2) яхши, қандай яхши, оғарин.

<sup>9</sup> Моҳрух – ой юзли, гўзал.

\* \* \*

Үтарда күз учидинким, бирор назора қилур,  
Хирад<sup>1</sup> чиқар йўлидин, ақлу ҳуш канора<sup>2</sup> қилур.

Недин кўнгулга севгулукни берди ҳаддин тош,  
Ўшалки, ҳусн эли кўнглинини санги хора<sup>3</sup> қилур.

Карашмадин чу кўнгулнинг ярасина бутмас,  
Не юракни жафо тифи бирла пора килур.

Кетурса хандаи ширинға лаъли майгунун<sup>4</sup>,  
Юз йилғи шайх, валини шаробхора<sup>5</sup> қилур.

Атойи сиррини ҳар неча ёшуур элдин,  
Қизорта қон ёши юз ерда ошкора қилур.

---

<sup>1</sup> Хирад – ақл, идрок.

<sup>2</sup> Канора (Канор) – 1) соҳил, қирғок; 2) тараф, томон;  
3) чет, бурч.

<sup>3</sup> Сангийхора – қаттиқ тош.

<sup>4</sup> Майгун – май рангли, қизил.

<sup>5</sup> Шаробхора – шаробхўр, майхўр.

\* \* \*

Диңбаро, келгилки, шавқунгдин қарорим  
йүқтуур,  
Тоқати ҳажру мажоли интизорим йүқтуур.

Ош Масихим, мен заифи хастадилни бир нафас  
Сүрмасанг, ўлмактин ўзга кору борим<sup>1</sup> йүқтуур.

Килча жоним бор – қилай ҳиндуйи<sup>2</sup> зулфунга  
фидо,  
Чун бу савдода, бегим, молу таворим йүқтуур.  
Нече хоки рохдек күрсанг ракиблар күзида,  
Хаң билур, бир зарра күнглумда ғуборим  
йүқтуур.

Шыларинг чорлар мени күргач эшикта, айб эмас –  
Ким, улардин ўзга мушфиқу дүстдорим<sup>3</sup>  
йүқтуур.

Ол юзинде бокма, деб ҳар дам юзумга сүйлагил,  
Сен билурсен худ бу ишда ихтиёрим йүқтуур.  
Улди ҳажрингдин Атойи, эй жафочи сангдил<sup>4</sup>,  
Демадинг бир кун манинг ул хоксорим йүқтуур.

<sup>1</sup> К о р у б о р – ишлар, машғулликлар.

<sup>2</sup> Х и н д у – хинди斯顿лик; мажозан: 1) қора, қора ранг;  
2) қора хол.

<sup>3</sup> Д ў с т д о р – дүст тутувчи, ошик.

<sup>4</sup> С а н г д и л – күнгли қаттиқ, бағритош, бераҳм, ситам-  
тар.

\* \* \*

Боқар охулайин ҳар ён үшал икки қаро күзлар,  
Хаданги<sup>1</sup> ғамзасин отмоғ учун гүё қаро күзлар.

Дилу жон сайд қилмоқда киши күрмайтуур  
харгиз  
Мунунгтек нозанин қошлар, анингтек дилрабо  
күзлар.

Бу хусну шевау шаклу малоҳатни тилаб топмас  
Нечаким нозанинлар ичра ушбу мубтало күзлар.

Висолинг давлатини, шукрилиллаҳқим<sup>2</sup>,  
бу кун топдик,  
Бихиштеким, қиёмат маҳшаринда порсо<sup>3</sup> күзлар.

Атойининг хаёлоти маҳолин күрки, хўбларнинг  
Вафосизликларин билгач, яна меҳру вафо күзлар.

---

<sup>1</sup> Хаданг – 1) ўқ, камон ўқи; 2) найза.

<sup>2</sup> Шукрилиллаҳ – Оллохга шукр.

<sup>3</sup> Порсо – тақводор, художўй.

\* \* \*

Ой, хижил гул оразингдин бўстону боғлар,  
Лоларухсоринг фироки кўйди жонга доғлар.

Ой юзунг шавқинда тунлар то саҳаргах ўлтуриб,  
Гидуруб кўз машъалин, ёштин қуярмен ёғлар.

Ҷулфунгу қаддингни кўргач, боғбон айтур равон:  
«Гул яғочи устида қўнмиш ажойиб зоғлар».

Кўзларинг ахволини сўргил мени девонадин,  
Сўрмағил оқилғаким, усрукни билмас соғлар.

Ул қуёш юздин Атойи зарра айрилмас эди,  
Гар аёғина фалак солмаса ғамдин боғлар.

\* \* \*

Юзунғ то пардадин зохир бүлубтур,  
Санамлар ҳусн даъвосин қўюбтур.

Зиҳи ишрат, санинг усрук кўзинга –  
Ки, гулзор ичра хуш мажлис тузубтур.

Шакар оғзинг қошинда лаъл конин  
Менгинг ҳиндулари саклаб турубтур.

Талошмиш ғунча оғзинг бирла торлик,  
Сабо оғзина ўғринча урубтур.

Ўта чиқти бағирдин тири<sup>1</sup> ғамзанг  
Вале пайкони<sup>2</sup> жонда ўлтурубтур.

Фироқингнинг, магарким, жони йўқтур,  
Мени сенсиз тирик мундоқ тутубтур.

Атойига емак-ичмак керакмас –  
Ки, ҳажринг илкида жондин тўюбтур.

---

<sup>1</sup> Т и р ( Т и й р ) – ўқ, камон ўқи.

<sup>2</sup> П а и к о н – 1) камон ўқининг учидаги учлик темир;  
2) тиконнинг ўтқир учи; 3) киприк.

\* \* \*

Дилбар фироқида бу күнгүл хастаҳол эрур,  
Химрози<sup>1</sup> дарду ҳамдами ранжу<sup>2</sup> малол эрур.

Шаксиз бу кун ўлармен аниң фурқатиндаким<sup>3</sup>,  
Жонисиз киши жаҳонда тирилмак маҳол эрур.

Богу биҳишту кавсару тўбики, дерлар эл,  
Ушпоқ мазҳабинда замони висол эрур.

Юсуф юзи, қудук зақани бор, сочи расан,  
Но дамию Хизру хат, эрни<sup>4</sup> зулол эрур.

Ҳар маърифатки, шайх они таҳқиқ<sup>5</sup> сўзи дер,  
Билимас муники, маънийи ул зулфу хол эрур.

Бир қилча ишқ ҳолатидин топмади вуқуф<sup>6</sup>,  
Муфтийи мадрасаки, иши қилу қол эрур.

Гим кунжида Атойи бикин бўлмайин хароб  
Гинжи<sup>7</sup> висол истамангизким, хаёл эрур.

<sup>1</sup> Ҳ а м р о з – сирдош, яқин дўст.

<sup>2</sup> Р а н ж – 1) мاشаққат, қийинчилик; 2) азоб, алам, дард.

<sup>3</sup> Ф у р қ а т – жудолик, айрилик, хижрон.

<sup>4</sup> Э р н ( И р н ) – лаб.

<sup>5</sup> Т а х қ и қ – нарсанинг моҳиятини билиш, ҳақиқатга отни. Тасаввупда банданинг ҳақиқатни кашф этиш учун қила-диган саъю ҳаракати.

<sup>6</sup> В у қ у ф – вокиф, хабардор, огоҳ.

<sup>7</sup> Г а н ж – бойлик, хазина.

\* \* \*

Холи мушкинким, ўшал юз – моҳи  
тобониндадур<sup>1</sup>,  
Рашқдин юз доги ҳасрат лоланинг жониндадур.  
Не бало нозук яратмиш олим ул-ғайб<sup>2</sup> оғзини,  
Кунту канзан рамзи маҳфийси анинг  
шониндадур.

Гарчи Юсуфдек бу кун ҳусну малоҳат Мисрида,  
Мўъжизи Исо<sup>3</sup> валекин лаъли хандониндадур.

Эй мусулмонлар, ажаб айёри кофирдур кўзи,  
Форати дин қилмоқ ичра куфри аёниндадур.

Фунча янглиғ нофайи<sup>4</sup> охуйи Чин қон боғлади,  
Топмади ул бўйи хушким, сунбулистониндадур.

Гаҳ қилур жавру жафо, гаҳ кўргузур меҳри вафо,  
Ҳукм оНИнгдур, ҳар не қилса, банда  
фармониндадур.

Юз Атойидек гадойи ўлса, қайтиб боқмағай,  
Бу думоғу кибрким, ул ҳусн султониндадур.

---

<sup>1</sup> М о х и т о б о н – порлоқ ой; мажозан: гўзал маҳбуба.

<sup>2</sup> О л и м у л - ғ а й б – сирли ва яширин нарсаларни  
билиувчи, яъни Худо.

<sup>3</sup> М ў ъ ж и з и И с о – Исо мўъжизаси: ўликни тирилти-  
риш.

<sup>4</sup> Н о ф а – киндик. Бу ерда охунинг мушкли киндиги.  
Мълумки, мушк охулардан бир турининг киндигигида ҳосил  
бўлади. Мушк берадиган охулар Хўтан, Хитой ва Ҳиндис-  
тонда яшайди.

\* \* \*

Ширин лабики, жон яросиға намак<sup>1</sup> солур,  
Жондур ё жони жонки, күнгүл ичра шак солур.

Гүхкүки ошиқ ўлғуси таклидидин жудо  
Үп дамки, ёр ўтарда ғамдин маҳак<sup>2</sup> солур.

Тын этма, муддаи, манга бағримни қон күруб,  
Бу ишқдурки, шери нар<sup>3</sup> анда юрак солур.

Хир субҳидамки, машъали машриқ<sup>4</sup> қилур  
тулуъ<sup>5</sup>,  
Хижрон ўтидуурки, юракка фалак солур.

Сенса агар Атойи рақибин ажаб эмас,  
«Ким эясин<sup>6</sup> оғизлар, итига сұнгак солур».

<sup>1</sup> Н а м а к – туз.

<sup>2</sup> М а ҳ а к – олтин-кумушға суртилиб, уларнинг асл ё соҳтигини аниқладиган тош; синов тоши.

<sup>3</sup> Н а р – эркак.

<sup>4</sup> М а ш р и қ – шарқ, кунчиқар.

<sup>5</sup> Т у л у ъ – чиқиши, күриниш (ой, қүёш).

<sup>6</sup> Э я – эга.

\* \* \*

Мушкин хатики, чашмаи ҳайвон наботидур,  
Парвона жон ангаки, тириклик баротидур<sup>1</sup>.

Ул шаҳсувор тиркашининг ўқининг юнги  
Жон қушининг тириклата кесган қанотидур.

Ҳар кимки, ичмади лаби оби ҳаётидин  
Бир майитедуурким, онинг ҳайй<sup>2</sup> отидур.

Кўнглумни ўзбак ўлжаси қилди қиё боқиб,  
Бу хон уруғи қайси улуснинг қиётидур<sup>3</sup>.

Етмасму бир Атойига, эл ҳусн ила ғани,  
Кўз учидин назарки, жамолинг закотидур<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Б а р о т – ёрлиқ қогози, гуноҳнинг кечирилгани ҳакидаги хужжат.

<sup>2</sup> Ҳ а й й – тириқ, барҳаёт.

<sup>3</sup> Қ и ё т – ўзбек уруғларидан бири.

<sup>4</sup> З а к о т – ислом динида мухтожлар фойдаси учун ҳар иили умумий даромаднинг қирқдан бир улуши микдорида бсрладиган солиқ.

\* \* \*

Губийи жаннатки, дерлар, қомати болосидур<sup>1</sup>,  
Фигтнайи даври камар<sup>2</sup> ҳам наргиси<sup>3</sup> шаҳлосидур.

Бишдани ҳажр илкидин килғон фақиру зору хор,  
Гояти нозу такаббур бирла истиғносидур.

Ишк мулкинда асир этган мұғул ўлжосидек —  
Хаста күнглумни хитойи күзлари яғмосидур<sup>4</sup>.

Рұм<sup>5</sup> элинда бир ажаб ҳиндү тушубтур холиким,  
Нофайи Чину Хұтан бир камтарин лолосидур<sup>6</sup>.

Хоки рохидур Атойи, күйидин манъ этманғиз,  
Чун анинг ул бүстону жаннат ул-маъвосидур.

<sup>1</sup> Б о л о — тик, баланд, юксак.

<sup>2</sup> Да в р и қ а м а р — эски нужум илмиға күра, етти сайё-  
рининг охирги айланиш даври бүлиб, улардан ҳар бирининг  
айланиши етти минг йилни ташкил этади; умуман, ойнинг  
айланиши.

<sup>3</sup> Н а р г и с — бұтакүз; мажозан: маъшукәнинг күзи.

<sup>4</sup> Я ғ м о — талон-торож, ғорат.

<sup>5</sup> Р у м — ўрта асрларда Кичик Осиё (Византия) ва Греция  
ерләри шундай аталған.

<sup>6</sup> Л о л о — бу ерда: кул, банда, хизматкор.

\* \* \*

Усрук күзүнгки, жону күнгүлдин кабоби бор,  
Хар гүшада манинг киби юз минг хароби бор.

Гашти чаман қилурда арак<sup>1</sup> қылса энгларинг,  
Барги гуледуурки, юзинда гулоби<sup>2</sup> бор.

Хуршиди<sup>3</sup> ховарийни юзунг инфиолидин  
Хар куни туғорда, күрки, нелар, изтироби бор.

Жон комини<sup>4</sup> шакар бикин айлар ачиғланиб,  
Ширин лабингки, қанду асалдин унноби<sup>5</sup> бор.

Хаққо, қилур эдим бу түқуз хаймадин<sup>6</sup> видоъ,  
Бўйнумда, нетайин, қаро зулфунг таноби бор.

Дарёедуур кўзум ёши ҳажрингдаким, бу кун  
Юзинда мисли қуббаи гардун ҳубоби<sup>7</sup> бор.

Хўблар эшикида бу гадоега обрўй –  
Хоки юзининг устида чашми<sup>8</sup> пуроби<sup>9</sup> бор.

---

<sup>1</sup> А р а к – тер.

<sup>2</sup> Г у л о б – 1) гул суви, атиргул япроқларидан олинадиган  
хушбуй ичимлик; 2) кўз ёши.

<sup>3</sup> Х у р ш и д – қуёш, офтоб.

<sup>4</sup> К о м – 1) оғиз, танглай; 2) мурод, мақсад, орзу, тилак.

<sup>5</sup> У н н о б – чилонжийда; қизил лаб.

<sup>6</sup> Х а й м а – чодир.

<sup>7</sup> Х у б о б – кўпик, пуфакча.

<sup>8</sup> Ч а ш м – куз.

<sup>9</sup> П у р о б – бу ерда: ёшга тўла.

\* \* \*

Юйи бегим, ушбу юз дегул<sup>1</sup>, шамс била  
қамармудур?

Юйи бегим, ушбу сўз дегул, шаҳд била  
шакармудур?

Кўз учидин қиё-қиё шева била бокишларинг  
Жон тамурин киёр учун тифму ё назармудур?

Боди сабо<sup>2</sup>, келтуур жонға сочинг насимини,  
Шаҳри Сабонинг<sup>3</sup> элчиси Ҳудхуди<sup>4</sup>  
хушхабармудур?

Зулфи муанбарингким, ул кўздин учар узун кеча,  
Сарви сиҳининг<sup>5</sup> устида зоғу абири тармудур?<sup>6</sup>

Зорию нола кам қилай, рост айт, эй посбон,  
Штларинга бу ноладин ҳар кеча дарди сармудур?

<sup>1</sup> Дегул – эмас.

<sup>2</sup> Боди сабо – тонг ели.

<sup>3</sup> Сабо – Коф тогидаги афсонавий шаҳар, парилар мақони. Унинг хукмдори гўзал Билқисга Сулаймон пайғамбар ошиқ бўлган.

<sup>4</sup> Ҳудҳуд – попишак.

<sup>5</sup> Сарви сиҳи – тик ва баланд сарв; мажозан: баланд бўйли, хушқомат маҳбуба.

<sup>6</sup> Абираи тар – тоза ва асл абир. Абир – сандал, гулоб, мушк ва заъфарондан тайёрланадиган қора рангли ҳушбуй модда.

Лаъли лабинг хаёлидин бир гузар<sup>7</sup>  
айлайин дедим,  
Жони азиздин вале одамиға гузармудур?

Сўрсанг Атойи ҳолидин нетти, эй подшоҳи ҳусн,  
Лутфу карам гадойиға Тенгри учун заармудур?

---

<sup>7</sup> Гузар – ўтиш, кечиш.

\* \* \*

Бу элда бордур икки моҳпайкар<sup>1</sup>,  
Бири қанду бириси шахду шаккар.

Бирининг орази хуршиди тобон,  
Бирининг кўзлари куффори Хайбар.

Бирининг зулфу холи донаву дом,  
Бирининг қомати сарву санубар<sup>2</sup>.

Бирининг лаблари ёқути сероб<sup>3</sup>,  
Бирининг тишлари покиза гавҳар.

Бирининг ғабғабидур<sup>4</sup> себи сиймин<sup>5</sup>,  
Бирининг икки бодоми<sup>6</sup> муқашшар<sup>7</sup>.

Бири султони иқлими малоҳат,  
Бири хусн элида Хоқону<sup>8</sup> Қайсар<sup>9</sup>.

<sup>1</sup> М о ҳ п а й к а р – ой юзли, гўзал.

<sup>2</sup> С а н у б а р (С а н а в б а р, С а н о б а р) – хушқомат ширхат.

<sup>3</sup> С е р о б – бу ерда: дурахшон, порлок.

<sup>4</sup> Ғ а б ғ а б – ияқ, бағбака.

<sup>5</sup> С е б и с и й м и н – кумуш олма.

<sup>6</sup> Б о д о м – бу ерда: маъшуқанинг бодом шаклидаги кўзи назарда тутилмоқда.

<sup>7</sup> М у қ а ш ш а р – пўстидан ажратилган.

<sup>8</sup> Х о қ о н – улуғ подшоҳ, хонлар хони; турк ва мўғул подшоҳларининг лақаби.

<sup>9</sup> Қ а й с а р – Рум ва Юнон подшоҳларининг лақаби.



Бирининг ғамзаси жарроҳи устод,  
Бирининг кирпиги алмосу ханжар.

Бирининг икки қошидур янги ой,  
Бирининг талъатидур ийди акбар.

Бирига чокару<sup>10</sup> бандада Атойи,  
Бирига ходиму доийи<sup>11</sup> камтар.

---

<sup>10</sup> Ч о к а р – хизматкор.

<sup>11</sup> Д о и й – дуогүй.

\* \* \*

Шамоли хусни Юсуфдин жамолинг ёдгор,  
Будди ҳажрингдин биайних<sup>1</sup> кўзларим  
Яъқубвор<sup>2</sup>.

Интизорингда агарчи ўрганур жоним vale  
Чаларнинг васлидин хушроқ манга бу интизор.

Шиндани ўлтургали ғамзангға не ташвишдур,  
Чунки мен сенсиз тирилгандин ўлубмен  
шармисор.

Кишсалар маҳшарда эл тақвою тоат бирла фахр,  
Мен сенинг ишқинг била қилғумдур ул дам  
ифтихор.

Генридин йўқму умидинг, нетти, мен маҳрумни  
Нильдаи васлинг била қилсанг мени уммидвор.

Гапнадин жонға нетарсиз севдунг  
ул кофирни деб,  
Бу кўнгулдур, эй мусулмонлар, манга не ихтиёр?!

Хар замон чиксанг хиромон, эл кўзи тушса санга,  
Гуссадин ул дам Атойининг магар жони чиқор?

<sup>1</sup> Биайниҳ – худди, худди ўзи, айнан.

<sup>2</sup> Яъқубвор – Яъқуб каби. Бу ерда севимли жигарбани  
Юсуф ҳажрида йиғлай-йиғлай кўзи кўр бўлиб қолган  
Яъқуб алайҳиссалом кўзда тутилмоқда.

\* \* \*

Юзунгни қиблайи ахбоб<sup>1</sup> дерлар,  
Қошингни қиблайи меҳроб дерлар.

Лабингға ташна бўлғон аҳли диллар  
Юзунгни лолаи сероб дерлар.

Хату холингниким, жон нусхасидур,  
Хатоедурки, мушки ноб<sup>2</sup> дерлар.

Санинг сиймин танингнинг ҳасратидин  
Кўзумнинг ёшини симоб<sup>3</sup> дерлар.

Мўғул, Чин кўзларинг ёшим кўлини  
Ироқдин кўрсалар қувоб дерлар.

Бу гамдин хаста бўлдумким, халойик  
Лабингни шарбати унноб дерлар.

Эшикингни очайин йигламоқдин –  
Ки, ёмғур ёғса, фатҳи боб<sup>4</sup> дерлар.

Кўнгул нақдин олурда ғамзангизни  
Ажойиб жодуйи қуллоб дерлар.

Атойини қулум дебтур ӯшал ой,  
Бале, қўктин энар алқоб<sup>5</sup> дерлар.

<sup>1</sup> А х б о б – дўстлар.

<sup>2</sup> Н о б – тоза, тиник, соф.

<sup>3</sup> С и м о б – кумуш ранг кимёвий элемент. Мумтоз шеъриятда бетоқатлик, бекарорлик рамзи ва кўз ёши тимсоли бўлиб келади.

<sup>4</sup> Б о б – эшик.

<sup>5</sup> А л қ о б – бу ерда: мақтов сўзлар.

\* \* \*

Неча жонимға сендин дарду ғамдур?!  
Магар меҳринғ жафо, лутфунг ситамдур.

Мұхыбларга жафо қилмоқ ёзуксиз  
Мұхаббат йүлида бисёр камдур.

Манга душвор<sup>1</sup> эрур сенсиз тирилмак,  
Санга мен бүлмасам, эй жон, не ғамдур?!

Неча жонимға тегдинг ваъда бирла,  
Кечар дунё, вафо қил, дам бу дамдур.

Күзунг, зулфунг била оғзинг ғаминда  
Вужудим хосили айни адамдур.

Гунаҳ қилдимки, ҳажрингда тирилдим  
Вале мендин гуноҳ, сендин карамдур.

Атойи ушбу йўлда хок бўлса,  
Муроди хўблардин бир қадамдур.

<sup>1</sup> Д у ш в о р – қийин, мушкул, оғир.

\* \* \*

Күнгүл то бүлди зулфунгға ғирифтөр,  
Паришонлик манго боргонча ортор.

Күзүнг фикринда күргүзсам, мунажжим  
Күруб айтурки, мунда бир бало бор.

Хаёли оразинг ҳар кеча ойтек  
Күзүм гирдобида олмохи<sup>1</sup> ўйнор.

Сочинг савдосида тунлар уюмен  
Вале не суд, чун йўқ баҳти бедор.

Агар маҳбуб бор бўлса муҳибқа,  
Не ғам, гар жумла олам бўлса ағёр<sup>2</sup>.

Фироқингда басе осондур ўлмак  
Вале сенсиз тирилмак, эй сарв, душвор.

Атойига биҳишти жовидондур  
Севар ёри била бир лаҳза дийдор.

---

<sup>1</sup> О л м о х и – қизил балиқ; мажозан: қонли кўз корачиги.

<sup>2</sup> Ағёр – бегоналар, бошқалар, рақиблар.

\* \* \*

Не деб түлун ой юзунг ила хусн талошур?  
Сен хусн иласен, чунки қуёшдин доги машхур.

Хусн ичра кусурун билибон то дами маҳшар  
Шунди юзунг хижлатидин жаннат аро хур.

Сархушлуғининг айнида юз шеваси бирла,  
Үйнарда күзунг титраса, дегай киши маҳмур<sup>1</sup>.

Жононаи дилдор басе бор бу улуста,  
Лекин күнгүл олмоқ, санамо, сизга ярошур.

Икки күзунг устинда қошинг фитнага фитна,  
Сарви қадинг устида юзунг нурун ало нур<sup>2</sup>.

Инглаб юзунгуздин олайин зулф никобин,  
Гул яхши очилмас кечалар ёғмаса ёмғур.

Хублар юзида чунки күрар Тенгри жамолин,  
Гар сажда қилур сизга, Атойига даводур.

<sup>1</sup> М а х м у р — маст, хумор.

<sup>2</sup> Н у р у н а л о н у р — нур устига нур, күнгилдагидан қым айло.

\* \* \*

Мени девона қилғон бир паридур –  
Ки, инсону малакнинг дилбаришур.

Кўзига мунтазир Зухра саҳарлар,  
Юзига субҳи содик<sup>1</sup> муштаришур<sup>2</sup>.

Юзи хусн ичра Юсуфча туман минг  
Вале зулфи Сулаймон лашкаришур.

Равон бўлса, тирилтур юз ўлукни,  
Магарким, қомати жон пайкаришур<sup>3</sup>.

Муаттар айлаган жоним димоғин  
Хати мушкину<sup>4</sup> холи анбаришур<sup>5</sup>.

Кўзум ёшини ҳар дам дона-дона  
Сочирғон қанди лаъли тишларишур.

Сени ул сарви дилжў<sup>6</sup> кўзга илмас,  
Атойи неча ушбу жавдаришур<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> Субҳи содик – ҳақиқий тонг, тонг отиш пайти.

<sup>2</sup> Муштари (й) – харидор.

<sup>3</sup> Пайкар – 1) жусса, гавда; 2) сурат, шакл, кўриниш;  
3) юз, чехра, жамол.

<sup>4</sup> Мушкин – мушк ҳидли, хушбўй.

<sup>5</sup> Анбар – кўпроқ Ҳинд ва Тинч уммонларишур. анбар  
балиғи (кашалот)нинг ошқозони ёки ичагида ҳосил бўладиган  
мумсизон кулранг ва хушбўй модда.

<sup>6</sup> Дилжў – кўнгил овловчи, кўнгилга тасалли берувчи.

<sup>7</sup> Жадар – қора буғдой.

\* \* \*

Күзүнг даври камар айёрасидур,  
Бало афлокининг сайёрасидур.

Агарчи жони ширинимдур оғзинг  
Вале шакар лабинг жон порасидур.

Күзум ёшини ҳар дам айлаган қон  
Юзунгнунг лоладек рухсорасидур.

Тажалли юзи покиза назарға  
Замоне ой юзунг наззорасидур.

Умидим шишасин васлинг йүлинда  
Ушотқон хира күнглунг хорасидур<sup>1</sup>.

Гадомен васлинга – не чора айлай –  
Ки, султонлар бу иш бечорасидур.

Атойи ҳолидин сўрғонга айтинг:  
«Санамлар кўйининг авворасидур».

---

<sup>1</sup> Х о р а – тош, қаттиқ тош; гранит.



\* \* \*

Хидматингда билмон, эй дилдор, таксири<sup>1</sup>  
недур –  
Ким, мени килдинг муунунгдек зор, таксири<sup>2</sup>  
недур?

Ахду паймон айладинг аввал иноятлар килиб,  
Бўлдунг охир бир йўли безор, таксири<sup>3</sup> недур?

Сен агар ўзга бўлубсен, мен ҳамон қулмен вале  
То абад тобуғда<sup>2</sup> хидматкор, таксири<sup>4</sup> недур?

Бовужудиким<sup>3</sup>, билурсен, ёри содикмен санга,  
Ҳар замон дерсен мени ағёр, таксири<sup>5</sup> недур?

Ёзгуурурсенким, Атойи, сен фузул<sup>4</sup> қулсен вале  
Жуз<sup>5</sup> умиди давлати дийдор, таксири<sup>6</sup> недур?

<sup>1</sup> Т а қ с и р – айб, хато, нуксон.

<sup>2</sup> Т о б у ғ – 1) итоат қилиш, бўйсуниш; 2) хузур, олд.

<sup>3</sup> Б о в у ж у д – шундай бўлса-да, шундай экан; агарчи, кискаси.

<sup>4</sup> Ф у з у л – 1) тили узун, сергап; 2) ортиқча нарсани талаб қилиш; 3) рақиб.

<sup>5</sup> Ж у з – бўлак, бошка, ўзга.

\* \* \*

Ошиқ<sup>1</sup> кишининг хотири ғамнок<sup>2</sup> керактур,  
кон пираҳани дилбар учун чок керактур.

Кув юзини ёшим била юй сизни кўрарда –  
Ким, пок санамға назари пок керактур.

Копин<sup>3</sup> ёйини тўр чекайин дер киши менгга,  
Сар то<sup>4</sup> қадами хоки бикин хок керактур.

Холингни қабул айлади мақбул кўзунгким,  
Гурк онлида бир ҳиндуйи чолок<sup>5</sup> керактур.

Ҳижр оғусидин жонига етти кўнгул охир,  
Пайлингдин анга қатрайи тарёқ<sup>6</sup> керактур.

<sup>1</sup> О ш и қ – илоҳий жамол ва камолга ошуфта бўлиб, тамоми жидду жаҳд билан Ҳак таолони изловчи киши.

<sup>2</sup> Ғ а м н о к – гамтгин, қайғули.

<sup>3</sup> Қ о ш – илоҳий ва моддий олам чегараси. Пайвасталиги Оллоҳ, ва оламнинг ягоналигини, қайрилмалиги – сўфий шинидаги нафс ва кибрни, узун ва қалинлиги Ҳак йўлининг ўюц ва мураккаблигини билдиради.

<sup>4</sup> С а р т о – бошдан то.

<sup>5</sup> Ч о л о к – чаққон, тез. Бу ерда ошиқнинг конини тўкиши піҳатидан кўз туркка, коралигига кўра хол ҳиндуга ўҳшатилмоқда.

<sup>6</sup> Т а р ё қ – заҳарни даф қиласидиган дори.



Оқил не билур сурати матбуъингиз, онин  
Бу маънига бир ўзгача идрок керактур.

Назм баҳрина чўм, қаърина ет дуртек, Атойи,  
Дарё юзина чун хасу хошок керактур.

\* \* \*

Сени бир комати шамшод ўқурлар,  
Ғаминг бирла күнгүлни шод ўқурлар.

Мену рухсори зулфунг зикру фикри,  
Халойик субху шом аврод ўқурлар.

Күнгүллар қушларин сайд әтмак ичра  
Күзунг шаҳбозини<sup>1</sup> сайёд ўқурлар.

Мұхаббат шаръида<sup>2</sup> хұблар қулини  
Ниҳоли сарвтек озод ўқурлар.

Насиме ёр күйиндин топилса,  
Сулаймон мулкини барбод ўқурлар.

Даме махбусиз ошиқ ҳаётин  
Агар Хизр эрса, бебунёд<sup>3</sup> ўқурлар.

Атойини гадолар ичра мазлум,  
Сени шоҳаншахи бедод<sup>4</sup> ўқурлар.

---

<sup>1</sup> Ш а ҳ б о з – лочин.

<sup>2</sup> Ш а р ғ – 1) шариат, ислом қонун-қоидалари; 2) йүл, мас-  
лак, тартиб-қоида.

<sup>3</sup> Б е б у н ё д – 1) асоси мустаҳкам эмас, бўш, суст; 2) аза-  
лий эмас, абадий эмас;

<sup>4</sup> Б е д о д – адолатсиз, золим, ситамгар.

\* \* \*

Ким кўрди кўзунг ҳасратида мен киби бемор?  
Жон ғамзада<sup>1</sup>, бағри тўла қон, кўнгли гирифтор?

Ул кунки, келиб гашти чаман қилдингу бординг.  
Насрин яқосин пора килиб қолди-ю, гул зор.

Учмокта<sup>2</sup> юз катла қиёмат бўлур эрди  
Тўбida агар бўлса бу қомат била рафтор<sup>3</sup>.

Васлинг талаб этмай, нетайин, Тенгри азалдин  
Матлуб яратти сени, мен қулни талабгор.

Ё ишқ балоси манга, ё жаври замона,  
Ё ёр жафоси манга, ё гуссайи ағёр?

Ёрим кечаларким, май ичиб, ох урармен,  
Билмас киши сирримни, магар олимси асрор<sup>4</sup>.

Майл этмас Атойи чаману боғ аро сенсиз,  
Жаннатни қачон қўзга илар ошиқи дийдор?

<sup>1</sup> Ғ а м з а д а – ғамгин, қайғули.

<sup>2</sup> У ч м о қ – жаннат.

<sup>3</sup> Р а ф т о р – бу ерда: юриш, хиром этиши.

<sup>4</sup> О л и м и с а с р о р – ғайб сирларини билувчи, яъни Худо.

<sup>5</sup> Мальумки, Оллоҳ таоло жаннатда ўзининг хос бандала-  
рига жамолини кўрсатишни ваъда қилган – бу ерда шунга  
ишора килинмоқда.

\* \* \*

Юн сори бўлди равон икки кўзумдин жўйбор,  
С први дилжўюм, не бўлди, бир бўён қилсанг  
гузор.

Сен ўшал султони ҳуснисенки, бўстонлар аро  
Диллатингдин гул эшигин ел очибон, ел (ёпор).

Бўлди бағрим сув ғамингдин, яхшилик кил,  
Сол суга,  
Охир, эй гул, хирманин, албатта, ҳар эккан ўпор.

Қилди жонимга мени ширин лабинг завқи, бале,  
Бу масалдурким, киши бол тутса, бормоғин ёлор.

Диллатингдин кўкка етти барча қулларнинг  
боши,  
Унбу не толеъдур, ойим, бизга етсанг, тонг отор?

Оғзингизни ҳар неча сўрдум, тиладим,  
Топмадим,  
Гуис бу сўз ғалаттурким, тилаганлар топор.

Ҷулғунгиздин гар Атойи бошқа кўрса,  
не ажаб –  
Ким, кўрармен бир синоғонни яна икки синор.

\* \* \*

Сүзласа, оғзидин шаккар күрунур,  
Садафи лаълидин гавҳар күринур.

Толеъимни юзи била кўрсам,  
Кўзу қошинда юз назар кўрунур.

Янги ой қошлари хижолатидин  
Ойларда бирор-бирор кўрунур.

Белини ҳар нечаким, синчиласам,  
Кўзларимга ҳамин<sup>1</sup> камар кўрунур.

Юзи қошинда, тонг эмас<sup>2</sup>, тўлун ой,  
Агар ситорае<sup>3</sup> сахар кўрунур.

Манфаатдур манго санам дарди,  
Агар эл қошинда зарар кўрунур.

Бу Атойи кўзунг хаёлинда  
Доимо маству бехабар кўрунур.

---

<sup>1</sup> Ҳ а м и н – шу, ўша.

<sup>2</sup> Т о н г э м а с – ажаб эмас.

<sup>3</sup> С и т о р а – юлдуз.

\* \* \*

Яногунг равзанунг жаннат гулидур,  
Бўонг тўби, лабинг кавсар елидур.

Кўзунг нарғис, юзунг насрину зулфунг  
Гулистони Эрамнинг сунбулидур.

Азалдин то абад жон андалиби  
Жамолинг гулшанининг бўлбулидур.

Сабо Довуди<sup>1</sup> зулфунгдин ўтарда  
Сулаймон лашкарининг гулғулидур<sup>2</sup>.

Атойини агар оламға сотсанг,  
Сот, эй зоҳидки, ул хўблар қулидур.

<sup>1</sup> Д о в у д – Довуд пайғамбар: у тенги йўқ овоз соҳиби бўлиб, Забурни тилюват қилганда қушлар кўкда муаллақ қотиб, тонглар ҳам бирга қироат қилас экан. Бу ерда тонг елининг шифрис овози Довуд алайҳиссалом овозига нисбат берилмоқда.

<sup>2</sup> Ф у л ф у л – шовқин-сурон.

\* \* \*

Үртанди гул юзинг үтидин лолазорлар,  
Ёлғуз не лола, балки, анингдек ҳазорлар<sup>1</sup>.

Нахли<sup>2</sup> қадингни күрса чаман ичра сарвтек,  
Бош индуруб, тавозеъ этарлар чинорлар.

Зулфу рухунг дуоси манга дарди жон эди,  
Ул кунки, жамъ эмас эди лайлу наҳорлар<sup>3</sup>.

Холинг abiри қуллуғина мұтариф<sup>4</sup> бўлуб,  
Зулфунг чинида<sup>5</sup> бости учун мушкборлар<sup>6</sup>.

Ўлтурса қошу кўзи мени, хатм қилгасен<sup>7</sup>,  
Пайваста «Сод» сурасин<sup>8</sup>, эй ҳақгузорлар<sup>9</sup>.

---

<sup>1</sup> Ҳазор – минг.

<sup>2</sup> Нахл – кўчат, ниҳол, дарахт.

<sup>3</sup> Лайлу наҳор – кеча-кундуз.

<sup>4</sup> Мұтариф – тан олган, иқрор.

<sup>5</sup> Чин – бу ерда: мавж, тўлқин.

<sup>6</sup> Мушкбор – мушк ёғдирувчи.

<sup>7</sup> Хатм қилмоқ – бу ерда: ўқимоқ.

<sup>8</sup> Сод – Қуръони каримнинг 38-сураси. Бу сурала, жумладан, коғирларнинг мусулмонларга етказган азиятлари хусусида сўз боради. Шоир маъшуқанинг қошу кўзидан етадиган жабрни шунга қиёс қилмоқда.

<sup>9</sup> Ҳақгузор – инсоф ва адолат юзасидан иш қилувчи, одил.

Аүсін улдурки, бұлса аниңг лутфу сийрати<sup>10</sup>,  
Сұратқа боқса том, дағи бордур нигорлар.

Аұбларки, васл лойиқи күрмас Атойини,  
Наре назарни күз учидин не аёрлар?

---

<sup>10</sup> С и й р а т – юриш-туриш, одат, ахлок, табиат.

\* \* \*

Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтуур,  
Фояти нозуклукиндик сув била ютса бўлур.

То магарким, салсабил<sup>1</sup> обина жавлоне қила,  
Келди жаннат равзасиндин оби кавсар сори хур.

Ул иликким, сувдан ориктур, ю(в)мас они суда,  
Балки сувни пок бўлсун деб илики бирла юр<sup>2</sup>.

Эмди билдим, рост эрмиш,  
балки кўрдим кўз била,  
Улки дерлар сув қизи, гоҳ-гоҳ кўзга кўринур.

Қошларинг ёсин Атойи кўргали ҳусн ичра ток,  
Субҳидам меҳробларда сураи «Ёсин»<sup>3</sup> ўқур.

\* \* \*

Лабинг қоним тўкарга ташналабтур,  
Дами Исою ўлтурмак ажабтур.

Кўтармак бошни маҳбуб эшикиндик  
Муҳаббат бобида тарки адабтур.

Мени ўлтур vale қовма қошингдин –  
Ким, энчу қулни қовмоқ бесабабтур.

Манга васлинг қачон етсун, билурмен,  
Вале ошиқ иши саъю талабтур.

Атойи қулға бир лутф айламассен,  
Ҳало<sup>1</sup>, бек ўғли, мунча не газабтур?!

<sup>1</sup> Салсабил – тоза, тиник, муздек оқар сув.

<sup>2</sup> Юр – ювар.

<sup>3</sup> Ёсин – Куръони каримнинг 36-сураси. Муҳаммад алайхиссалом: «Албатта, ҳар бир нарсанинг қалби бордир. Куръоннинг қалби «Ёсин»дир. Мен бу сурани умматимдан ҳар бир кишининг қалбига бўлишини истар эдим», деб лутф эткан эканлар.

<sup>1</sup> Хало – нидо калимаси: эй, хой.

\* \* \*

Сочинг чун лайлат ул-қадру<sup>1</sup> юзунг чун субхи  
содиктур.  
Бу шому субхунга тун-кун күнгүл жон бирла  
ошиқтур.

Малоҳат хилъатин<sup>2</sup> хўблар агарчи кийдилар,  
кўрдук,  
Уларга қисқадур, аммо сенинг қадддингға  
лойиқтур.

Манга сенсиз тирилгандин ўлум юз қатла  
ортукрок,  
Бу сўзда, Ҳақ билур, кўнглум тилим бирла  
мувофиқтур.

Санга менсиз не гам, жоноки, мантек ошиқинг  
юз мини;  
Вале Узродин айрилмоқ балойи жони Вомиқтур.

Мұхаббат даъвисин қылгон кишининг борча  
манзилда

---

<sup>1</sup> Л а й л а т у л - қ а д р – қадр кечаси. Бу тунда қилинадиган ибодат минг бир ибодатдан афзал бўлиб, киши нима ният қиласа, ижобат бўлар экан.

<sup>2</sup> Х и л ъ а т – уст кийим, ёпинчиқ, сарпо.

Мухолиғлиқни<sup>3</sup> тарк айлаб,  
мақоми бенаволиқтур<sup>4</sup>.

Бу кун васлингни тарк айлаб, тилар жаннатни  
зохидлар,  
Іорурлар насяға нақдин — бу не нодон  
халойиқтур?

Атойи, кеч бу дунёдин, алойиқ<sup>5</sup> таркини қилким,  
Салоту<sup>6</sup> савм<sup>7</sup> ошиққа бу кун тарки алойиқтур.

<sup>3</sup> Мұхолиғ — қарши, душман.

<sup>4</sup> Бенаво — 1) факир, ғарип, нотавон; 2) маҳрум, бебахра.

<sup>5</sup> Алойиқ — боғлиқлик, алоқа, муносабат.

<sup>6</sup> Салот — намоз, ибодат.

<sup>7</sup> Савм — рұза.

\* \* \*

Сени хусн ичра ойдин пок дерлар,  
Мени меҳринг йўлинда хок дерлар.

Мунажжимлар кўруб ширин юзунгни,  
Шарафдин хисрави<sup>1</sup> афлок дерлар.

Суман<sup>2</sup> пираҳанингдин рашк элтиб,  
Қилур гултек якосин чок дерлар.

Ўшал туркона кўзлар қуллуғинда  
Менгинг хиндуларин чолок дерлар.

Сочинг занжирини девонадан сўр –  
Ки, қилмиш ақл ани идрок дерлар.

Агар бўлса висолингдин умиде,  
Фирокинг захрини тарёк дерлар.

---

<sup>1</sup> Х и с р а в – подшоҳ, ҳукмдор.

<sup>2</sup> С у м а н – оқ ва хушбўй гул, ёсуман, ёсмин.

\* \* \*

Наргис күзүнгки, кошида боғу бахори бор,  
Кону күнгүлни олса, мунок<sup>1</sup> ихтиёри бор.

Чену малоҳату караму лутф бобидин  
Юсуфда бири бўлса, бегим, сизда бори бор.

Боги Эрамда, балки бихишт ичра бир нафас  
Спизиз бу банданингки, не сабру қарори бор.

Искандари<sup>2</sup> замондуур, Кайқубоди<sup>3</sup> вақт  
Хир кишинингки, күнгли тилаган нигори бор.

Босқон изинг тўзини Атойи кўзи учун  
Нистар, йўлунгда шому сахар итизори бор.

<sup>1</sup> Мунок – мундай, бундай.

<sup>2</sup> И скан дар – Шарқда Искандар Зулкарнайн номи билан  
минхур македониялик саркарда ва давлат арбоби Александр  
Македонский (милоддан аввалги – 356–323).

<sup>3</sup> Ка й қ у б од – қадимги Эроннинг каёнийлар сулоласига  
яшс солган шоҳ.

\* \* \*

Сочинг ялдо<sup>1</sup> туни, анлинг<sup>2</sup> сахардур,  
Күзунг Зухра, юзунг шамсу қамардур.

Парисен хусну лутф ичра, малак ҳам,  
Хатодурким, сени дерлар башардур.

Агарчи күйди жон ишқинг ўтиңда,  
Күнгүл ахволи ҳам андин батардур.

Кошиңг гар жон тилар, күз бирла айтай,  
Күзунг күнглум олур уш<sup>3</sup> дар<sup>4</sup> назардур.

Үшал гулгун<sup>5</sup> қочар устиңда хоки,  
Ажаб ҳиндуе, жон олиб қочардур.

Узундур қиссайи зулфунг валекин,  
Чу сүз оғзингә етти мухтасардур<sup>6</sup>.

Атойининг қабул эт қылча жонин,  
Агарчи бир муҳаққар<sup>7</sup> моҳазардур<sup>8</sup>.

<sup>1</sup> Я л д о – қишининг энг узун кечаси – 22 декабрга түгри келади. Мажозан: ўта коронги ва зулмат.

<sup>2</sup> Бу сүз күл маъносида келган бўлиши керак.

<sup>3</sup> У ш – ўрнига кўра ушбу, мана, дир, шу тобда маъноларини билдиради.

<sup>4</sup> Да р – ўрин-пайт келишиги қўшимчаси: -да.

<sup>5</sup> Г у л г у н – гул рангли, қизил.

<sup>6</sup> М у х т а с а р – қисқа, ихчам, лўнда.

<sup>7</sup> М у ҳ а қ қ а р – хакир, арзимас.

<sup>8</sup> М о ҳ а з а р – тайёр ва мавжуд нарса.

\* \* \*

Марҳабо ул жонким, аниң сен бикин  
жонони бор,  
Сояйи сарви қадингдин умри жовидони бор.

Мен эмасмен ёлғузун вола<sup>1</sup> кўзинг фаттонина<sup>2</sup>,  
Гўнашларда юз менингдек волаву ҳайрони бор.

Отишин лаълингни кўнглум севганиндин  
ёзгуруб,  
Неча куйдурдинг мени, охир кишини жони бор.  
Не ажаб, гар бир кун ул тутса ўзин кўктин азиз –  
Ким, санингтек андин ортиқ кўзлари  
чўлпони бор.

Ҳеч кофар<sup>3</sup> куфрини жамъ этмади иймон ила,  
Турфа кофардур кўзингким, куфр ила иймони  
бор.

Ҷулм ила, ҳошо<sup>4</sup>, буза олғай кўнгул шахрин  
рақиб,  
Хосса ул шахреким, онинг сен бикин сultonи бор.

Гарчи йўқ сўздор Атойи, шаккар оғзинг фикрида,  
Сориғ олтунтек юзинда юз дури ғалтони<sup>5</sup> бор.

<sup>1</sup> В о л а – ошиқ, мафтун, шайдо.

<sup>2</sup> Ф а т т о н – фитна солувчи, мафтун килувчи, жозибали.

<sup>3</sup> К о ф а р – кофир.

<sup>4</sup> Ҳ о ш о – нило калимаси: Худо сақласин; асло, ҳеч қачон.

<sup>5</sup> Д у р и ғ а л т о н – юмалоқ дур.

\* \* \*

Ёз фаслидур vale мен ёрсиз,  
Андалиби зормен гулзорсиз.

Күрмадук гесуларинг<sup>1</sup> занжиридин  
Халқайи зухходни<sup>2</sup> зуннорсиз.

Сарв ўтканма<sup>3</sup> кадин, беёр юзи  
Бир ягочсен шеваву рафторсиз.

Сехр илмин дарс айттур күзларинг  
Соҳири Кашмирга<sup>4</sup> гуфторсиз.

Аҳли тақво<sup>5</sup> күрмайин усрук кўзин,  
Айб эмас, гар бўлсангиз хушёр сиз.

Ипик истигносикурким, бўлмади  
Ёр беагёру гул ҳам хорсиз.

Гар Атойи ўлса сизга қул не кам,  
Эй бегим, боқи бўлунг бисёр сиз.

---

<sup>1</sup> Г е с у – соч, зулф.

<sup>2</sup> З у х ҳ о д -- зоҳидлар.

<sup>3</sup> Ў т к а н м о қ – тақлид қилмок.

<sup>4</sup> Соҳири Кашмир – Кашмир сеҳргари. Кашмир гузаллари ўзларининг сехру жодулари билан машхур бўлганлар.

<sup>5</sup> А ҳ л и т а қ в о – художўйлар, тақводорлар.

\* \* \*

Сизингтек хурваш<sup>1</sup> одам топилмас,  
Пари юзлук, Масиҳодам топилмас.

Янгоқингда арақтек қатра-қатра,  
Гули насрин уза шабнам топилмас.

Мухиб бисёрдур сизга валекин,  
Бизингтек аҳди мустаҳкам топилмас.

Ганимат тут жамоли хусн даврин,  
Масалдурким: «Яна бу дам топилмас».

Вафо қилким, йигитлик бўстони  
Ҳамиша тозаву хуррам топилмас.

Фироқингда кўнгилга неча боқсам,  
Варойи<sup>2</sup> ранжу дарду ғам топилмас.

Атойи худ қилур васлинг таманно  
Вале мискинга мулки Жам топилмас.

<sup>1</sup> Х у р в а ш – хурга ўхшаган, гўзал.

<sup>2</sup> В а р о й и – ... дан бошқа, ... дан ташқари.

\* \* \*

Эй азалдин дарди ишкинг бирла жоним  
хамнафас,  
Йўқ висолинг давлатидин ўзга кўнглумда ҳавас.

Кўзларинг зулфунг кечасинда кўнгулларни тутар,  
Бу не иштурким, қўйубсен элда ўғрини жасас<sup>1</sup>.

Жомайи<sup>2</sup> хони Халил қудси<sup>3</sup> аро кўрмайтуур  
Хатти сабзинг<sup>4</sup> қошида холинг бикин рангин  
адас<sup>5</sup>.

Биз фироқинг бирла соз эттук, рақибинг васл ила,  
Ўтга парвона керак, оре, асал ерга магас<sup>6</sup>.

Неча, эй жон тўтиси, парвоз этарсен ҳар тараф,  
Бизга ул шаккар оғиз фикринда ҳолимдур қафас.

Маҳмили<sup>7</sup> жонон равон бўлди, кел, игриш,  
эй кўнгул,  
Лайли кўчиндин етар Мажнунга овози жарас<sup>8</sup>.

---

<sup>1</sup> Ж а с а с – бу ерда: жосус маъносида.

<sup>2</sup> Ж о м а – тўн.

<sup>3</sup> К у д с и (й) – пок, покиза.

<sup>4</sup> С а б з – яшил.

<sup>5</sup> А д а с – ясмиқ.

<sup>6</sup> М а г а с – чивин, паашша.

<sup>7</sup> М а ҳ м и л – маҳова, кажава.

<sup>8</sup> Ж а р а с – кўнғирок.

Ні Атойи, тарки дастор<sup>9</sup> айлагилким, дуняда  
Ошиқи авбошқа<sup>10</sup> тожи мурассаъ<sup>11</sup> дурдас<sup>12</sup>.

<sup>9</sup> Д а с т о р – салла.

<sup>10</sup> А в б о ш – бебош, ярамас.

<sup>11</sup> М у р а с с а ъ – қимматбаҳо тошлар билан безалган.

<sup>12</sup> Д у р д а с (т) – узок, құл етмас.

\* \* \*

Манга сен бўлмасанг, жон ҳожат эрмас,  
Биҳишту хуру ризвон ҳожат эрмас.

Фироқингда кўзум ёши бор эркан,  
Баҳору абри найсон<sup>1</sup> ҳожат эрмас.

Юзунгдин шомлар зулфунгни йифсанг,  
Фурӯғи<sup>2</sup> моҳи тобон ҳожат эрмас.

Бўюнг сарву кўзунг нарғис, юзунг гул,  
Сенинг қошингда бўстон ҳожат эрмас.

Агар гашти лаби дарё қилурсен,  
Кўзумга келки, уммон ҳожат эрмас.

Рақиб бирла мусоҳиб қилма бизни,  
Қутургон итга сагбон<sup>3</sup> ҳожат эрмас.

Атойиға бўсағангда ўрун бер,  
Сарою коху<sup>4</sup> айвон ҳожат эрмас.

---

<sup>1</sup> Н а й с о н – сурёний тақвими бўйича еттинчи ой – апрелға тўғри келади. Ривоят қилишларича, бу ойда ёғадиган ёмғир томчиларидан садаф ичидা марварид ҳосил бўлади.

<sup>2</sup> Ф у р ү ф – ёруғлик, равшанлик, нур.

<sup>3</sup> С а г б о н – итбоқар.

<sup>4</sup> Ко х – сарой, каср, кўшк.

\* \* \*

Үл юзи гулким, бу қулни йил кечар ёд айламас,  
Боштин уюриб<sup>1</sup>, нега бир йўли озод айламас.

Лаълиға жон берганим ғам тоғида не фойда,  
Гарчи Шириндур, vale парвойи Фарход айламас.

Зулфидин боди сабо мундоқки, касби рух этар,  
Бу ҳаводинким, тирикликни барбод айламас.

Чун юзунг кўрди – кўзум қилди ватаннинг  
таркини,  
Гулни чун Наврӯз топти, ёди Навшод айламас<sup>2</sup>.

Ҳақ таоло сақласун қўнғлин ғаму ташвишдин  
Хотиримни ҳар нечаким, қайғудин шод айламас.

Нўқтуур жавру жафову зулму бедоду ситам –  
Ким, менинг жонимға ул ҳури паризод айламас.

Ер жавридин Атойи юз уюрма, сабр қил,  
Қайси дилбардурким, ул ошикқа бедод айламас.

<sup>1</sup> У р м о қ – ўргилмоқ, айланмоқ.

<sup>2</sup> Бу ерда Ҳайдар Хоразмийнинг «Гул ва Наврӯз» достони  
қиҳрамонларига ишора қилинмоқда.

\* \* \*

Жон қолмади ғамдин, vale жонона ионмас,  
Фарёдим эшитмас, дөғи ағфона ионмас.

Уммон тенгизи<sup>1</sup> бүлди күзум ёшию, лекин  
Ул ҳусн элида қиммати дурдона ионмас.

Ҳар нечаки, күргузса күнгүл мөхри нишонин,  
Жон бүлмағуча оллида парвона ионмас.

Коғир күзи худ раҳм қилиб, бир назар этмас,  
Зулфи дағи бу ҳоли паришона ионмас.

Дардимни агар ҳазратида шарх қилурмен,  
Билмасга солиб, асру зарифона ионмас.

Зоҳид дема: «Занжир сочиндин күнгүл узким»,  
Оқил сўзига, албатта, девона ионмас.

Дединг нафасе аҳдиму паймонима еткум,  
Хўблардин Атойи, vale паймона ионмас.

---

<sup>1</sup> Уммон тенгизи – Кагта денгиз, ҳозирги Арабистон денгизи.

\* \* \*

Нардадин<sup>1</sup> чик бир дам, эй хўблар сипехринда  
куёш,  
«Лҳсану тақвим» сиррин айла бу оламда фош.

Боғбон сарви сиҳининг кести шоху баргини,  
Не учун индурмади деб тол бўюнг оллида бош.

Васф этар эрди сабо гулнинг базе нозик юкин,  
Ой юзинг онлида кўрдук, ҳам эмас чандин  
кумош<sup>2</sup>.

Бир кеча келди хаёлинг хаста қўнглимни сўраб,  
Жон жасаддин то сахар қилди кўнгил бирла  
талош.

Ер ғамин важҳи майшат қил, Атойи, дуняда –  
Ким, будур соҳибназарлар онлида ҳусни маош.

---

<sup>1</sup> Парда (Ҳижоб) – тасаввуфда Ҳақ ва банда, ошик ша маъшуқ ўртасидаги монеъликларга ишора қилинади.

<sup>2</sup> Қумош – кийим, нафис мато.

\* \* \*

Зийнати бўстон юзунг, бас, қилса юз гул алвидо,  
Ошиқинг охи етар, гар қилди булбул алвидо.

Донаи холингга қулуқ қилгали бу бандатек,  
Ҳинд элидин ихтиёр этти қаранфул<sup>1</sup> алвидо.

Гар қачорингдин қизил гул кочса андин, не ажаб,  
Қилди зулфунг хижлатидин доғи сунбул алвидо.

Гарчи ғам бирла йигитлик ҳосилин сарф айлади,  
Эшикингдин қилмади ушбу қари қул алвидо.

То Атойи боғлади кўнглин сочинг занжирина,  
Хотирингдин қилдилар сабру таҳаммул<sup>2</sup> алвидо.

\* \* \*

И дудоқинг холидин бу жони ширинимға доғ,  
Раҳмсиз кўнглунгга токай ҳоли зоримдин фароғ<sup>1</sup>.

Шоми зулфунгда жамолинг шамъидин бер  
партаве<sup>2</sup>,  
Бизга ҳам етсунки, дерлар, бир чароғдин минг  
чароғ.

Мен доғи боғу чаманда эл бикин кезгай эдим,  
Бўлмаса гесуларинг занжири жон бўйнина боғ.

Булъажаб<sup>3</sup> баҳти ҳумоюн<sup>4</sup> бирла фориғболу<sup>5</sup> хуш,  
Кўрмадук зулфунг бикин сарви сиҳи устида доғ.

Ҳақ таоло ҳусну хулқу салтанат берди санга,  
Сен билурсен — хоҳ лутф эт, хоҳ қил кибру  
димоғ.

Олчиликка зулфи Ҳинди斯顿ға борсанг,  
эй кўнгул,  
Бас, узун йўлдур қародин то қароға — тут улоғ.

Ул карашма бирлаким, бокти анга усрук кўзунг,  
То абад ичмай Атойи бўлмағай бир лаҳза сог.

<sup>1</sup> Ф а р оғ — 1) тинчлик, хотиржамлик; 2) роҳат, хурсанд-чилик; 3) ёрғлик.

<sup>2</sup> П а р т а в — нур, шуъла, ёғду.

<sup>3</sup> Б у лъ а ж а б — энг қизик, ажойиб, хайрон қоларли.

<sup>4</sup> Х у м о ю н — қуттулғ, муборак.

<sup>5</sup> Ф о р иғ б о л — хотиржам, кўнгили тинч, беташвиш.

<sup>1</sup> Қ а р а н ф у л — қалампирмунчоқ, майда мих шаклидаги бир хил хушбўй доривор.

<sup>2</sup> Т а ҳ а м м у л — сабр, бардош, чидам.

\* \* \*

Дилбаро, лаълинг шароби оби кавсадин латиф,  
Қоматинг нахли дағи сарви санубардин латиф.

Сафхай хуснунг қошинда мунфаил авроки<sup>1</sup> ғул,  
Нұктай холинг абири мушкү анбардин латиф.

Бир нафас оғзингни келтур сўзга шириллик  
била –

Ким, келур сўз сўзламаклик шаҳду шаккардин  
латиф.

Сен латофат суйи бирла юғрулубтурсен тамом,  
Ўзгаларнинг хусни бўлса зебу зевардин<sup>2</sup> латиф.

Юз уза солсанг тараб мушкин сочинингни ноз ила,  
Гул уза бурқаъ<sup>3</sup> солурсен сунбули тардин<sup>4</sup> латиф.

Истадук оламда умре – ғамгусоре<sup>5</sup> топмадук,  
Ғам кунинда ёру ҳамдам, жому соғардин<sup>6</sup> латиф.

Ҳажридин етса Атойи ноласи кўкка, не айб,  
Чун топилмас дунёда ул моҳпайкардин латиф.

<sup>1</sup> А в р о қ – барглар, япроқлар.

<sup>2</sup> З е в а р – безак, зийнат.

<sup>3</sup> Б у р қ а ъ – парда, никоб.

<sup>4</sup> Т а р – янги, сўлимаган.

<sup>5</sup> Ф а м г у с о р – ғамхўр, меҳрибон.

<sup>6</sup> С оғ а р – май ичадиган пиёла, жом, қадаҳ. Тасаввуфда  
гайб сирлари мушоҳада килинадиган орифнинг қалби. Маст-  
лигу завқни ҳам соғардан тилайдилар.

\* \* \*

Эй подшоҳи кишвари<sup>1</sup> хусну жаҳон лутф,  
Фархунда<sup>2</sup> гулянгокинг ила бўстон лутф.

Бу хусну бу латофат ила қоматинг бикин  
Сарве чаманда кўрмади бир боғбон лутф.

Недин тушар аёғинга ҳар дам-бадам сочинг,  
Гар хулки хўб кўрмаса эди, эй жон, лутф.

Тафсир<sup>3</sup> бўлди Мусҳафи хусну жамолинга  
Ҳар кимки, килди дунёда шарху баён лутф.

Ўлди Атойи ҳасрат ила интизордин,  
Охир не бўлди, бўлмадиму бир замон лутф?

<sup>1</sup> К и ш в а р – мамлакат, ўлиқа, вилоят, иклим.

<sup>2</sup> Ф а р х у н д а – кутлуг, баҳтли, саодатли.

<sup>3</sup> Т а ф с и р – шарҳ, изоҳ. Куръон сураларини кенг шарху  
иゾҳ этган китоб.



\* \* \*

Сокиё, келтур қадахким, бўлди вақти гул латиф,  
Нарғиси сероб сархуш, нағмайи булбул латиф.

Чортоки сарв уза қумри қилур гўяндалиқ<sup>1</sup>,  
Дер суроҳи<sup>2</sup> ҳам арабча, қумрига қулқул<sup>3</sup> латиф.

Тушса мушкин соchlaring боди сабодин юз уза,  
Сочилур ул барг устинда ажаб сунбул латиф.

Лавҳашаллоҳ<sup>4</sup> ул замонким, бодайи гулгун ичиб,  
Оразингда бўлса пайдо акси май гулгун латиф.

Юз Атойи ўлгай эрди нозанинлар зулмидин,  
Бўлмаса адли шаҳаншоҳзодаҳон Абдуллатиф.

---

<sup>1</sup> Гўянда – бахши, қиссагўй, ровий.

<sup>2</sup> Суроҳи – узун бўйинли сув ва май идиши, шишаси. Сўфийлар истилоҳида унс (яқинлик, дўстлик) мақомини суроҳий дейдилар.

<sup>3</sup> Кулкул – шиша идишдан тўкилган сув ё шаробнинг товуши.

<sup>4</sup> Лавҳашаллоҳ – Оллоҳ таоло уни ваҳшатга солмасин, кўрқитмасин. Бу сўз ҳайрат ва таҳсинни ифодалаш учун ҳам ишлатилади.

\* \* \*

Агар күнглунг тилар жонимни олмок,  
Қарокчи күзларингдин бир киё боқ.

Жудо бүлғоли мен зулфу юзунгдин,  
Күзумга не қаро күринди, не оқ.

Фалак айвонина бош эндуурму  
Қошиңг мөхробининг тоқина муштоқ.

Кўрармен боғи жаннат мевасидин  
Янгоқинг норини юз қатла беҳроқ<sup>1</sup>.

Мени девона айлаб ишва бирла,  
Недур ҳар дам парилардек яшунмок.

Агар учмоқ берса Тенгри сенсиз,  
Дегаймен бизга етти саккиз учмоқ<sup>2</sup>.

Атойи, сен киму ул сарвқомат,  
Илик етмас, не ҳосил қўлни сунмоқ<sup>?!?</sup>

<sup>1</sup> Б е х – яхши, афзал, маъқул.

<sup>2</sup> Ислом динига кўра, жаннатнинг саккиз дарвозаси бор:

1) пайғамбарлар, шаҳидлар, сиддиқлар ва сахийлар; 2) намозхонилар; 3) закот берувчилар; 4) амру маъруф ва наҳий мункар қилган мўминлар; 5) ҳаж ва умра қилганлар; 6) Оллоҳ йўлида жидду жаҳд қилганлар; 7) тақводорлар ва ота-онасини рози қилганлар; 8) рўзадорлар кирадиган дарвозалар.

\* \* \*

Эй сабо, келтур ўшал гулгунқабодин ийдлик,  
Лола юзлук, сарв бүйлүк дилрабодин ийдлик.  
Чунки зулфунгдин манга етмас, билурмен,  
тори мүй<sup>1</sup>,  
Бори бүе қыл равон боди сабодин ийдлик.  
Ийдгахқа барча эл элтур намозу рұзасин,  
Мен кошиңг мәхробина элтай дуодин ийдлик.  
Күз тутармен – ўқ отиб, ёзмас күзингдин  
мунтазир,  
«Бир ўқ от бағрима!» деб ул икки ёдин ийдлик.  
Чунки мен Фарҳоддек ўлдум мазоримда бу кун,  
Не осиф<sup>2</sup> ҳалво ўшал Шириң лиқодин ийдлик!  
Мағриб<sup>3</sup> олтун шираси узра кумуш кишли<sup>4</sup> била,  
Соқиё, султонға тут оби бақодин<sup>5</sup> ийдлик.  
Қыл закоти фитр<sup>6</sup> оғзингдин Атойиға равон –  
Ким, дариг<sup>7</sup> этмас ғани ҳаргиз гадодин ийдлик.

<sup>1</sup> М ў й – соч толаси, тук.

<sup>2</sup> О с иғ – фойда, манфаат, наф.

<sup>3</sup> М ағ р и б – ғарб, кун ботар.

<sup>4</sup> К и ш т и – кема. Бу ерда кема шаклидаги май идиши.

<sup>5</sup> О б и б а қ о – мангалик суви, оби ҳаёт.

<sup>6</sup> Ф и т р – исломда рамазон ойи тугаши муносабати билан бериладиган садақа.

<sup>7</sup> Д а р иғ – 1) афсус, надомат; 2) қызғаниш, аяш, күз қий-  
маслик.

\* \* \*

Хуршиди ховарида юзунгдек жамол йүк –  
Ким, бор анга заволу мунга ҳеч завол йүк.

Наргис күзунг менгизли<sup>1</sup> Хүттан лолазорида,  
Үк ё(й) қошинда үйнағучи бир ғазол<sup>2</sup> йүк.

Юзинг қошинда ой – ҳабаши анли доғлик,  
Қошинг қошинда түғри туурурға ҳилол йүк.

Жонимни васл учун десам, ол, эй қаро күзум,  
Олким, бу сүзда шуъбадаву<sup>3</sup> макру ол<sup>4</sup> йүк.

Оғзинг, белингни ҳар нечаким, фикр айласам,  
Күнглумда жуз тасаввuri ваҳму хаёл йүк.

Маҳбуб учун үларда манга йўқтуур назир,  
Ошикни үлтуурурда санга ҳам мисол йўқ.

Кўйғил, Атойи мадрасаву хонақоҳни<sup>5</sup>,  
Маънида қавли содику сўфида<sup>6</sup> ҳол<sup>7</sup> йўқ.

<sup>1</sup> М е н г и з – юз, чехра.

<sup>2</sup> Ғ а з о л ( F из о л ) – кийик, оху.

<sup>3</sup> Ш у ъ б а д а – үйин, найранг.

<sup>4</sup> О л – бу ерда: хийла, алдаш.

<sup>5</sup> Х о н а қ о ҳ – сўфийлар йигиладиган, зикр тушадиган  
жой.

<sup>6</sup> С ў ф и ( й ) – тариқатга кириб, дунёдан кўнгил узган,  
риёзат босқичларини босиб үтиб, Ҳаққа интилаётган киши.

<sup>7</sup> Ҳ о л – тариқат мақомларини босиб үтиш жараённида  
сөлиқнинг пок қалбida порлаб, уни руҳий камолотта олиб бо-  
ридиган илоҳий файз.

\* \* \*

Эй дўст, менинг дунёда сентек севарим йўқ,  
Укбода дағи ушбу сўзумдин гузарим йўқ.

Васлинг ишини ҳар нечаким фикр қилурмен,  
Жуз сояйи лутфу караминг чорагарим йўқ.

Зулфунгу юзунг ҳасратига кечаву кундуз  
Охимдин ўгун<sup>1</sup> хамдами шому сахарим йўқ.

Ишқинг йўлида ҳар нечаким, ҳажр ўтинда  
Ўртанса бағир, ёнса юрак ҳам ёнаrim йўқ.

Айб этма, агар килса кўнгул нолаву зоре,  
Васлинг ҳавасинда чу менинг зўру зарим йўқ.

Эй ҳусну малоҳат чамани саҳнида товус,  
Кўзумдин учарсен, нетайин, болу парим<sup>2</sup> йўқ.

То севдум Атойи каби мастона кўзунгни,  
Ақлу хираду бошу оёқтин хабарим йўқ.

<sup>1</sup> Ўгун – ўзга, бошка.

<sup>2</sup> Болу пар – қўлу оёқ.

\* \* \*

Эй бинои ҳусн ичинда қошларинг пайваста тоқ,  
Пүктур айвони фалакта бу асосу тумтароқ.

Ул биҳишти аднким<sup>1</sup>, дерлар,  
                                висолингдур сенинг,  
Осимен<sup>2</sup> – сендин йироқ тушган қулунг,  
                                дўзах – фироқ.

Ҳосили мулки Сулаймон, Ҳақ билур,  
                                елдур манга,  
Ганжи ҳуснунг қилгали вайрона кўнглумда  
                                висоқ<sup>3</sup>.

Дину дунё, айшу ишрат, молу мулку иззу жоҳ<sup>4</sup>,  
Барча яхшидур vale, дилбар бариндин яхшироқ.

Кўрмадук жуз жоми бода, машраби<sup>5</sup> софи рафиқ<sup>6</sup>,  
Топмадуқ ғайри суроҳий, ҳамнишини<sup>7</sup> бенифок.

---

<sup>1</sup> А д н – жаннат, боғ.

<sup>2</sup> О с и ( й ) – гуноҳкор, итоатсиз, исён қилувчи. У куфр ёки ширкка кетмаган бўлса, ҳар қанча катта-кичик гуноҳларига қарамай, мўмин-мусулмон саналади ва чин дилдан тавба қилса, гуноҳлари кечирилади.

<sup>3</sup> В и с о қ – 1) уй, макон; 2) манзил, ҳарам.

<sup>4</sup> И з з у ж о х – иззат ва улуғлик.

<sup>5</sup> М а ш р а б – табиат, ҳулқ, атвор.

<sup>6</sup> Р а ф и қ – 1) дўст, сирдош, ҳамроҳ; 2) маҳбуба, севгили.

<sup>7</sup> Ҳ а м н и ш и н – бирга ўтирувчи, улфат.

Эй хуш ул соатки, фасли гул, гулистон саҳнида  
Ошику маъшуку хилват, бош очук, ёланг аёқ.

Сен Атойи бирла худ дерсен, ракибингни яраш,  
Ит гадойи кўй ила ҳаргиз қилурму иттифоқ?

\* \* \*

Ох, ўлтурди фироқ ул гулъузоримдин<sup>1</sup> йироқ,  
Лола юзлук, сарв бўйлук тўғри ёримдин йироқ.

Нона қилсам ҳар замон, айб этманг,  
Эй ушшоқким,  
Лидалиби бенавомен лолазоримдин йироқ.

Ихтиёр эттим ул ойни икки дунёдин, вале,  
Истайин, солди фалак ўз ихтиёримдин йироқ.

Салй этар зоҳид мени жаннатнинг эски боғина,  
Мси борурменму юзунгдек навбаҳоримдин  
Йироқ.

Менда ҳам сабру қарору аклу ҳуше бор эди,  
Не балолик ишқ эдиким, солди ёримдин йироқ.

Гар фалак ўлтурса юз қотла мени, ҳеч бок эмас<sup>2</sup>,  
Бу ўлумдурким, ўладурмен нигоримдин йироқ.

Кетмагай, ўлсам Атойидек бўюнг сарви учун,  
То қиёмат сояи раҳмат мазоримдин йироқ.

<sup>1</sup> Гулъузор – гул юзли, гўзлал.

<sup>2</sup> Бок эмас – ажаб эмас.

\* \* \*

Бүюнғ сарви равондур жонға лойик,  
Не бир боғу не бир бўстонға лойик.

Не шабнам донасидур тишларингким,  
Бўлубтур ғунчайи хандонға лойик.

Хаёлингға кўнгулда жон берурмен,  
Азиз тухфа эрур меҳмонға лойик.

Менум кўнглумдасен, эй ҳусн ганжи,  
Бале, ҳар ганж эрур вайронға лойик.

Топилмас жумла оламда менингтек  
Гадойи мустаҳик эҳсонға лойик.

Табибо, дарди сар берма мангоким,  
Менинг дардим эмас дармонға лойик.

Атойи сўзин, эй султони ҳусн, ол –  
Ки, дерлар: «Яхши дур султонға лойик».

\* \* \*

!Озунг хуршиду анлинг субхи содик,  
Таоллаллох, зихи, хуш сунъи Холик.

Бу не кўздур, бу не кирпук, бу не қош –  
Ки, чиқти дину иймондин халойик.

Лаби Ширин ила Узро узоринг<sup>1</sup>,  
Қилур Хусравни чун Фарҳоду Вомик.

Манингдек жумлани қул қилгай эрдинг,  
Вафо қилсанг, бегим, хуснунгға лойик.

Тилаб тобмас эдим йиттан кўнгулни,  
Сабо зулфунгда ногаҳ берди солик.

Очунда<sup>2</sup> истадим бисёр ҳамдам,  
Ғамингтек топмадим ёри мувофиқ.

Назар қилсун десанг ул сарви озод<sup>3</sup>,  
Атойи қил равон тарки алойик.

<sup>1</sup> У з о р – юз, жамол, чехра.

<sup>2</sup> О ч у н – дунё, олам.

<sup>3</sup> С а р в и о з о д – тик ва баланд сарв; мажозан: баланд  
хушқомат маҳбуба.

\* \* \*

Санингтек хусн ила ҳури пари йүқ,  
Лаби қанду асал, бели ари йүқ.

Хүтган охуси боқмас боқишиңгдек,  
Юрушунгтек юрур кабки дари<sup>1</sup> йүқ.

Дилоромеки, нозу шева билмас,  
Дарахтедурки, ҳеч баргу бари<sup>2</sup> йүқ.

Таманно қилмасун ул қошу күзни  
Үшал бошким, анинг дарди сари йүқ.

Күнгүлнунг юз туман минг ёрасиндин  
Топилмас ерки, ғамзанг наштари йүқ.

Юзунга үхшагай худ шоҳи анжум<sup>3</sup>,  
Вале зулфунга үхшар лашкари йүқ.

Фироқинг үтида мискин Атойи  
Эрур парвонае<sup>4</sup> болу пари йүқ.

---

<sup>1</sup> К а б к и д а р и – хушовоз төғ каклиги.

<sup>2</sup> Б а р – мева, ҳосил.

<sup>3</sup> А н ж у м – юлдузлар.

<sup>4</sup> П а р в о н а – кечаси шам ёки чироқ атрофида айланып  
үзини унга урадиган ҳашарот.

\* \* \*

Ши саодат матлағы ул орази моҳинг сенинг,  
Хуси афлокинда йўқтур мислу ҳамтойинг<sup>1</sup>  
сенинг.

Қиъбаи арбоби ҳожат қошларинг меҳробидур,  
Қиблаи аҳли муҳаббат хоки даргоҳинг сенинг.

Бу латофатким паритек сенададур, эй рашки ҳур,  
Гүйё боғи Эрамдур сахни хиргоҳинг<sup>2</sup> сенинг.

Гирчи мен туштум жамолингдин ёмон кӯзтек  
фироқ,  
Яхшиким, бечора қўнглум борди ҳамроҳинг  
сенинг.

Хоҳ васлинг бирла тиргуз, хоҳ ўлтур ҳажр ила,  
Мен ризо бердим нечукким, бўлса дилҳоҳинг<sup>3</sup>  
сенинг.

Ҳожат эрмас ҳазратингда<sup>4</sup> арзи ҳожат айламак,  
Чун тажалли кўзгусидур табъи огоҳинг сенинг.

Не ажаб, етсанг Атойи бир тун ул ой васлина –  
Ким, ўтар етти фалакдин ҳар сахар оҳинг сенинг.

<sup>1</sup> Ҳамто – тенг, шерик.

<sup>2</sup> Хиргоҳ – 1) чодир; 2) манзил.

<sup>3</sup> Дилҳоҳ – қўнгил истаги, қўнгилга яқин.

<sup>4</sup> Ҳазрат – бу ерда: даргоҳ, ҳузур, остона.

\* \* \*

Керакмас сенсизин жону тириклиқ,  
Афаллох<sup>1</sup>, дарди ҳижрону тириклиқ.

Лаби лаълинг била сарви равонинг  
Багишлар оби ҳайвону тириклиқ.

Рақиблар сухбати жон завқин элтур,  
Хуш эрмас, оре, зиндону тириклиқ.

Ўлармен бўлмасанг бу шаҳру элда  
Юсуфсиз, яъни Кањону<sup>2</sup> тириклиқ.

Атойи ўлди, сизга боқи бўлсун,  
Жаҳонда то абад жону тириклиқ.

---

<sup>1</sup> А ф а л л о х – нажот, қутулиш маъносидаги нидо кали маси.

<sup>2</sup> К а н ъ о н – 1) Ливаннинг милоддан аввалги номи,  
2) Яъкуб пайғамбар хукмронлик қилған мамлакат.

\* \* \*

Уси боғинда юзунгдек варди хұмро<sup>1</sup> күрмадук,  
Нир мулкинда лабингтек қанди зебо күрмадук.

Чину Мочину<sup>2</sup> Хұтанды<sup>3</sup> қўзларингтек раҳмсиз,  
Хито қон тўккучи бир турки яғмо күрмадук.

Коматинг болосина бордуқ тамошо қилгали,  
Нир бало кўрдук, таолаллоҳки, боло күрмадук.

Бу улуста хўблар кўрдук, vale, эй ўз бегим,  
Нилраболикта сизингдек шўхи раъно күрмадук.

Сигали, эй сиймтанлик<sup>4</sup> кўнгли фўлодим<sup>5</sup>, сени  
Чунёда тифи жафодин ўзга қатъо<sup>6</sup> күрмадук.

Нозанинларда вафоу меҳр бор, дерлар, vale,  
Кун эшилтук биз дағи бу сўзни, аммо күрмадук.

Чесалар, не айб, Атойининг сўзин дурри ятим<sup>7</sup> –  
Ким, фироқингда анинғ ёшича дарё күрмадук.

<sup>1</sup> Варди хұмро – қизил атиргул.

<sup>2</sup> Чину Мочин – Хитой ва унга қўшни давлатлар.

<sup>3</sup> Хұтан – Кошғардаги воҳа ва шаҳар.

<sup>4</sup> Сиймтан (Сийминбадан) – кумушбадан; гўзал, ибо.

<sup>5</sup> Фўлод – пўлат.

<sup>6</sup> Қатъо – қатъиян, асло, ҳеч қачон.

<sup>7</sup> Дурри ятим – садаф ичиди якка ўзи етишган йирик марварид; энг қимматбаҳо марварид.

\* \* \*

Эй жафо бобинда маҳкам, сустпаймоним<sup>1</sup>  
манинг,  
Колмади сабр эткали ҳажрингда имконим  
манинг.

Толеъимдиндур буким, етмас санингдек ойга  
Кўктин ўткан нолаю фарёду афғоним<sup>2</sup> манинг.

Пироҳандин бўлмасун деб ногаҳ озурда танинг,  
Ўзгаларни этаки куйса, куяр жоним манинг.

Келтурай жонимни меҳмон хаёлингға, vale,  
Бу муҳаққар тухфани олгайму меҳмоним анинг.

Қондин иймангай мени ўлтурса кофир  
кўзларинг –  
Ким, бу кўнглум бўйнигадур, Ҳақ билур,  
қоним манинг.

Сурайи «Валлайл»<sup>3</sup> «Вашшамс»<sup>4</sup> ўқуғон кундин  
бери

---

<sup>1</sup> С у с т п а й м о н – ваъдасига вафо килмайдиган, ваъдаси ёлғон.

<sup>2</sup> А ф ғ о н – фигонлар, нолалар, фарёдлар.

<sup>3</sup> В а л л а й л – Кечага қасам: Куръони каримнинг 92-сураси.

<sup>4</sup> В а ш ш а м с – Куёшга қасам: Куръони каримнинг 91-сураси.

Зулфу рухсоринг бўлубтур куфру иймоним  
манинг.

Остонингда Атойи кимдуур деб сўрсалар,  
Дегасен, бир хоки роҳим бирла яксоним<sup>5</sup> манинг.

---

<sup>5</sup> Яксон – баробар, тенг.

\* \* \*

Эй хаёлинг то абад ҳамрозу<sup>1</sup> йўлдошим манинг,  
Қайдаким бўлса аёфинг, андадур бошим манинг.

Топмасам васлингниким, ул Нуҳ умридур манга,  
Гарчи тўфон айлагай оламни кўз ёшим манинг<sup>2</sup>.

Эй жафочи тошбагирлик, раҳм қилмассен манга,  
Куйди, ўртанди ғам ўтинда ичим-тошим манинг.

Тупроғимни кўзга қилғайлар малойик<sup>3</sup> тўтиё,  
Хоки роҳинг гар кафандা бўлса йўлдошим  
манинг.

Гах-гахи бошинг учун давлат аёкин<sup>4</sup> сун<sup>5</sup> манга,  
Хусннинг нуқлу майндин масти қаллошим<sup>6</sup>  
манинг.

Лавхи кўнглумда юзунг нақшиндин ўзга сезмади  
Суратим тасвир қилғон дамда наққошим манинг.

Кўрса қопингни Атойи, бошласа девоналиқ,  
Айб қилма, чун янги ойдур, дединг,  
кошум манинг.

---

<sup>1</sup> Ҳ а м р о з – сирдош, яқин дўст.

<sup>2</sup> Бу ерда Нуҳ алайхиссалом давридаги тўфон воқеасига  
ишора қилинмоқда.

<sup>3</sup> М а л о й и к – малаклар, фаришталар.

<sup>4</sup> А ё қ – май идиши, жом, қадаҳ.

<sup>5</sup> С у н м о қ – куймок, узатмоқ, чўзмок.

<sup>6</sup> К а л л о ш – бу ерда: шўху шанг, фаттон, ҳийлагар.

\* \* \*

Юзунг шамъина мен парвоналардек<sup>1</sup>,  
Сочинг занжирина девоналардек.

Бўлубтур ганжи васлинг ҳасратида  
Кўнгулнунг кулбаси вайроналардек.

Кўзунг фикринда ишратпешаларга<sup>2</sup>  
Топилмас гўшае майхоналардек.

Юзунг давринда Юсуф достонин  
Ўқурлар ому хос<sup>3</sup> афсоналардек.

Азалдин ошнонгизман, валекин,  
Бўлубтурмен бу кун бегоналардек.

Тузоқقا илди кўнглум андалибин  
Гулистон ичра холинг доналардек.

Атойи кўнглининг аҳди бутундур,  
Агар синдурсангиз паймоналардек<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Ш а м в а п а р в о н а – тасаввуф шеъриятидаги машхур тимсоллардан. Бунда шамъ – илоҳий ишқ, парвона – ошиқ тимсоли бўлиб келади.

<sup>2</sup> И ш р а т п е ш а – майшатпараст.

<sup>3</sup> О м у х о с – оддий кишилар ва юқори табақадагилар; камма, барча.

<sup>4</sup> П а й м о н а – қадаҳ, май пиёласи.

\* \* \*

Олди күнгүлни бир бути айёри шүх шанг<sup>1</sup>,—  
Ким, куфр ўгранур кўзидин кофири Фаранг<sup>2</sup>.

Куйдурди ишқи ўтинда юз обрўйни,  
Номус елга борди-ю, ҳам хок бўлди нанг<sup>3</sup>.

Бахредуур<sup>4</sup> ғамики, эрур баҳри оташин,  
Қилмас таҳаммул анда магар ошиқи наҳанг<sup>5</sup>.

Ширин даҳони лаззатини эл эшитгали,  
Олмас киши шакарни дирамга<sup>6</sup> сотилса танг<sup>7</sup>.

Ул қошу кўзни севгали бўлдум нишонае,  
Отса қароқчи ғамзаси бир новаки хаданг.

Шарҳи ғами фироқ қилур ҳар нафасда най,  
Ёди замони васл қилур ҳар тузукда жанг.

Қилмас Атойи қоматидек сарафrozлиқ<sup>8</sup>,  
Бўлғил қадамда зулфи менгизлиқ шикастаранг<sup>9</sup>.

---

<sup>1</sup> Шүх шанг – жилвали, жозибали, ўйинқарок.

<sup>2</sup> Фаранг – бу ерда: Европа.

<sup>3</sup> Нанг – оп, уят, номус.

<sup>4</sup> Баҳр – катта дарё, денгиз.

<sup>5</sup> Наханг – катта балиқ, акула. Бу ерда: ғолиб, ботир, пахлавон.

<sup>6</sup> Дирам – кумуш танга.

<sup>7</sup> Танг – бу ерда: бир эшак кўтарадиган юк.

<sup>8</sup> Сарафroz (Сарфароз) – баланд, юксак, мағрур.

<sup>9</sup> Шикастаранг – ранги заҳил, ранги синик.

\* \* \*

Эй бегим, то бастайи<sup>1</sup> зулфи сиёхингмен<sup>2</sup> санинг,  
Кўз учиндин мубталойи бир нигоҳингмен  
санинг.

Куллуғинг бирла жаҳон машҳури бўлдум оқибат,  
Демадинг бир кун «қулим, кел, подшоҳингмен»,  
санинг.

Охир, эй сарви хиромоним, ўтарда лутф этиб,  
Бир юзумга бос қадамким, хоки роҳингмен  
санинг.

Гарчи ўлтурдунг мени, сансиз тирилган жирм<sup>3</sup>  
учун  
Ҳашрда<sup>4</sup> мен ҳам бу кўздин шармисорингмен  
санинг.

Тири оҳиндин Атойининг ҳазар қил, ҳар қеча  
Мен дуойи субҳ ила гарчи паноҳингмен санинг.

<sup>1</sup> Б а с т а – боғлиқ, банд.

<sup>2</sup> С и ё ҳ – қора, қоронгилик.

<sup>3</sup> Ж и р м – жисм.

<sup>4</sup> Ҳ а ш р – қиёмат.

\* \* \*

Эй латофат субхидин толеъ ики чўлпон кўзунг,  
·Гардиши<sup>1</sup> даври қамарда фитнайи даврон кўзунг.

Икки ёдур қошида пайваста минг новак била,  
Не ажаб, ҳар бир назарда қилса юз курбон кўзунг.

Қасди жоним қилғали айн ул-яқин<sup>2</sup> бўлди манга,  
Андаким бокти йироқтин ноз ила пинҳон кўзунг.

Қайсари Рум ой юзунг, мушкин сочинг хоқони  
Чин,  
Шохи Ҳиндустон менгинг, султони Туркистон  
кўзунг.

Гарчи охуйи Хўтандур, бехато билмон недин,  
Чину Мочин лолазоринда қилур сайрон<sup>3</sup> кўзунг.

Чун тикилди бу манинг жонимга – олмай  
кўймағой  
Ғамза бирла юз манингдек жонни олғон кўзунг.

Ҳар нечаким телмуруб боқса Атойи мустаҳик,  
Бир назар қилмас анга Тенгри учун эҳсон кўзунг.

<sup>1</sup> Гардиш – айланиш, харакат.

<sup>2</sup> Айн ул-яқин – бирор нарсани кўз билан кўриб, унинг моҳиятига тўла ишонч ҳосил килиш.

<sup>3</sup> Сайрон – сайр, гашт.

\* \* \*

Эй биҳишти жовидон бир лаҳза дийдоринг  
санинг,  
Кавсари moi майн<sup>1</sup> лаъли шакарборинг<sup>2</sup> санинг.

Узгаларда зулфу холе бўлса хусн асбобидин,  
Маҳзи хусну лутф эрур боштин-оёқ боринг  
санинг.

Бир назарда юз кўнгулни сайд этар оху кўзунг,  
Мен эмасмен ёлғузун, жоно, гирифторинг санинг.

Бахри гумроҳдинмудур, ё Раб, манга мардумлук,  
Бо магар матлубига етмас талабгоринг санинг.

Жаври ағёр илкидин жонимға еттим, ох-ох,  
Бандадин ёд айласанг, ёро, Худо ёринг санинг.

Эй кўнгул, сен нотавону кўзлари жон олгучи,  
Улмайин мушкилга осон бўлса душворинг  
санинг.

Илғамас лаълингни севган Хизру Исодин сани,  
Истамас сухбатни ҳар ким бўлса bemoring  
санинг.

<sup>1</sup> Мой майн – оқар сув.

<sup>2</sup> Шакар бор – шакар ёғдирувчи, шириңсўз.

Гар кийиклар нофасинда бўлса қондин  
мушки Чин,  
Лолаву гулдин бутубтур мушки тоторинг<sup>3</sup>  
санинг.

Ул юзи гулзорнинг кўнглина бир қилмас асар,  
Эй Атойи, тош эритган нолай зоринг санинг.

\* \* \*

Эй хусн ичинда мулкати бемунтаҳо санинг,  
Мехру вафо менингдуру жавру жафо санинг.

Оғзинг била мазойиқа<sup>1</sup> йўқтур жон устида,  
Кўнглум уюнг, бошим садақанг, мен гадо санинг.

Жон ғорат айладинг, кўнгул олдинг, соғинмадинг,  
Қайси жафонгни чекмадим, эй бевафо, санинг?

Ким севди яхши сўзни, куймади, ўрганмади,  
Ишқинг ўти туташмади ялғуз манго санинг.

Ўлтур – ўлай кошингда юзунга бока-бока,  
Бўлсун ҳаёти Хизр ила умри бақо санинг.

Бас, ноумид қилди мени васл йўлидин,  
Бегоналардек ўтганинг, эй ошно, санинг.

Жаврунгни худ Атойи вафоча кўрар vale,  
Чиккай жафочиликка отинг халқ аро санинг.

<sup>3</sup> М у ш к и т о т о р – аъло, тоза мушк.

<sup>1</sup> М а з о й и қ – 1) тор жой; 2) танг ҳолат, қийин вазият.

\* \* \*

Севди хўбларни, айирди хонумонимдин кўнгул,  
Ўзга не истар менинг бу килча жонимдин кўнгул.

Оҳ, мен жонимфа еттим жавр чекмактин, нетай,  
Зарра меҳр узмас ўшул номеҳрибонимдин  
кўнгул.

Бу менинг югрук ёшим розимни элга қилди фош,  
Ошкора қилмади сирри ниҳонимдин кўнгул.

Васлу ҳажринг қиссасин бир кун санга шарҳ  
айлагай,  
Чунки вокифдур манинг яхши-ямонимдин  
кўнгул.

Бўлгали безор мендин ой юзунгнунг меҳрида,  
Йил кечар-кечмас менинг бир кун гумонимдин  
кўнгул.

Битисам бўлғай насиҳатномалар юз  
«Ганжи панж»<sup>1</sup>,  
Ўзга килмас Хисрави Ширин даҳонимдин  
кўнгул.

Жон берур маҳбуб учун ошиқ, Атойи, неча сен,  
Ҳар дам айтурсен: айирди хонумонимдин  
кўнгул.

---

<sup>1</sup> Бу ерда улут Озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг «Панжи ганж» («Беш хазина») номи билан машҳур бўлган «Хамса»сига ишора килинмоқда.

\* \* \*

Бу күзким сенدادур, эй зулфи қаттол,  
Тушубтур нозанинлар ичра бир ҳол.

Қачонким тири ғамзангни отарсен,  
Бу хокий сори ҳам гоҳи назар сол.

Неча йүқсиз эсам оғзинг ғаминда,  
Манга зулфунг хаёлидур қаро мол.

Агар ширин лабингга жон тиларсен,  
Турушқони маҳал, бот бүл, равон ол.

Юз олтун айладим, топмон йүлунгда,  
Оёғинг тупроғиндин зарра мисқол<sup>1</sup>.

Күзунг күнглум олур юз ол бирла,  
Билибтур турк экач, бу мунча күп ол.

Сабо чавгони<sup>2</sup> зулфунгдин ўтарда,  
Атойи күнглидин сўрким, недур ҳол?

---

<sup>1</sup> М и с қ о л – 1) тахминан 4,68 граммга teng бўлган оғирлик ўлчови; 2) энг енгил нарса, арзимаган нарса.

<sup>2</sup> Ч а в г о н – 1) «от тўпи» ўйинида тўп урадиган учи эгри гаёқ; 2) «от тўпи» ўйини, чавгон ўйини.

\* \* \*

Эй сипехри<sup>1</sup> ҳусн ичинда офтоби безавол,  
Шевау нозу карашма илмида сохибкамол.

Түбийи жаннатда йўқтур, ҳам ниҳоли Сидрада<sup>2</sup>,  
Қоматинг сарвидаким, бордир бу ҳадди эътидол<sup>3</sup>.

Бир кўнгул бор эрди менда, ол ила олдинг ани,  
Эмди бир жоним қолубтур, гар ярап они ҳам ол.

Сурату Лавҳу<sup>4</sup> Қалам<sup>5</sup> мавжуд бўлмастин бурун  
Зулфунг эрди сарбасар<sup>6</sup> ҳоли паришонимга лол.

Зулфу рухсоринг асири мулки Ҳиндистону Рум,  
Хаттингу лаълинг гадою бандаси тўтию бол.

---

<sup>1</sup> С и п е х р – 1) осмон; 2) замон, дунё.

<sup>2</sup> С и д р а – жаннатдаги ёки еттинчи осмондаги афсонавий дараҳтнинг номи.

<sup>3</sup> Э ъ т и д о л – бу ерда: 1) келишганлик, ярашиқлик; 2) тик, тўғри.

<sup>4</sup> Л а в ҳ – бу ерда: Оллоҳ инсониятнинг тақдирларини ёзган улкан китоб – Лавҳ ул-маҳфуз.

<sup>5</sup> Қ а л а м – бу ерда ақли аввал, яъни Худога ишора.

<sup>6</sup> С а р б а с а р – бошдан-оёқ, бутунлай.

Ерлик<sup>7</sup> ўбтум деб лабини даъви қилғон  
журмидин<sup>8</sup>,  
Фұта<sup>9</sup> солди бүйнүға, тортар басе күп инфиол.  
  
Васлин ул ойнинг мунажжимдин, Атойи,  
сүрмагил –  
Ким, фалакта йўқтурур андоқ маҳи  
фархундафол<sup>10</sup>.

<sup>7</sup> Ерлик – рұмол.

<sup>8</sup> Журм – айб, гуноҳ.

<sup>9</sup> Фұта – белбоғ.

<sup>10</sup> Фархундафол – баҳтиёр, баҳтли.

\* \* \*

Гарчи сен бўлдунг манго жавр этмакинг бирла  
масал,  
Хошалиллоҳ<sup>1</sup>, тобса меҳрим зарра нуқсони халал.

Бандамен улким, вафо бобинда дерлар беназир,  
Сенсен улким, ҳусн важҳидин ўқурлар бебадал.

Куллуғунгға ой битик берди хатингни ёзғали,  
Мушки тардин сафҳайи жон узра хаттоти азал<sup>2</sup>.

Фурқатинг худ мушкиледур, бар саре<sup>3</sup> мушкил  
бу ким,  
Йўқтуур васлингдин ўзга қилса ул  
мушкилни ҳал.

Қилса эл эзгу амаллар жаннати васлинг учун,  
Менда жуз факру ниёзу масканат йўқтур амал.

Бу ҳаётимдин манга хуштур ўлум жононасиз,  
Бир карам айлаб, мени ҳажр илкидин қуткор,  
ажал.

Эй Атойи, васлининг тадбирида жон ўйнағил –  
Ким, муҳаббат бобида сиғмас фану макру хиял<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Ҳошалиллоҳ – 1) Худо сақласин, ўзинг аспа, Илоҳи;  
2) асло, ҳеч қачон.

<sup>2</sup> Ҳаттоти азал – азал хаттоти, яъни Худо.

<sup>3</sup> Бар саре – бошда.

<sup>4</sup> Ҳиял – ҳийлалар.

\* \* \*

Лндаким, қилди тавакқуъ васли жонондин  
күнгул,  
Бағрини сув айлади, ювди илик жондин күнгул.  
  
Куйдум, ўртандим, нетай, ул қошу күзин  
күргали,  
Келтуур юз фитнани бошимға ҳар ёндин  
күнгул.

Киргали жон мулки ичра шахри Яғмо<sup>1</sup> хұблари  
Гинмади бир лаңзаे торожу талондин күнгул.  
  
Їд қилмас зулфу рухсору хатингни күргали,  
Лолаву насрину сунбул бирла райхондин күнгул.  
  
Лаълингиз ёди била гар үлса ҳижрон чўлида,  
Қонеъ бўлсун<sup>2</sup> ичса бир дам оби ҳайвондин  
күнгул.

Эл тилар учмоқ богин, лек жоним булбули  
Зулфи савдосинда узмас «Боги зогон»дин күнгул.  
  
Гар Атойи(ни) фалак үлтурса, тупроқ айласа,  
То қиёмат узмагай боғи «Хиёбон»дин<sup>3</sup> күнгул.

---

<sup>1</sup> Яғмо – гүзәл қызылари билан машхур бўлган Туркистондаги шаҳар.

<sup>2</sup> Қонеъ – қаноат қилувчи, рози бўлувчи.

<sup>3</sup> «Боги Зогон», «Хиёбон» – Ҳиротнинг машхур боғлари.

\* \* \*

Менгларинг мушки Хұтан ё нұқтаи жондур,  
бегим?  
Энгларинг варди<sup>1</sup> Эрам, ё боғи ризвондур,  
бегим?

Журъай лаълинг майиндин одамийлар жон  
топар,  
Айб эмас сўрмок, магар ул оби ҳайвондур,  
бегим?

Ил мени чавгони зулфунг бирла бир дам  
гўйтек<sup>2</sup> –  
Ким, фироқинг илгига ҳолим паришондур бегим.

Бу тириклар сонида тутқон хаёлингдур мени,  
Йўқ эса, жонсиз тирилмаклик не имкондур,  
бегим?

Форати ҳижрон элиндин муфлису<sup>3</sup> бечорамен,  
Хони<sup>4</sup> васлингдин карам қил — вақти эҳсондур,  
бегим.

<sup>1</sup> В а р д – атиргул, қызыл гул.

<sup>2</sup> Г ў й – чавгон ўйинида ўйналадиган тўп.

<sup>3</sup> М у ф л и с – қашшоқ, камбагал, бечора.

<sup>4</sup> Х о н – дастурхон.

Хар неким Юсуф жамолингдин эшиттук  
сендадур,  
Бу Ҳири<sup>5</sup> шахри магарким, мулки Канъондур,  
бегим?

Бу Атойи қулни севдунг, деб мени ёзғурмағил,  
Ул нечук этсун күнгул, бир бошқа султондур,  
бегим.

---

<sup>5</sup> Ҳири – Ҳирот.

\* \* \*

Гарчи ўлтурди мени ғам бирла ҳижронинг, бегим,  
Тенгри бўлсун, қайдаким бўлсанг, нигаҳбонинг,  
бегим.

Киприкингнинг ўқлари жонимдин ортуқдур  
манга,  
Бутмасанг бағримни ёр, бок ушта пайконинг,  
бегим.

Баъдазин гар ойу кун туғмаса, йўқтур эҳтиёж,  
Килди оламни мунааввар икки чўлпонинг бегим,  
Суратингни бир тўё кўрмай, килурсан қасди жон,  
Бас, не маънидин эди кўнглумни олғонинг,  
бегим?

Ақли йўқ ҳайвондор, ё фаҳму ҳисси йўқ жамод<sup>1</sup>,  
Кимки ҳуснунгни кўруб, бўлмаса ҳайронинг,  
бегим.

Моҳитобон ҳар кеча кўктин солур ерга ўзин,  
Етгали сархушлуғунгда ерга тобонинг, бегим.

Оғзига олмас Атойи Хисраву Ширин сўзин,  
Сўргали лутф айлаб они шаккаристонинг<sup>2</sup>,  
бегим.

<sup>1</sup> Ж а м о д – жонсиз нарса, тош.

<sup>2</sup> Ш а к к а р и с т о н – шакарзор; мажозан: севишганлар сухбати.

\* \* \*

Не иноятысиз манга, жонони тақсир айладим<sup>1</sup>,  
Жонга еттим қайғудин, оёни тақсир айладим.

Баски, фикр эттим гунохимни узун тун то сахар,  
Тутти күнглумни ғаму савдони тақсир айладим.

Ақлу ҳушум, зикру фикримда таманно ўзгани  
Қилмадим бир лаҳзае, ҳаққони не тақсир  
айладим.

Сиз ҳамон рухсораси лола бегимсиз, қадди сарв,  
Куллуғунгда мен ҳамон лолони тақсир айладим.

Банданинг ҳаққидаги анвои лутфунгдин бурун,  
Эмди йўқтур бири ҳам — пайдони тақсир  
айладим.

Хизматингда ўзгалар аъло маротибқа етиб,  
Барчадин бўлди бу қул аднони<sup>2</sup> тақсир айладим.

Дер Атойи ҳасратингда ҳар замон юз оҳ уриб,  
Ёд қилмассен мени, ёрони тақсир айладим.

<sup>1</sup> Т ақ с и р а и л а м о қ — афв қилмоқ, гунохини кечирмоқ, айбни ўзига олмоқ.

<sup>2</sup> А д н о — энг паст, куйи, тубан, арзимас.

\* \* \*

Аё<sup>1</sup>, гул чехралик сарви равоним,  
Фидо бўлсун санга жону равоним<sup>2</sup>.

Сулаймон мулкидур ҳам Нух умри  
Санинг бирла кечурган бир замоним.

Агар зулфунг учун чопсанг бошимни,  
Юз уюрсам, манинг бўйнумға қоним.

Белингда гарчи бир қилча гумон бор,  
Вале оғзингда йўқтур ҳеч гумоним.

Жамолинг оядидур ҳусн ичинда,  
Не хожат бу менинг шарҳу баёним.

Бу дөгеким, қўяр жонимга ҳажринг,  
Ажаб қолғай менинг ному нишоним.

Юзунг меҳринда жон берди Атойи,  
Демадинг бир кун: «Ўлди меҳрибоним...»

---

<sup>1</sup> А ё – нидо калимаси: эй.

<sup>2</sup> Р а в о н – жон, рух, ҳаёт, тириклик.

\* \* \*

Бир назар айла бизга, эй хусн ила меҳру моҳ  
ҳам –

Ким, сўрар ўз гадойини лутф ила подшоҳ ҳам.

Бўлма баҳори ҳуснунга ғарраки<sup>1</sup>, бу ҳазони умр  
Боги ҳаёта не гул қўйғуси, не гиёҳ ҳам...

Йўл юрусанг, сурар эдим юзума хоки роҳни,  
Эмди учар кўзумдин ул юрушу хоки роҳ ҳам.

Сўндуурур эди ҳажр ўтин чиқса кўнгулдин  
оҳи сард<sup>2</sup>,  
Оҳки, қолмади, нетай, эмди мажоли оҳ ҳам...

Сояи зулфунгузни сиз тутмангиз ойдин дариғ –  
Ким, икки дунёда анга нисбат давру паноҳ ҳам.

<sup>1</sup> Ғ а р ғ а – мағрурланиш.

<sup>2</sup> С а р д – совуқ.

\* \* \*

Алминнатулиллоҳқи<sup>1</sup>, яна ёрни кўрдум,  
Жон ҳамнафаси, маҳрами асрорни<sup>2</sup> кўрдум.

Бахтим магар уйғонди оғир уйқусиндинким,  
Мехнат ёнгилиб<sup>3</sup>, давлати бедорни кўрдум.

Умрум чамани ичра яна ёз очилди –  
Ким, ул бўйи сарву юзи гулнорни<sup>4</sup> кўрдум.

Зоҳид манга арз айламасун боғу жинонин<sup>5</sup>,  
Жаннатни нетай, эмдики дийдорни кўрдум.

Не сабр кўнгул илкида қолди, не таҳаммул,  
Қандин мен ўшул қомату рафторни кўрдум.

Қон айла бағирни, тикан ур икки кўзумга,  
Сенсиз не учун лолайи гулзорни кўрдум.

Бутмон<sup>6</sup> десалар ғамзанг ўқининг ёрасиндин,  
Бу хаста Атойи киби афгорни<sup>7</sup> кўрдум.

---

<sup>1</sup> Алминнатулиллоҳқ – Худога шукр.

<sup>2</sup> Асрор – сирлар.

<sup>3</sup> Ёнгилмоқ – битмоқ, тугамоқ.

<sup>4</sup> Гулнор – анор гули, қизил гул, қизил ранг, қип-қизил.

<sup>5</sup> Жинон – жаннат.

<sup>6</sup> Бутмон – битмайди, тузалмайди.

<sup>7</sup> Афгор (Фигор) – 1) яраланган, мажрух; 2) эзилган, ўртанган, ғамгин.

\* \* \*

Аёкинг тупроги бирла қасамким,  
Манга сенсиз пари қайси, санам ким?

Күнгүл матлуби ҳуснунгдур манга, бас,  
Вафо ё жуду<sup>1</sup> ё зулму ситамким.

Жамолинг партавидур жумла олам,  
Куништу<sup>2</sup> дайр<sup>3</sup> ё Байт ул-ҳарамким<sup>4</sup>.

Чу йўқтур вожиби мутлақдин<sup>5</sup> ўзга,  
Вужуди мумкину баҳси адамким.

Аҳаддур<sup>6</sup> аслу фаръу<sup>7</sup> жумла аъдод<sup>8</sup>,  
Ҳисоби беадад бисёру камким.

---

<sup>1</sup> Ж у д – саховат, инъом, эҳсон.

<sup>2</sup> К у н и ш т – яхудийлар ибодатхонаси.

<sup>3</sup> Даир – оташпаратлар ёки насронийлар ибодатхонаси, бутхона.

<sup>4</sup> Б а й т у л - ҳ а р а м – Каъба.

<sup>5</sup> В о ж и б и м у т л а қ – Худо.

<sup>6</sup> А ҳ а д – яккаю ягона, яъни Худо.

<sup>7</sup> Ф а р ъ – қисм, бўлак.

<sup>8</sup> А ъ д о д – сонлар, саноқлар, ҳисоблар.

Наби қавли била инсондин ўзга,  
Маҳалли Аршу<sup>9</sup> Курсию<sup>10</sup> Қаламким.

Бу кун күонгда итлар зумрасинда,  
Атойитек азизу муҳтарам ким?!

---

<sup>9</sup> А р ш – Арши аъло – буюк тахт. Оят ва ҳадисларга кўра, Арш оёқлари бор тахт бўлиб, уни фаришталар кўтариб туради. У худди олам устидаги қуббага ўхшаш. У маҳлукотларнинг шифтидир.

<sup>10</sup> К ур с и – Аршнинг иккинчи номи. Етти қават осмондан ташқари, алоҳида саккизинчи осмон ҳам тушунилади.

\* \* \*

Десангким: «Жон сипар<sup>1</sup> қилғил, Отойим!»  
Турубмен ушмуноқ, үлдур, от, ойим!

Кулунгмен сакласанг жоним боринча,  
Агар сақламасанг, сен бил, сот ойим!

Неча сархуш эсанг хуснунг майиндин,  
Вафо жоми майиндин ҳам тот ойим!

Бақосиздур бу беш кун умри фоний,  
Боқойин ой юзунга бот-бот, ойим.

Фалактин үткарурмен меҳринг үқин,  
Десангким: «Қайдасен, оё, Отойим?»

<sup>1</sup> С и п а р – қалқон.

\* \* \*

Эй гаму дардинг санинг икки жаҳондин  
Хосилим,  
Сен боринда кимга айтай қиссайи дарди дилим?  
Түқуз айвони фалактин бўлди мустағни<sup>1</sup> кўнгул,  
То эшикта итларинг бирла бўлубтур манзилим.  
Ҳақ таоло хоки одамни яратмасдин бурун  
Парвариш топти санинг ишқинг била обу гилим<sup>2</sup>.  
Эй сочинг мушк айлади зулфунг доми кўнглум  
Кушин,  
Тонг елидин ҳал магар бўлғой менинг  
Бу мушкилим?  
Лабларинг васфиндин ўзга сўзласам оғзим тўла,  
Оби ҳайвон бўлса, ул сўз журмидин кесгил  
тилим.  
Кулларингнинг қуллугин бирла қилурмен  
Ифтихор,  
Гар қабул этсанг зихи фархунда баҳти  
Муқбилим<sup>3</sup>.  
Қилди девона, Атойи, кўзлари сархуш кўзунг,  
Эй лаби лаълу майндин усруку лояъқилим<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Мустағни (й) – эҳтиёжсиз.

<sup>2</sup> Обу гил – яратилиш, инсон табиати.

<sup>3</sup> Муқбил – баҳтли, иқболли.

<sup>4</sup> Лояъқил – ақлсиз, хушсиз.

\* \* \*

Хаста күнглумдин хаёлинг бир замон кетмас,  
бегим,  
Нечаким, васлинг этакига қўлум етмас, бегим.

Нетайин, дармонда бўлдум мен бу кўнглум  
илкида,  
Сенсизни ҳеч ерда бир лахза қарор этмас, бегим.

Гарчи сен дашном этарсен — мен дуочимен  
санга,  
Ошиқи содик жафодин элини<sup>1</sup> четмас<sup>2</sup>, бегим.

Сен мени таъзим этиб, қуллар сонинда тутмағил,  
Ніларинг хайлinda<sup>3</sup> бўлсам, не манга етмас,  
бегим.

Таънадин қовмас Атойини эшикиндин ракиб,  
Ҳеч гадо ит ҳурса, эшикни қўюб кетмас, бегим.

<sup>1</sup> Эл (Ал) — кўл.

<sup>2</sup> Четмоқ — синааб кўрмоқ, синамоқ.

<sup>3</sup> Хайл — 1) тўда, гурух, тоифа; 2) эл, жамоа; 3) оила, болачака, аҳлу аёл.

\* \* \*

То күнгүлда оразинг нақшин мусаввар<sup>1</sup> айладим,  
Аксидин жон хилватин ҳар дам мунаvvар  
айладим.

Күп узун тун то саҳаргах соchlаринг авсофида<sup>2</sup>  
Мажлиси ошуфта дилларни муаттар айладим.

Қанди лаълинг шарбатиндин бер дедим бир  
чошни<sup>3</sup>,  
Эй афаллоҳ, сен кечургилким,  
муқаррап айладим.

Бир варак олтун юзумни хатти мушкининг учун  
Риштайи сиймин ашкимла мусаттар<sup>4</sup> айладим.

Ҳар киши аҳди азалда қилди бир ишни қабул,  
Мен күнгүлда ой юзунг меҳрин муқаррап  
айладим.

Нечаким ағғон қилурмен, толеъим қилмас назар,  
Гүйё баҳтим қулогин ноладин кар айладим.

Ўзгалар нафсу ҳаводин қилса хўбларға назар,  
Мен Атойитек ўзумни руҳпарвар айладим.

<sup>1</sup> М у с а в в а р – тасвиrlанган, гавдаланган, намоён.

<sup>2</sup> А в с о ф – васфлар, мактовлар, таърифлар.

<sup>3</sup> Ч о ш н и – маза, таъм, баҳра.

<sup>4</sup> М у с а т т а р – яширин, пинҳон.

\* \* \*

Эй басе шайдо күнгуллар қибласи қошинг, бегим,  
Бир назар қил күз учундин бизга ўз бошинг,  
бегим.

Қилни икки ёрмишу қилмиш азалда бир қалам  
Белингиз тасвирини қылғонда наққошинг, бегим.

Сунбулу райхон сочингиз қўллари bogлиқдур  
Ҳам тўлун ой эртаки додлик қаро қошинг, бегим.

Гар қаро зулфунг учун юз мендек ўлса, бок эмас,  
Сен тирик бўл тоабад, бўлсун узун ёшинг, бегим!

Кирпиким жоруб<sup>1</sup> этай, юзумни хокандоз ҳам,  
Гар қабул этса мени қуллукқа фаррошинг, бегим,

Кўргали усрук кўзунгни савмаъ<sup>2</sup> зоҳидлари,  
Бўлдилар борча, Атойи, маству авбошинг, бегим.

<sup>1</sup> Жоруб – супурги.

<sup>2</sup> Савмаъа – насронийлар ибодатхонаси, черков.

\* \* \*

Эй гаму дардинг санинг пайваста айшу ишратим,  
Мехру васлинг бирла йүғрулди азалда тийнатим<sup>1</sup>.

Ҳар намозимда менинг кофирға исломим агар,  
Зулфу холинг қуллуғиндин ўзга бўлса ниятим.

Эшикингда ит мени кўрди – рақибдек қовлади,  
Давлатингда, кўр, не ерга етти иззат-хурматим.

Гоҳ-гоҳи эл кўруб ҳуснунгни ҳайрон бўлсалар,  
Мен сени кўрган сайин ортар бурунги ҳайратим.

Фурқатингда ўртар эрди бу заиф кўнглумни оҳ,  
Оҳ, эмди қолмади оҳ урғали ҳам қувватим.

«Қил бихил<sup>2</sup> ўлсанг, Атойи, ҳасратим бирла»  
дема,  
Гар санинг ишқинг била ўлсам, зиҳи хуш  
давлатим.

---

<sup>1</sup> Т и й н а т – хулқ, феъл, яратилиш.

<sup>2</sup> Б и х и л – кечириш, афв этиш.

\* \* \*

Хажрингда бегим «Ох!» дегумдур, дағи ўлгум,  
«Ед айлагил, эй шоҳ!» дегумдур, дағи ўлгум.

Охир дам агар арза қил иймон десалар, мен:  
«Иймоним ўшал моҳ!» дегумдур, дағи ўлгум.

Сұрса малак ул-мавт:<sup>1</sup> «Санга хур керак?» деб,  
«Йўқ-йўқ, манга дилхоҳ!» дегумдур, дағи ўлгум.

Эй хирмани гул, дунёда сен боқи бўл, ўлсам,  
«Бўлсун садақанг гоҳ!» дегумдур, даги ўлгум.

Жаннатдаким, эл анда бўлур зиндаи<sup>2</sup> жовид,  
Сенсиз ани «Ғамгоҳ»<sup>3</sup> дегумдур, даги ўлгум.

Хўблар нечаким, тутмасалар вақти васият,  
«Мендин бўлунг огоҳ!» дегумдур, дағи ўлгум.

Ишқингда Атойи ўладур, бўлгуси то ҳашр,  
«Руҳи санга ҳамроҳ!» дегумдур, даги ўлгум.

<sup>1</sup> М а л а к у л - м а в т – жон олувчи фаришта, Азроил.

<sup>2</sup> З и н д а – тирик, ҳаёт.

<sup>3</sup> Ғ а м г о ҳ – ғам манзили.

\* \* \*

Қиё боқсанг, аё хўбларга маҳдум<sup>1</sup>,  
Кўяр Ҳинд эли хонин хисрави Рум.

Нечаким хуни ноҳақ қилди оғзинг,  
Кичикликтин дедилар барча маъсум.

Қани дод, эй малоҳат мулки шоҳи –  
Ки, ҳажринг зулми қилди бизни мазлум.

Даме, эй илми дилбарликта доно,  
Бу кўнглум ҳолидин қил зарра маълум.

Не деб, эй раҳми йўқ қаттиқ кўнгуллук,  
Мазорим бошиға маржуму<sup>2</sup> мархум?

Каломе сўзламас оғзинг қошинда,  
Магарким лафзию ҳам баҳси маъдум.

Қулоқ солсанг Атойи сўзларига,  
Нисор этгай сенга юз дурри манзум<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> М а х д у м – хўжайин, хожа.

<sup>2</sup> М а р ж у м и м а р х у м – раҳм этилган, раҳматли.

<sup>3</sup> М а н з у м – риштага тизилган, вазну кофияга солинган.

\* \* \*

Қилдим ҳавас лабинг уза шириң наботтин,  
!Овдум иликни кавсару оби ҳаёттин.

Оғзингда мұғыз оятынни Исо күрүб зиёд,  
Биздин қочиб, ёшунди күк ичра уёттин<sup>1</sup>.

Сен ҳусн ила ғанисену мен мустаҳиқ фақир,  
Йилларда бир назар манга охир закоттин.

Хажринг чүлида сувсаб үлармен, vale не суд —  
Хар неча күз ёшим оқар ортуқ Фироттин<sup>2</sup>.

Маҳбуб власасинда үқурмен муҳиб сүзи,  
Қатъи тааллук<sup>3</sup> этмагунча коиноттин.

Зинхор ишқ ишини үсал тутма, эй күнгүл,  
Осони мушкил эрур аниң мушкилоттин.

Чун сифлалар<sup>4</sup> насиби бүлубтур Ҳироту  
түн учун,  
Кел, хирқа<sup>5</sup> кий, Атойи, равон бүл Ҳироттин.

<sup>1</sup> Бу ерда тириклай күкка күтарилиб, түртінчи осмонда мақом туттан Исо алайхиссалом күзде тутилмокда.

<sup>2</sup> Фирот (Фурот) – Ғарбий Осиёдаги катта дарё.

<sup>3</sup> Қатъи тааллук – боғлиқликларни тарқ этиш.

<sup>4</sup> Сифла – пасткаш, тубан, ярамас.

<sup>5</sup> Хирқа – шайху муридлар киядиган маҳсус кийим.

\* \* \*

Эйки, хұблар күзгусинда үзни изҳор айлаган  
Хам үзи ул күзгуга бокиб, мени зор айлаган.

Наргиси айёрларда куфру иймон күргузуб,  
Кудрати бир гунчадин ҳам хору гулзор айлаган.

Турраси<sup>1</sup> таррорлар<sup>2</sup> мушкин абири лутфидин  
Инфиоли ноғай Чин бирла тотор айлаган.

Сарвқадлар зулғу холин донаву дом айлабон  
Ошиқи бечоранинг күнглини гирифттор айлаган.

Хусн боғинда бўйи шамшодларнинг шавқида<sup>3</sup>,  
Аҳли диллар хотирин ғамгину ғамхор айлаган.

Ғамзаси ғаммозларнинг<sup>4</sup> кирпикин наштар  
қилиб,  
Хастай мажруҳлар бағрини афгор айлаган.

Ой юзлук, Зухра күзлук, зулфи ялдо қўнглининг  
Мехрини кам, жаврини бисёр-бисёр айлаган.

---

<sup>1</sup> Т у р р а – зулф, кокил, соч ўримлари.

<sup>2</sup> Т а р р о р – бу ерда: маккор, хийлагар.

<sup>3</sup> Ш а в қ – Ҳақ ва солик ўртасидаги яқинликнинг кучайиши, иштиёқ ва истак ғалаботидан қалбнинг сурурга тўлиши.

<sup>4</sup> Ғ а м м о з – чақимчи, фош этувчи.

Би ruborekim<sup>5</sup>, санамлар оғзини сүз сүзлатиб,  
Сунъидин ҳар бир нафасда йўқтин бор айлаган.

Лайлат ул-меърож<sup>6</sup> қошинда ики ё келтуруб,  
Қоба қавсайн<sup>7</sup> иттиҳодидин<sup>8</sup> хабардор айлаган.

Дину иймонимдин айирма dame охир мени,  
'Эй санамлар зулфини белимга зуннор айлаган.

Қил Атойининг юзин оли або ҳуснидин ол,  
'Эй Муҳаммадни ики оламда муҳтор айлаган.

---

<sup>5</sup> Би rubor – Худо.

<sup>6</sup> Лайлат ул-меърож – Меърож кечаси.

<sup>7</sup> Қоба қавсайн – икки ёй оралифи. Бу Меърож воқесаси билан боғлик булиб, қурб манзилида Оллоҳ ва Муҳаммад алайҳиссалом орасидаги масофа икки ёй оралиғича бўлган.

<sup>8</sup> Иттиҳод – бирлик, бирлашиш.

\* \* \*

Эй күнгүл, тутгил ўшал соҳибназарлар миллатин,  
Кўзга илмаслар фароғаттин Сулаймон мулкатин.

Бода ич, тут гўшае, хўблар кўзидек фориғ ўл,  
Тотма оту тўн учун бу тўққиз айвон миннатин.

Фақр ичинда подшолар бор сипоҳу тахт ила –  
Ким, урурлар қудсилар<sup>1</sup> кўкда уларнинг  
навбатин<sup>2</sup>.

Порсо майхораларни<sup>3</sup> хор кўрма асруким,  
Тенгридин ўзга киши билмас аларнинг ниятин.

Қозийи ишқ олдида ул муҳтасибқа<sup>4</sup> не ҳалол,  
Сақлар ўз номусинию, сақламас май хурматин.

Эй саховат даъви қилгон жумла ному нанг<sup>5</sup> учун,  
Кел, даме майхонада кўргил гадолар ҳимматин.

Гар фалак фарёдинга етмас, Атойи, кел, тила,  
Ҳақ таолодин Муҳаммад Жўки султон давлатин.

---

<sup>1</sup> Кудси (й)лар – 1) малаклар, фаришталар; 2) покиза инсонлар.

<sup>2</sup> Навбат – ноғора.

<sup>3</sup> Майхора – майхўр, май ичувчи.

<sup>4</sup> Мухтасиб – шариат талабларининг бажарилишини назорат қилувчи амалдор.

<sup>5</sup> Номунанг – обрў-эътибор, шараф, номус.

\* \* \*

Соқиё, келтур майи гулгунки, хуш дамдур бу кун,  
Олами фархундайи Наврӯзи оламдур бу кун.

Накҳати<sup>1</sup> боди сабодин топти ўлганлар ҳаёт,  
Ҳаббазо<sup>2</sup> боди сабо, Исойи Марямдур<sup>3</sup> бу кун.

Қомати гулбун<sup>4</sup> чаманлар саҳнида таъзим учун  
Соқийи гулрух<sup>5</sup> бикин сарв онлида хамдур  
бу кун.

Ер юзинда гулшану боғу баҳору боғча  
Гунбази ҳазро<sup>6</sup> менгизлик сабзу хуррамдур  
бу кун.

Ҳар кишигаким мұяссардур париваш ёр ила,  
Журъаे нұш айламас, ҳошоки одамдур бу кун.

<sup>1</sup> Накҳат – хушбүй ҳид.

<sup>2</sup> Ҳаббазо – нидо калимаси: таҳсин, оғарин, қандай  
иҳни, марҳабо.

<sup>3</sup> Марям – Биби Марям: Исо алайҳиссаломнинг онаси.

<sup>4</sup> Гулбун – гул, гул бутаси.

<sup>5</sup> Гулрух – гул юзли, гүзал.

<sup>6</sup> Ҳазро – күк, яшил.

Кимгаким бўлса сафоли бирла майдин журъае,  
Ушбу тўккуз шишадин кўнглига не ғамдур  
бу кун.

Салсабилу кавсару мои майн келтурсалар,  
Жойи май мажлисда барчадин муқаддамдур  
бу кун.

Кел, даме майхонанинг Байт ул-ҳаромин  
қилинган тавоғ –  
Ким, санамлар лаълидин май оби Замзамдур<sup>8</sup>  
бу кун.

Эй Атойи, бўлма ғофил бир нафас ҳамдам тила,  
Умрни ҳамдам кечурмаклик басе камдур бу кун.

---

<sup>8</sup> З а м з а м – Каъба ёнидаги муқаддас булоқ.

\* \* \*

Оғзингизким, қилди эхё<sup>1</sup> оби хайвон суратин,  
Бир табассумда адамдин күргузур жон суратин.

Сиз малаксизким, ўқурлар сизга то зоҳид башар,  
Йўқ эса бу важҳ ила ким кўрди инсон суратин.

Қошингизға ўхшатайин деб юрур бир ой тамом,  
Айлар охир бир ҳилоле моҳи тобон суратин.

Ҳажрингизда кўз ёшимни кўрмагунча сезмади  
Бир мусаввир Дажлаву<sup>2</sup> Жайхунда<sup>3</sup> уммон  
суратин.

Ушбу юзни Юсуфи Канъон дегайлар Миср эли  
Кўрсалар чоҳи занахдонинда зиндан суратин.

Эй мусаввир, сизсанг<sup>4</sup> ул Лайли сифатлиқ  
шаклини  
Сизғасен онлинда мен Мажнуни ҳайрон суратин.

Йўқтуур икки кўзи кўрса Атойини рақиб,  
Худ кўра олмас, бале, кофир мусулмон суратин.

---

<sup>1</sup> Э х ё – тирилтириш, жонлантириш.

<sup>2</sup> Да ж л а – Ироқдаги катта дарё.

<sup>3</sup> Ж а й х у н – Амударё.

<sup>4</sup> С и з м о қ – чизмоқ.

\* \* \*

Эй, офтоб зарра юзунг түлүн ойидин,  
Бошимга соя қил қаро зулфунг хумойидин<sup>1</sup>.

Хайраттаменки, бокмай ўтарсен манинг сори,  
Султон аяр бўлурму закот ўз гадойидин.

Ер-кўкни Ҳак ёротқали бу дори-дунёга<sup>2</sup>,  
Хуре сенингча келмади жаннат саройидин.

Гул мунфаил десам юзунг олинда, важҳи бор,  
Ранги хижолати билинур руху чиройидин.

Рустам<sup>3</sup> агар тирилса, бу кун торта олмағай  
Жавреки, мен чекармен анинг коши ёйидин.

Каҳҳол<sup>4</sup>, тортма сурма била тўтиёниким<sup>5</sup>,  
Басдур кўзумга зарра анинг хоки пойидин.

Ул юзи ойдин чу айирдинг жафо била,  
Билмон, фалак, яна не тиласен Атойидин?

<sup>1</sup> Х у м о – кимнинг бошига сояси тушса, ўши киши баҳтли бўлади, деб эътиқод қилинадиган афсонавий давлат куши.

<sup>2</sup> Д о р и д у н ё – дунё, дунё уйи.

<sup>3</sup> Р у с т а м – маглубият нималигини билмаган афсонавий қаҳрамон. Фирдавсий «Шоҳнома»сининг қаҳрамонларидан бири.

<sup>4</sup> К а ҳ ҳ о л – 1) сурмакаш, сурма тортувчи; 2) кўз табиби.

<sup>5</sup> Т ў т и ё – кўзни равшан килиш учун ишлатиладиган мураккаб дори, сурма тоши.

\* \* \*

Саҳар оҳиста гамдин оҳ дермен,  
Киши англамасун ногоҳ дермен.

Ўзумни бир гадойи кўй ўқурмен,  
Сени ҳусн ўрдасинда<sup>1</sup> шоҳ дермен.

Сен ул гул хирманисенким, кошингда  
Гулистони Эрамни коҳ дермен.

Бу йўлсизни кечур, ҳаддимни билмай,  
Йўлунгда банда хоки роҳ дермен.

Мен ўлганни лабинг тиргузди лобуд<sup>2</sup>,  
Ани Исойи руҳуллоҳ<sup>3</sup> дермен.

Қулуигдур анили доғлик моҳи гардун,  
Сени бу важҳ ила мен моҳ дермен.

Атойи кул гадойимдур демишсен,  
Бегим, лутфунгға шайълиллоҳ<sup>4</sup> дермен.

<sup>1</sup> Ў р д а – сарой, пойтахт.

<sup>2</sup> Л о б у д – ночор, ноилож, зарурат юзасидан.

<sup>3</sup> Р у х у л л о ҳ – Оллоҳнинг руҳи: Исо пайғамбарнинг ликаби.

<sup>4</sup> Ш а й ъ л и л л о ҳ – тўгриси: шайъланлиллоҳ – Оллоҳ ўйлида бир нарса сўраш.



\* \* \*

Борча мискину фақиры бекасу бехеш<sup>1</sup> учун,  
Боқи тутсун Тенгри сизни хоса<sup>2</sup> мен дарвеш  
учун.

Үзни ўлтурмак мусулмонликдин эрмастур, vale  
Мен ўзумни ўлтурай сен турки кофиркеш<sup>3</sup> учун.

Бовужуди бу жамол истар вафосиндин күнгүл,  
Вах, не тадбир айлайин мен бу мажол андеш  
учун.

Ёдгори ёр эрүр бағримдаги решим<sup>4</sup> манинг,  
Марҳам, эй жаррох, күйма бу ўнголмас реш учун.

Васл нүши<sup>5</sup> дунёда бўлмас Атойи нешсиз<sup>6</sup>,  
Жони мажрухунгни сақла ошиқ эрсанг неш учун.



\* \* \*

Шаммае<sup>1</sup> шарҳ айласам тобуғда ҳижрон  
қиссасин,  
Сен дегайсанким, ўқуйдур пири Канъон<sup>2</sup>  
қиссасин.

Фурқатингда кўз ёшимни қиссаҳонлар кўргали,  
Ўқумаслар мажлиси маҳфилда<sup>3</sup> тўфон қиссасин.

Тўкти қонимни лабинг, мен сўрмадим  
андин даме,  
Чун сўрулмас қозийи ишқ онлида қон қиссасин.  
Сен бути Чин<sup>4</sup> ишқида ҳолимни айб этган киши  
«Мантиқ ут-тайр» ичра кўрсун Шайхи Санъон  
қиссасин<sup>5</sup>.

Сунбули зулфундин ўтсанг, эй сабо, Тенгри учун  
Арза қилғайсен Атойининг паришон қиссасин.

<sup>1</sup> Ш а м м а – озгина, қисқача.

<sup>2</sup> П и р и – К а нъ о н – Яъқуб алайхиссалом.

<sup>3</sup> М а ҳ ф и л – мажлис, анжуман.

<sup>4</sup> Б у т и – Ч и н – Хитой гўзали.

<sup>5</sup> Бу ерда машхур форс-тожик шоири Фариидиддин Атторпинг «Мантиқ ут-тайр» («Қуш тили») достонидаги Шайх Санъон қиссасига ишора килинмоқда. У Каъбада 50 йил шайхлик киlgан, 400 та муриди бўлган. Тақвою тоатига ҳатто фаришталар ҳавас этган. Лекин тарсо (насроний) қизни севиб колгач, исломдан чиқиб, насроний динига киради, май ичади, Куръонни куйдиради, белига зуннор боғлайди.

<sup>1</sup> Б е х е ш – қариндош-уруг.

<sup>2</sup> Х о с а – маҳсус, хос.

<sup>3</sup> К о ф и р к е ш – кофир; мажозан: күнгли қаттиқ, ситамгар мазшукка.

<sup>4</sup> Р е ш – яра, жароҳат.

<sup>5</sup> Н ў ш и – бу ерда: асал.

<sup>6</sup> Н е ш – ниш, тикан.



\* \* \*

Қайгудин бүлдүм адам, ҳеч топмадим ком  
огзидин,  
Вах, не давлаттур буким, жон касб этар жом  
огзидин.

Күзлари юз ҳарф урар<sup>1</sup> ошиқ била ҳар ғамзада,  
Билмасун деб сиррин эл чиқмас vale лом<sup>2</sup>  
огзидин.

Йўқтуур гулғунчанинг ҳадди табассум қилғоли,  
Гар сабо келтурмаса ҳар субҳ пайғом<sup>3</sup> оғзидин.

Чун кичикларнинг гуноҳин Тенгри сўрмас,  
банда ҳам,  
Сўрмайин дермен дуо гар келса дашном оғзидин.

Тошибағирилик хўблар меҳрин, Атойи, тут ниҳон,  
Хос кўнглунгда лабу санг<sup>4</sup> айлайин ом оғзидин.

---

<sup>1</sup> Ҳарф урмоқ – гапирмоқ, ғийбат қилмоқ.

<sup>2</sup> Лом – араб алифбосидаги «л» ҳарфи. Бу ерда: лоғу ёлғон маъносида.

<sup>3</sup> Пайғом – хабар, дарак.

<sup>4</sup> Санг – тош.

\* \* \*

Қон боғлади лаълинг ҳавасиндин жигар, эй жон,  
Охир кўз учиндин манга бир дам назар, эй жон.

Сен бир тўлун ойсен, не ажабтур, санга етмас,  
Гардундин ўтар нолаву оҳим сахар, эй жон.

Оғзингда сўруб билмадик, илло, қил учинча,  
Белингда тилаб топмадук, илло, камар, эй жон.

Ўлган кишини тиргузадур бир нафас ичра,  
Исо деган эл лаъли лабингдур магар, эй жон.

Гесу бикин эграшти сени кечаву кундуз,  
Оҳим тутуниндин нафасе қил ҳазар, эй жон.

Ширин дудоғинг хидматина белни боғлаб,  
Йиллар югуриб, топмади сизни шакар, эй жон.

Жонин манга топшурди, дағи борди Атойи,  
Қил турбатидин боре ўтарда гузар, эй жон.

\* \* \*

Эй боди сабо, ўтсанг ўшул зулфи дутодин<sup>1</sup>,  
Ёд айла мени бастайи занжири балодин.

Рухсораву зулфунгға мени қилди муқайяд<sup>2</sup>,  
Мактабда чу фарқ этти күнгүл оқни қародин.

Харгиз қадамингдин қадаре кетмагай эрдим,  
Бошимға йироқлик, нетайин, тушти қазодин<sup>3</sup>.

Мен қолдиму ишқинг доғи бир гүшайи күнглум,  
Юз шукрки, жон дарди сари кетти ародин.

Хуршид бикин дунёни ҳуснунг тутар эрди,  
Күнглунғда агар бўлса эди зарра вафодин.

Хар нечаки, маҳбуб жафо қилса, муҳибининг  
Йўктур иши жуз қуллуқу таслиму ризодин.

Доруни Атойига табиб айлама зойеъ,  
Хўблар ғамида ўтти анинг дарди даводин.

---

<sup>1</sup> Д у т о – хам, эгик, икки букилган.

<sup>2</sup> М у қ а й я д – асир, гирифттор, оёги боғлиқ.

<sup>3</sup> Қ а з о – тақдир, қисмат. Оллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажақда қандай бўлишини азалдан билиши.

\* \* \*

Сенсиз, эй лаби чашмайи ҳайвон, нетайин мен,  
Үртанди фироқинг ўтида жон, нетайин мен.

Қайга борайин, кимга дейин дарди дилимни,  
Бўлди жигарим ҳасрат ила қон, нетайин мен.

Поёни бўлур дуняда барча ниманингки,  
Йўқтур бу санинг дардинга дармон, нетайин мен.

Мажнуни гирифтор бикин Лайли ғамида,  
Неча кезайин бесару сомон<sup>1</sup> нетайин мен.

Зулфунгки, узун тунлар анинг фикридадурман,  
Бир шом манга бўлмади меҳмон, нетайин мен.

Кўп жавру жафолар манга қилдинг,  
вале кўнглунг  
Бўлмас биридин зарра пушаймон, нетайин мен.

Дерсенки, фироқимда манинг сабр эт, Атойи,  
Сабр этгали чун қолмади имкон, нетайин мен.

<sup>1</sup> Бесару сомон – баҳтсиз.

\* \* \*

Хикоят қиссайи Юсуф юзунг хусну жамолиндин,  
Масиху Хизр эъжози<sup>1</sup> аён лаълинг зулолиндин.

Не ширин ўғридур оғзинг, олиб кўнглумни  
тўйғунча,  
Ёшунди ҳар неча сўрсам,  
топилмас инфиолиндин.

Жамолинг офтобедур, фалак куйдурмас уш токим,  
Илоҳим сақласун даври қамар айн  
ул-камолиндин<sup>2</sup>.

Кўнгул чавгони зулфунгга муқайяд бўлғали  
чун гўй,  
Берурлар беш<sup>3</sup> эмастур бир бўюнг сарви  
ниҳолиндин.

Янгоқинг нори ёнинда не турфа сабзадурким<sup>4</sup>,  
жон

Неча ёлина<sup>5</sup> ўртайдур ани юз ўту ёлиндин.  
Атойи шеъри чун бўлди лабинг васфинда,  
бас, нозик,  
Ёйилди сўз бисотида анинг зехни камолиндин.

<sup>1</sup> Эъжоз – мўъжиза.

<sup>2</sup> Айн ул-камол – ёмон қараш, кўз тегиши.

<sup>3</sup> Беш – кўп, ортиқ, зиёда.

<sup>4</sup> Сабза – кўкат, майса, яшиллик.

<sup>5</sup> Ёлин – ёлқин, аланга, оташ.

\* \* \*

Уза билмон күнгүлни хўблардин,  
Тану жондин азиз маҳбублардин.

Кўнгул то бўлди васлингға гирифтор,  
Узулди жумлайи матлублардин.

Лабинг шавқинда ҳар хатким битирмен,  
Ўкурда қон томар мактублардин.

Кўнгуллар лашкарин султони ишқинг  
Қилур бир ҳамлада мағлублардин.

Халойиқ кўптуур Канъонда, лекин  
Сўрунг Юсуф сўзин Яъқублардин.

Мударрис, ориф ўл, кил журм ҳосил  
Неча дафъи важху мансублардин.

Чу билдинг оғзидин ваҳдат румузин,  
Атойи қатъ қил<sup>1</sup> маҳжублардин<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қатъ қилмоқ – бу ерда: умид узмоқ.

<sup>2</sup> Маҳжуб – пардали, пинҳон.

\* \* \*

Күзум то күрди зулфининг камандин,  
Кўнгул бўйнумга солди ишқ бандин.

Сўрап рухсорангизни кўрса савсан:<sup>1</sup>  
«Не зебо лоладур?» – деб настарандин.

Не билсун тўби севган пастҳиммат  
Санинг бу қоматинг сарви баландин.

Жамолинг инфиолиндин қизил гул  
Қаро бошин олиб кетти чамандин.

Агар жон суратин кўрмак тиларсен,  
Кўрунг ул танни нозук пираҳандин.

Мени Тенгрим яратса бир катоне<sup>2</sup> –  
Ки, файз олсам ўшул ширин бадандин.

Атойи ҳуснунг ойин васф қилди  
Малоҳат бирлаким, дегайлар андин.

---

<sup>1</sup> Савсан – гулсапсар.

<sup>2</sup> Катон – канопдан тўқилган мато, кийимлик.

\* \* \*

Бовужуди оразинг барги сумандин ким десун?  
Лоладин ким сўзласун, хам настарандин  
ким десун?

Дунёни тутти санинг ҳуснинг била дардим сўзи,  
Юсуфу Яъқуб ила байт ул-ҳазандин ким десун?

Лаълингиз бирла дам урмас зарра саррофи<sup>1</sup> акл,  
Оре, яхши бор экан, асли ямондин ким десун?

Го висолингдин йироқмен, ёвумас<sup>2</sup>  
хеч ким манга,  
Жое ўлдур, айб эмас, жонсиз бадандин  
ким десун?

Зулфу холингдин муаттар бўлди олам, баъдазин  
Нофайи оҳую тотору Хўтандин ким десун?

Макру фан айлаб мени, сайд этти дерлар эл сени,  
Мен азалдин мубталомен, макру фандин  
ким десун?

Эшикингдаким, шаҳаншахларға анда бор<sup>3</sup> йўқ,  
Бу Атойидек гадойи беватандин ким десун?

<sup>1</sup> С а р р о ф – 1) пул алмаштирувчи, пул майдаловчи;  
2) сўз устаси, сухандон.

<sup>2</sup> Ё в у м о қ – яқинлашмоқ.

<sup>3</sup> Б о р – бу ерда: ҳосил, насиба.

\* \* \*

Бўлғали оғзинг Масиҳи ғайб мулкиндин аён,  
Хизринг оби ҳаёти тортадур зулматда жон.

Гар исиргонсанг<sup>1</sup>, юз узра зулфи пуртобингни<sup>2</sup> ёз,  
Барги гул устинда хуштур чатри<sup>3</sup> сунбул соябон.

Йилда бир қатла кўринур, зарра чиқмас боғдин,  
Ўғрилик қилғон учун ранги лабингдин аргувон.

Кўр хаёли нозикинким, ўзига ёғлиқ атаб,  
Гоҳ оғзингни ўпар, гоҳи иликингни катон.

Эй кўнгул, ул сиймтан васлин қилур бўлсанг  
ҳавас,  
Кил юзунг олтунини ғам бўтасинда<sup>4</sup> имтиҳон.

Қоматинг сарвин агар шамшоди мискин кўрмаса,  
Тутмагай эрди ўёттин бешаи<sup>5</sup> Мозандарон.

Лаълидин бағринг қонин ҳар дам Атойи  
сўрмаким,  
Чун аrimас ҳар нечаким, ювсалар қон бирлा� қон.

<sup>1</sup> И с и р г о н м о қ – кайф қилмоқ, масти бўлмоқ.

<sup>2</sup> П у р т о б – чирмашган, ўралган; мажозан: хийлагар, маккор.

<sup>3</sup> Ҷ а т р – чодир, соябон, парда.

<sup>4</sup> Б ў т а – бу ерда: заргарларнинг маъдан эритадиган идиши.

<sup>5</sup> Б е ш а – тўқай, ўрмон, чангальзор.

\* \* \*

Нечаки, тарк эта билмон санга вафо ҳавосин<sup>1</sup>,  
Менинг ҳаққимда қилурсен ҳамин жафо  
ҳавосин.

Кўнгул сочингни дуода тилар узун кунлар  
Магарки, раҳмати савдо қилур бало ҳавосин.

Юзунгни кўрдиму қилдим қошинга шукру дуо,  
Кишики, Каъбани кўрса, қилур дуо ҳавосин.

Ўшалки, ҳусн элини севди, оқибат мендек  
Гар ўлса, дард ила қилмас даме даво ҳавосин.

Рақиб кўйида йўл бер манга барҳамантек<sup>2</sup>,  
Яна қилур дилу кўнглум калисо<sup>3</sup> ҳавосин.

Ҳасад ер ул кишиким, бу сипехри атласпўш  
Қўёр ҳариру қилур шолу бўрё<sup>4</sup> ҳавосин.

Атойи сен киби султон висолин орзу қилур,  
Тафарруж<sup>5</sup> айла агар марди бу гадо ҳавосин.

<sup>1</sup> Ҳ а в о – 1) орзу, ҳавас, иштиёқ, муҳаббат; 2) куй, оҳанг, ҳагма; 3) парвоз қилиш; 4) майл, турур; 5) осмон, баландлик.

<sup>2</sup> Б а р ҳ а м а н (Б а р а ҳ м а н) – 1) ҳинд ҳакими ва дошишманди; 2) бутпарастлар пири ва муршиди.

<sup>3</sup> К а л и с о – насронийлар ибодатхонаси, черков.

<sup>4</sup> Б ў р ё – бўйра.

<sup>5</sup> Т а ф а р р у ж – 1) сайду саёҳат, тамошо; 2) дилхушлик, бирор нарсадан лаззат олиш.

\* \* \*

Эй сарвиноз, қайси чаман гулъузорисен?  
Бу шева бирла жону күнгүл ихтиёрисен.

Бу комату бу юз била фирдавс боғининг  
Тўби нихоли бирла гулу лолазорисен.

Умредурурки, сайд бўлибмен камандинга,  
Бир сўрмадинг не бўлдики, кимнинг ширкорисен?

Даъво қилур муҳаббати ишқингни оламе,  
То қайси бахту толеъи фархунда ёрисен.

Нозук иликларингга нигор эҳтиёж эмас,  
Боштин-аёқ чу<sup>1</sup> хусну латофат нигорисен.

Усрук кўзинг карашмада ҳар лаҳза қон тўкар,  
Эй турки шергир<sup>2</sup>, не майдон суворисен.

Дурдек, Атойи, ҳалқабагўши<sup>3</sup> бўлай десанг,  
Кил кўз ёшингни ҳар дам ул ойнинг нисори<sup>4</sup> сен.

<sup>1</sup> Ч у – 1) чунки, шу сабабдан; 2) агар; 3) вақтики, модомики; 4) ўхшаш, монанд.

<sup>2</sup> Ш е р г и р – шер овловчи; мажозан: жасоратли, баходир.

<sup>3</sup> Ҳ а л қ а б а г ў ш – кул, асир.

<sup>4</sup> Н и с о р – 1) сочиш; 2) фидо килиш, бағишилаш.

\* \* \*

Нечаким, дилбар мени куйдурди хижрон  
норидин,  
Хошалиллоҳким, шикоят қилсам онинг соридин.

Ишқ Мисринда азиз ўлмас Зулайхотек киши,  
Кечмайин Юсуф учун номусу нангуда оридин.

Кўзларинг гар тўқса қоним, жон анга бўлсун  
фидо –  
Ким, жафо айни вафодур ёрга севган ёридин.

Мен нетай боғи биҳишту қасри хулду<sup>1</sup> ҳурни,  
Чун манга бир дам висолинг яхшироктур  
боридин.

Ошиқ эрмас ул муҳаввиским<sup>2</sup>,  
тилар зар бирла васл,  
Ошиқ улдурким, висолинг нақдин истар  
зоридин.

То сабо зулфунг насимин Чин элинда ёйғали,  
Мушк савдоси кесилди шахри Чин атторидин.

Гар Атойидин муҳаббатнинг нишонин истасанг,  
Кирпигинг ўқин чикорғай сийнайи афоридин.

---

<sup>1</sup> Х у л д – жаннат.

<sup>2</sup> М у ҳ а в в и с – ҳавасга берилган, беқарор.

\* \* \*

Жонга тегадур жафойи ҳижрон,  
Кимдин тилайин давойи ҳижрон.

Йўқтур киши кўз ёшимдин ўзга,  
Қилсам анга можаройи ҳижрон.

Ҳижрон демангиз санам фироқин,  
Ул ўлмак эрур, чи<sup>1</sup> жойи ҳижрон?

Дўзах сифатинки, қилди воиз,  
Валлоҳ, эмас ул варойи ҳижрон.

Шод эрди кўнгул висоли бирла,  
Бўлди ғам илан гадойи ҳижрон.

Ҳар кимники, соф васл усуртур<sup>2</sup>,  
Махмур этар они лойи ҳижрон.

Ушшоқ ғамин Атойидин сўр,  
Дерлар ани бенавойи ҳижрон.

---

<sup>1</sup> Ч и – нима.

<sup>2</sup> У с у р т у р – маст қилур.

\* \* \*

Юзунг хуршидтек тобанда<sup>1</sup> бўлсун,  
Жамолинг то абад поянда<sup>2</sup> бўлсун.

Такаллум<sup>3</sup> қил, сочилсун дурри гавҳар,  
Табассум қил, жаҳон пурханда<sup>4</sup> бўлсун.

Юзунгдин бурқаъ олғил бир замоне,  
Үёлсун ою кун – шарманда бўлсун.

Мени ўлтургали ғамзанг қиличи  
Кўзунгдек кофири бурранда<sup>5</sup> бўлсун.

Пари рухсораларнинг хисрависен,  
Сенингтек жони ширин қанда бўлсун?

Агар ўлсам, тилармен Тенгриденким,  
Ғаминг жонимға, дардинг танда бўлсун.

Фалоне қулларимдиндур демушсен,  
Атойи ушбу сўзга банда бўлсун.

<sup>1</sup> Т об а н д а – порлоқ, нурафшин.

<sup>2</sup> П о я н д а – пойдор, устувор.

<sup>3</sup> Т а к а л л у м – сўз, нутқ.

<sup>4</sup> П у р х а н д а – хандон, кулиб турувчи.

<sup>5</sup> Б у р р а н д а – тез, ўткир, кескир.

\* \* \*

Эй азалдин ҳамнафас дардинг била жони ҳазин,  
Хожат эрмастур санга арз айламак кўнглум  
ғамин.

Куфри иймон оятининг шарҳини соҳибназар  
Кўзларинг оқу каросинда кўрар айн ул-яқин.

Нозу шева бирла хўблар дунёда кўптур, vale  
Йўқ санингтек шеваси пурфитна<sup>1</sup>, нози нозанин.

Хаста кўнглум қошларинг ёсина қурбон бўлғали,  
Кўзларинг ҳар гўшадин жон қасдиға қилди  
камин<sup>2</sup>.

Бекарор эрсам фироқинг дардидин, айб этмаким,  
Мен заифи нотавондин сабр қилмоқлик ҳамин.

Эмдиким, лаълинг хаёли бирла усрукмен мудом,  
Бода гар оби ҳаёт ўлса, керакмас баъдазин.

«Ёр ғамин тарк эт, Атойи!» дерсен, эй носих<sup>3</sup>,  
вале  
Тарк этарму одамий ҳаргиз қадимий ҳамдамин.

---

<sup>1</sup> П у р ф и т н а – серғавғо, жанжалкаш, фитна қўзғовчи.

<sup>2</sup> К а м и н – пистирма, пана жой.

<sup>3</sup> Н о с и х – насиҳатгўй.

\* \* \*

Спехри ҳусн ичинда моҳсен сен,  
Замона ҳўблариға шоҳсен сен.

Табассум килса лаълинг, жон бағишлар,  
Магар Исойи руҳуллоҳсен сен.

Агар хуру пари бўлса, керакмас  
Манга, эй жон, бу кун дилхоҳсен сен.

Бу оқ эвда<sup>1</sup> қаро қўзлар басе бор  
Валекин фитнаи хиргоҳсен сен.

Тириклик ҳосили, эй ёр дарди,  
Гар ўлсам, анда ҳам ҳамроҳсен сен.

Кўнгул дардиға бир дармон қил эмди,  
Чу жоним дардидин огоҳсен сен.

Атойи ул юзи гул ҳасратинда,  
Тикон бағринда ранги коҳсен сен.

---

<sup>1</sup> Оқ эв – оқ уй: оқ ўтов, оқ чодир.

\* \* \*

Ғаминг қўйди қўнгулга ишқ доғин,  
Мушавваш айлади ақлим димоғин.

Басе хаста қўнгуллар масканидур,  
Қаро зулфунгни сокинроқ тароғин.

Юзумга бос қадам сархушлуғунгда  
Тутай илкимга бир давлат аёғин.

Тараҳҳум айлагил, эй қошлари нун<sup>1</sup> –  
Ки, ҳажринг солди жонға Қоф<sup>2</sup> тогин.

Эшикинг итлариндан ёд килсанг,  
Бир ул итлар туфайли бизни соғин.

Бүюнг нахлин юрурда кўрса тўби,  
Солиб қочқой уёттин равза боғин.

Қилибтур ул Масихо жонига қасд,  
Атойи қил равон ўлмак яроғин.

---

<sup>1</sup> Н у н – араб алифбосидаги «н» ҳарфи. Қайрилмалиги жиҳатидан маъшуқанинг қошига, эгиклиги туфайли ошиқнинг қаддига нисбат берилади.

<sup>2</sup> Қ о ф – аждодлар тасаввурига кўра, бутун дунёни ўраб олган тоғ.

\* \* \*

Эй ҳур, ажаб рухи мусаввар етилибсен,  
Жон олғучи бир одами пайкар етилибсен.

Бу оразу зулфу қаду қоматки сенингдур,  
Рашки суману сунбулу аръар<sup>1</sup> етилибсен.

Эмди кишида ақлу хирад қолғуси йўқтур,  
Бу таврки, сен фитначи дилбар етилибсен.

Тўби йиғочи эски йиғочтур туман йиллик,  
Ўхшатман ониким сенга, навбар етилибсен.

Ғам тоғида Фарход бикин жон беройинким,  
Ширин лаб ила маъданни шаккар етилибсен.

Зулфунг черикин юзга солиб икки тарафтин,  
Жон ғоратиға кофири Хайбар етилибсен.

Оlamda ситамкаш йўқ эди мисли Атойи,  
Сен ҳам анга лойик не ситамгар етилибсен.

---

<sup>1</sup> А ръар – тоғ сарви, баланд бўйли ва чиройли дарахт.

\* \* \*

Эй ғани ҳусну жамолинг бирла тахту тождин,  
Не аярсен бир қиё боқмоқни мен мұхтождин?

Гар тилар күнглунгки, гулгашт айласа бүстон аро,  
Күзларим тахти равондур обнусу<sup>1</sup> ождин<sup>2</sup>.

Қоба қавсайн иттиҳодин қошларинг қилди аён,  
Сочларинг худ оядедур лайлат ул-меъреждин.

Зулфунгуз савдосида жонин фидо қилди күнғул,  
Корвони Чинға, оре, чора йўқтур бождин.

Рост бўл, руҳдек<sup>3</sup>, Атойи, ишқ бирла ўйнама –  
Ким, ҳарифедур<sup>4</sup> ўтар байрамда юз лажлождин.

---

<sup>1</sup> О б н у с – қора тусли қаттиқ ва хушбўй дараҳт.

<sup>2</sup> О ж – фил тиши, суюги.

<sup>3</sup> Р у х – шахмат доналаридан бири: фил.

<sup>4</sup> Ҳ а р и ф – 1) дўст, ёр, ҳамсұхбат; 2) рақиб, ғаним.

\* \* \*

Агарчи ҳусн ичинда дилрабосен,  
Жафо бобинда ҳам бас мунтаҳосен.

Маозаллоҳ<sup>1</sup>, вафодин ўзга қилсам,  
Манга ҳар нечаким, қилсанг жафо сен.

Недин кофир кўзунгни соchlарингдек  
Килурсен килча жонимға қаросен?

Назар покиза хуштур покларға,  
Юзунг ойини ҳар кўздин аё сен.

Санинг бўйнунгға, эй кўнгли вуболим<sup>2</sup>,  
Мени зулфина қилдинг мубталосен.

Ҳакикатда муҳиб-маҳбуб бирдур,  
Ародин чиққил, эй боди сабо, сен.

Килурсен қомату лаълин таваққуъ,  
Атойи, рости, ширин гадосен.

---

<sup>1</sup> М а о з а л л о ҳ – Худо паноҳ берсин, Худо сақласин.

<sup>2</sup> В у б о л – увол, гуноҳ.

\* \* \*

Эй бу күнглумнинг хузури, кўзларимга нурсен,  
Давлати хусунга бўлма асру ҳам мағурсен.

Мен жафо чекмак била оламда худ маъруф эдим,  
Ҳайфким, бўлдунг вафосизлик била машхурсен.

Не пари ўхшар санга хусн ичра, не инсу малак,  
Сен магар жаннат риёзиндин<sup>1</sup> етилган ҳурсен?

Юз уза зулфунг черикин солиб, эй хусн лўъбати<sup>2</sup>,  
Рум мулкин олғали келдинг, магар Фағфурсен.

Не суюб сендин тўяр кўнглум,  
не бокиб кўзларим,  
Эй жамол ойинаси, сен не ажаб манзурсен.

Зулми ҳижрон бирла кўнглум шаҳрини қилдинг  
хароб,  
Кел вилоят<sup>3</sup> зоҳир айлаб, қил яна маъмур сен.

Ақли кул саргаштадур<sup>4</sup> савдойи зулфунг илкида,  
Гар Атойи бўлса Мажнун, тут ани маъзур сен.

---

<sup>1</sup> Р и ё з – боғлар.

<sup>2</sup> Лўъбат – 1) қўғирчоқ; 2) санам, бут; 3) гўзал, чиройли маҳбуба.

<sup>3</sup> В и л о я т (В а л о я т) – каромат кўрсатиш, валийлик.

<sup>4</sup> С а р г а ш т а – сарсон, саргардон, овора.

\* \* \*

Бүюнг нахлики, рашк элтур басе сарви равон  
андин,  
Дариг этмас манинг күнглум тану жону равон  
андин.

Чаманда күзларим, баски, юзунг шавқида қон  
йиглар,  
Бүлур ҳар субҳидам рангин гулу ҳам арғувон  
андин.

Эшикта түкма қонимни, йироқ сол,  
итларинг ичсун –  
Ки, ногаҳ бўлмасун олуда<sup>1</sup> пок ул остон андин.

Вафо қилмасмусан ғамгин күнгулга лутф этиб  
гах-гах,  
Не бўлғай ваъдае қилсангки,  
бўлғай шодмон андин.

Жамолинг равзасин воиз битиб,  
васф айласун алҳақ<sup>2</sup>,  
Эрур бир муҳтасар гулшан биҳишти жовидон  
андин.

---

<sup>1</sup> О л у д а – 1) аралашган, қўшилган; 2) булғанган, ифлос,  
нопок.

<sup>2</sup> А л ҳ а қ – ҳақиқатан, ҳақиқатда, тўғриси.

Сабо, юз аҳли дил кўнгли ўшал зулф ичра  
богликтур.  
Нега густохлик<sup>3</sup> бирла ўтарсен ҳар замон андии?

Ўтарда кўз учидин бир Атойи бирла савдо кил,  
Чун, эй ҳусн элининг моҳи, сенга йўқтур зиён  
андии

---

<sup>3</sup> Густоҳ — одобсиз, андишасиз.

\* \* \*

Сени мен англадим, бевафо эмиштуксен,  
Күнгүлга офату жонга бало эмиштуксен.

Бу мунча жонлар олиб, тўймадинг халойиқдин,  
Эй ҳусн боби, не кўзи қаро эмиштуксен?!

Азалда не гунаҳ эттинг кўнгилки, хўблардин  
Бу мунча меҳнату ғамфа сазо эмиштуксен.

Гаҳики, босса оёғин юзумга, ноз ила дер:  
«Аёғим оғриди, не бўрё эмиштуксен!»

Юзига кўп тика боқсам, манга кулуб айтур:  
«Атойи, не кўзи тўймас гадо эмиштуксен?!»

\*\*\*

Неча, эй дилбар, жафо бобин риоят қилғасен,  
Жаврни ҳуснунг бикин бсхадду ғоят қилғасен.

Банданинг не ҳадди бор васлинг таманно  
қилғали,  
Сен магар лутфу карам бирла иноят қилғасен.

Эй сабо, қилсанг ўшал мушкул салосилдин  
гузар,  
Мендин ул девона күнглумга ҳикоят қилғасен.

Воизо, чун кўрдинг ўл ойнинг камоли ҳуснини,  
Айб агар Юсуф жамолиндин ривоят қилғасен.

Бир нафас йўқтурки, бўлсанг ёр дардидин жудо,  
Эй Атойи, неча баҳтингдин шикоят қилғасен.

\* \* \*

Эй сочинг занжирининг саргаштаси ахли жунун<sup>1</sup>,  
Кўзларинг нозу карашма фанларинда зуфунун<sup>2</sup>.

Нечаким кўрдум юзунг, кошинг таманносинда  
фол,  
Сафҳайи аввалда чиқти сурайи «Вашшамс» у  
«Нун».

Ой юзунг нақши мусаввар эрди кўнглум эвида  
Гунбади афлокни<sup>3</sup> бунёд қилмaston бурун.

Банди зулфунгни паришон айла қошинг  
оллида –  
Ким, янги ой кўзға равшанроқ кўрунур кечкурун.

Чунки ўз ҳаддимни билмай,  
севдум ул султонни мен,  
Ҳар бало келса бошимга, ложарам<sup>4</sup> сундум бўюн.

---

<sup>1</sup> Ахли жунун – девоналар, ошиқлар.

<sup>2</sup> Зуфунун – билимдон, донишманд.

<sup>3</sup> Гунбади афлок – фалак гумбази.

<sup>4</sup> Ложарам – албатта, шубҳасиз.

Кимки гулрухларни севса, хорлик тортар, vale,  
Гул юзунг шавқинда йўқтур мен бикин хору  
забун<sup>5</sup>.

Васлинга билгач, Атойининг илик қисқалиғин,  
Марҳамат қилсанг, Худой учун, бегим,  
ёшинг узун.

---

<sup>5</sup> З а б у н – ожиз, бечора.

\* \* \*

То мусаввар бўлди нақшинг хомайи<sup>1</sup> тақдирдин,  
Йиғди хижлатдин илик наққоши Чин тасвиридин.

Бора-бора кўюнгизда бўлди олтундек юзим,  
Бор магар тупроғида хосияти иксирдин<sup>2</sup>.

Кўзларингни туш кўриб сўрсам, муаббир<sup>3</sup>  
дер манга:

«Бу тушунг таъбирини сўр сохири Кашмирдин».

Вах, не Мусҳафдур юзинг, кашфи «Кашшоф»<sup>4</sup>  
айлади,

Хатм қилди кўргач они дарсу ҳам тафсирдин.

Уйқуга ҳамсоялар муҳтоҷдурлар ҳар кеча,  
Баски, тинмасмен фифону нолайи шабгирдин<sup>5</sup>.

Бу манинг кўнглумдаги ишқ оғригидир, эй табиб,  
Кўй даво-тадбирниким, ўтти иш тадбирдин.

Банди зулфунгдин Атойи кўнглини қилма жудо,  
Ақл эмас девонани тутмоқ йироқ занжирдин.

---

<sup>1</sup> Х о м а – қалам.

<sup>2</sup> И к с и р – афсонавий жавҳар – унинг воситасида гўё  
мисни олтинга айлантириш мумкин эмиш; мажозан: жуда фой-  
дали дори.

<sup>3</sup> М у а б б и р – тушни таъбир қилувчи.

<sup>4</sup> «К а ш ш о ф» – Маҳмуд Замахшарийнинг мадрасаларда  
асосий дарсликлар қаторида ўқитилган тафсири.

<sup>5</sup> Н о л а й и ш а б г и р – тундан тонггача чекиладиган  
нола.

\* \* \*

Эй жамолинг равзасиндин мунфаил хулди  
барин<sup>1</sup>,  
Шаккар оғзинг чашмасинда Хизру Исо  
ҳамнишин.

Хирмани умрумни елга бергусидур окибат,  
Кўзларинг қошинда холинг донаси айн ул-якин.

Бир кечада ой бош қўяр олтун бўсогингға<sup>2</sup> санинг;  
Гар инонмаслар далил уш оллида нури жабин<sup>3</sup>.

Эл ўлукни ёд этарлар гаҳ-гаҳи такбир ила,  
Эй тириклик ҳосили, сен мени аввалдай согин.

Бехато куффор элига дину иймондин берур,  
Эҳтиroz этмас киши кофир кўзунг яғмосидин.

Рашк элинда қон ютар жоним суроҳидек мудом,  
Дам-бадам ўпса пиёла нозанинларнинг лабин.

Чун Атойи топти ёрин — жон ародин чиқ равон,  
«Ли мааллоҳ»<sup>4</sup> қурбида ҳожат эмас Рух  
ул-амин<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Х у л д и б а р и н – энғ гўзал жаннат.

<sup>2</sup> Б ў с оғ – бўсаға, остона.

<sup>3</sup> Ж а б и н – бу ерда: 1) юз, чехра; 2) жамол.

<sup>4</sup> Л и м а а л л о ҳ – «Менда шундай лаҳзалар бўладики,  
Оллоҳга қаттиқ боғланганим туфайли яқин фаришта ҳам, мур-  
сал пайғамбар ҳам орага сигмайди» мазмунидаги ҳадисги  
ишора.

<sup>5</sup> Р у х у л – а м и н – Жаброил фаришта.

\* \* \*

Эй жафочи, мен сени севдумки, жонон бўлғасен,  
Билмадим, мундок вафосиз, душмани жон  
бўлғасен.

Мўрни<sup>1</sup> озурда<sup>2</sup> қилма, хосса ошиқ кўнглини,  
Хусн мулкинда тиласанким,  
Сулаймон бўлғасен.

Қолмади сабру қарорим, оқ уй ичра ҳар замон  
Кўзларимнинг мардумидек<sup>3</sup> неча пинҳон  
бўлғасен.

Жумла олам қоматингдин ўгранурлар ростлик,  
Ҳайф эмаским, сен муунунгдек аҳли ёлғон  
бўлғасен.

Ўлтуурсен бизни, яъни нақди ҳуснум севди деб,  
Бу зиёндур, қилмағил, охир пушаймон бўлғасен.

Гар мени ҳажр оғриғи ўлтурса ҳам,  
келмас сўра(б),  
Ногаҳон раҳминг келиб, ҳолимға пазмон<sup>4</sup>  
бўлғасен.

<sup>1</sup> Мўр – чумоли.

<sup>2</sup> О з у р д а – озор чеккан, ранжиган, хафа бўлған.

<sup>3</sup> М а р д у м – бу ерда: кўз қорачиги.

<sup>4</sup> П а з м о н – соғиниш.

\* \* \*

Эй турфа парисен, не ажаб одамидурсен,  
Хар қайдаки бор жону күнгүл, ҳамдамидурсен.

Кирпикларинг<sup>1</sup> ўқи яра қилған юрагимни,  
Бир боқмоқ ила күз учидин марҳамидурсен.

Күнглум эвида ўзгалара бермагамен ер,  
Чун дуняда сен ушбу ҳарам маҳрамидурсен.

Күрклюк кишилар илмидуур худ күнгүл олмок,  
Бу фанда vale, сен барининг аъламидурсен<sup>2</sup>.

Эй ғам, агар ўлтурсанг Атойини ёзуксиз,  
Нетсун, не десун, чун севарининг ғамидурсен.

---

<sup>1</sup> К и р п и к – киприк. Тасаввубда маъшуқанинг нозу карашмаси туфайли ошиқнинг кўксига санчилиб, уни яралай диган ўқ, найза, ханжар кўзда тутилади. Соликнинг валояти, ҳоли ва мартабаси йўлидаги ҳижобга ҳам ишора қилинади.

<sup>2</sup> А ъ л а м – кенг ва чуқур билим эгаси, донишманд.

\* \* \*

Үшалким, журъаे ичти майи васли нигориндин,  
Фалак ичур анга қонлар басе ҳижрон  
хумориндин.

Не дилбардин вафо бир дам, не ёр ҳамнишин,  
ҳамдам,  
Тугунилди бу дил пурғам<sup>1</sup>, жаҳоннинг кору  
бориндин.

Нечаким ихтиёр эттим санга ҳолимни сўзлай деб,  
Вале ақлим сени кўргач, кетар ўз ихтиёриндин.

Бўюнг нахли ҳавосинда чу бўлди ҳимматим  
оли(й),

Маозаллоҳки, ёд этсам чаман сарву чинориндин.

Раводур ҳажр хориндин чу булбул бағри  
шишланса,

Шикоят бирла тил очган киши ул гульузориндин.

Кўнгул зулфунгдин узмам деб қарор этии кўзунг  
бирла,

Қарорсун гар ёнар бўлса ўзи қилган қарориндин.

Юзунг ишқинда жон берди Атойи хори ғам  
бирла,

Ажаб эрмас, агар бутса, гули раҳмат мазориндин.

---

<sup>1</sup> П у р ғ а м – ғамга ботған, ғамгин.

\* \* \*

Эй парипайкар санам, сен насли одамдинмусен?  
Ё малак, ё хур, ё рухи мужассамдинмусен?

Суратинг рух ул-қудснинг<sup>1</sup> маънисин қилди аён,  
Одамий важхинда келган исми аъзамдинмусен?<sup>2</sup>

Оразингнинг Каъбасин кўрган сафолик ҳожилар  
Дедилар чоҳи занахдонингға Замзамдинмусен?

Ҳажринг ўлтургонга лаълинг бир нафасда  
жон берур,  
Сўр аниким, мўъжизи Исойи Марямдинмусен?

Жон димоғи топти сендин ошнолиқ бўйини,  
Чин айтқил, эй насим, ул зулфи  
пурхамдинмусен?<sup>3</sup>

Эй муборак не кабутарким, сени эл нома дер,  
Кел, кўзимга ошиён қил, ёри маҳрамдинмусен?

Мехнату ғам бирла умрунг бўлди охир ёр учун,  
Эй Атойи, сен мухаммар тийнату ғамдинмусен?

---

<sup>1</sup> Р у х у л - қ у д с – пок рух; Жаброил алайҳиссалом.

<sup>2</sup> И с м и аъз а м – Худонинг исмларидан бири – кимки уни билса, ҳар қандай ишни амалга ошира олади.

<sup>3</sup> П у р х а м – ҳалқа-ҳалқа, жингалак.

\* \* \*

Эй нури дийда, сенсиз анга нур бўлмасун,  
Ҳеч кўз жаҳонда берухи<sup>1</sup> Мансур<sup>2</sup> бўлмасун.

Валлоҳ, агар хаёлинг учун бўлмаса ватан,  
Ҳаргиз кўнгул харобида маъмур бўлмасун.

Жаннатда гар тажаллийи ҳуснунгни кўрмаса,  
Кавсар суйи сўғолсуну<sup>3</sup> ҳам хур бўлмасун!

Жон сурати танингким, эрур жон аросинда,  
Пайваста Ҳақ амонида ранжур<sup>4</sup> бўлмасун.

Бу ҳусну бу жамолу латофат била сени  
Ким ноз қилмасун деру маъзур бўлмасун.

Кўз ёши бирла боди сабо қилди сиррини фош,  
Жаҳд айлаким, бу мунчаки машҳур бўлмасун.

Солди кўнгул Атойини хўблар балосина,  
Ҳеч кимса кўнгли амрина маъмур бўлмасун.

---

<sup>1</sup> Р у х – юз, чехра.

<sup>2</sup> М а н с у р – машҳур сўфий Мансур Ҳаллож (858–922).  
«Аналхақ» – «Мен – Ҳақман» дегани учун вахшиёна бир тарзда ўлдирилган.

<sup>3</sup> С ў ғ о л м о қ – нурсизланмок.

<sup>4</sup> Р а н ж у р – касалманд, дардманд.

\* \* \*

Эй менглари мушку энги лола, күзи оху,  
Зулфунг ғамида тутти күнгүлни қаро кайғу.

Эй вой, қачон шоми фироқинг тонги отғай –  
Ким, бўлди манга ушбу ёруқ дунё коронгу.

Кўнглум киму тўлгошмоқ илондек сочинга ох,  
Не суд қилур эмди, чу билмай едим оғу?

Баҳс этса шакарнай<sup>1</sup> лабингиз бирла сўроли,  
Оғзинг била торлиқ толошур писта не ёрғу<sup>2</sup>.

Гар домани васли сори қўл сунсанг Атойи,  
Бағрингни су айла, даги жонингдин илик ю(в).

---

<sup>1</sup> Шакарнай – шакарқамиши.

<sup>2</sup> Ёрғу – бу ерда: муқобиллик.

\* \* \*

Менгиз ё равзаи ризвонмудур бу?  
Оғиз ё гунчай хандонмудур бу?

Қароқчи күзларин ким кўрса айтур:  
«Ажаб, айёри Туркистонмудур бу?»

Чиқар ҳар лаҳза юз минг шева бирла,  
Малойик хўйлук инсонмудур бу?

Жаҳонни тутти Юсуфдек жамоли,  
Малоҳат Мисрида султонмудур бу?

Хатиким, сафҳа гул узра кўрунур,  
Ғубори хатму ёрайхонмудур бу?

Мудаввар<sup>1</sup> гўйи сиймин ё занахдон?  
Муанбар зулф ё чавгонмудур бу?

Атойини кўруб, кўйинда айтур:  
«Ҳам ул мискини саргардонмудур бу?»

---

<sup>1</sup> Мудаввар – доира, филдирак.

\* \* \*

Манга жавр айлар ул дилбар ҳамиша,  
Сучук тиlldин ачиқ сұзлар ҳамиша.

Кезиб хуршиди ховар үйдин-үйга,  
Юзундин шуълае истар ҳамиша.

Күзи қошиндин ўқ-ёни кетормас,  
Күнгуллар қушларин овлар ҳамиша.

Насими зулфидин юз рашк элтиб,  
Үзин ўтқа солур анбар ҳамиша.

Вафосиз сарвқоматлар ғаминдин  
Күнгүл япроқтайин тебрас ҳамиша.

Ажабтур, ўzlари севган кишини  
Жафо бирла синар хұблар ҳамиша.

Атойи шеъридин лаззат қилур касб,  
Үшал лаб васфидин шаккар ҳамиша.

\* \* \*

Хати мушкинкидур, жон бирла ҳамроҳ,  
Хизрдур оби ҳайвон бирла ҳамроҳ.

Сочиб ёз ёмғури килдим ёшимни,  
Булутдек моҳи тобон бирла ҳамроҳ.

Қароси кўзларингнинг оқи бирла  
Ажаб қуфредур иймон бирла ҳамроҳ.

Хаёлинг бўлди меҳмоним, не бўлғай  
Висолинг бўлса меҳмон бирла ҳамроҳ.

Ўқ отсанг бу кўнгул юз ёрасиндин,  
Борур ҳар пора пайкон бирла ҳамроҳ.

Табибо, сўрма ҳолимники, бўлмас  
Муҳаббат дарди дармон бирла ҳамроҳ.

Рикобингда<sup>1</sup> Атойи ушбу йўлда  
Эрур мўре Сулаймон бирла ҳамроҳ.

---

<sup>1</sup> Рикоб – узанги.

\* \* \*

Баҳор ўлди, кел, эй гулрух,  
Гулистонлар сари кеза,  
Жамолинг накши аксидин гулзорни беза.

Агар ийманмайин наргис юзунгга ўтру<sup>1</sup> тек  
Боқса,  
Буюр, савсан қиличи бирла чопсун икки  
Хунреза<sup>2</sup>.

Үёткондин қизил гул күнглаки ғарқи арак  
Бўлсун,  
Юзи гулшан сари гулгун қиё боғин беза-беза.

Сочик сочсун қизил олтун, кумуш гул бирла  
Шукуфа<sup>3</sup>,  
Сабо дарвешлар<sup>4</sup> янглиғ<sup>5</sup> қилиб йўлунгда  
Дарюза<sup>6</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўтру – қарши, муқобил, рӯпара.

<sup>2</sup> Хунрез – қон тўкувчи, золим.

<sup>3</sup> Шукуфа – гул, ғунча, чечак.

<sup>4</sup> Дарвеш – тасаввуф истилоҳотида изловчи, истовчи маъносини ифодалаб, сўфий, факир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасрор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган кишиларнинг тимсоли бўлиб келади.

<sup>5</sup> Янглиғ – каби, ўхшащ, сингари, монанд.

<sup>6</sup> Дарюза – тиланчилик.

Күрүб гулни юзунг ёдинда ҳар субх айласам  
афғон,  
Тараххум айла булбулдек мени мискин  
саҳархеза<sup>7</sup>.

Мақоми майкада хуштур ҳижоз<sup>8</sup> оҳангини  
паст эт,  
Мухолиф қавлина боқма, тузуб эгрини тиргуза.

Атойини гар ўлтурсанг, ўшал ойдин кўнгул  
узмас,  
Фалак, сен ҳам неча қилдинг бу мунглиғ  
бирла истеза<sup>9</sup>.

---

<sup>7</sup> Саҳархез – эрта турувчи.

<sup>8</sup> Ҳижоз – мусиқа мақомларидан бири.

<sup>9</sup> Истеза (Ситетза) – адоват, хусумат.

\* \* \*

Аё, султон малоҳат кишварида,  
Кулунгдур ой ила кун зархарида<sup>1</sup>.

Юзунг мажмуайи хуснедуурким,  
Үкурлар гулни андин бир жарида<sup>2</sup>.

Қани жоду күзунгдек номусулмон  
Хитойи Чину Мочин кофарида.

Топилмас хусн богинда бүюнгдек  
Ниҳоле ноз бирла парварида<sup>3</sup>.

Сочинг занжирина девона бүлгай  
Агар ақлу хирад бүлса парида.

Рақиб уйин сўрарсиз қай сари деб,  
Жаҳаннам тўрида, тахт ус-сарида<sup>4</sup>.

Атойи бўлди чун сухбат шарҳини,  
Хузуре қолмади шаҳри Ҳирида.

---

<sup>1</sup> Зархарид – олди-сотди қилинадиган қул ёки канизак.

<sup>2</sup> Жаридада – бу ерда: дафтар.

<sup>3</sup> Парварида – парваришланган, тарбия қилинган.

<sup>4</sup> Тахт ус-сари (о) – ер ости.

\* \* \*

Эй юзи Каъба, висолинг ҳажр зулминдин панох,  
Қошларинг меҳробидур аҳли назарға<sup>1</sup> қибагоҳ.

Чун тушубсен ҳусн бирла хўблар ичра ғариб,  
Мен ғариб ахволина қил кўз учундин бир нигоҳ.

Тиби<sup>2</sup> зулфунгдин кетурса турбатимға<sup>3</sup> ел абир,  
Ўқуғой арвоҳи кудси: «тайябаллоҳу сароҳ!»

Хуснунга дарди дилимдек қилди меҳримни зиёд.  
Чашмайи хуршиднинг ёниндағи меҳригиёҳ<sup>4</sup>.

Оҳ, агар бўлса гуноҳ хўбларни севмак уқбида,  
Дуняда қилмайдурур ҳеч кимса мендин кўп  
гуноҳ.

Сифр<sup>5</sup> алифтек<sup>6</sup> қомату оғзингни кўргандин бери  
Йўқтур авродим манинг шому саҳар жарроҳи оҳ.

Хоки роҳингға ўтарда суртголи сориғ юзин,  
Покдинлар йўлида бўлди Атойи рӯ ба роҳ<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> Аҳли назар – нозикфаҳм ва оқил кишилар, орифлар.

<sup>2</sup> Тиби – бу ерда: хушбўй ҳид.

<sup>3</sup> Турбат – қабр, мозор, мақбара.

<sup>4</sup> Меҳригиёҳ – илдизи одамга үхшаган ҳамда эркак ва урғочиси бўлган гиёҳ. Афсонага кўра, бу гиёҳни ёнида олиб юрган киши гўё бошқаларнинг муҳаббатини ўзига жалб қиласкан.

<sup>5</sup> Сифр – дафтар, китоб.

<sup>6</sup> Алиф – араб алифбосининг биринчи ҳарфи: «а».

<sup>7</sup> Рӯ ба роҳ – йўлга чиқиш, сафарга отланиш.

\* \* \*

Жоним садака ул күзи бемор санамға,  
Боштин уюруб гесуларин солса қадамға.

Каъба ҳарами деб эшиги сайди бўлубмен,  
Кофир күзи не деб ўқ отар сайди ҳарамға.

Мим оғзи била зулфу қади лом-алифидин<sup>1</sup>,  
Эйвой, нетай хаста кўнгул колди аламға.

Мен жавр ила сиздин юз уюргумму, ва лекин,  
Хадде керак охир, севарим, жавру ситамға.

Бу дамки, латофат улусин ҳусн ила олдинг,  
Лутф айлаки, етмас киши, албатта, бу дамға,

Холу хатингиз меҳрини жон лавҳина ёздим,  
Ул дамки, азал котиби<sup>2</sup> эл сунди қаламға.

Кел, сўр бир оғиз хаста Атойини, бегимким,  
Лаълинғ ғами бирла борадур мулки адамға<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Мумтоз шеъриятда маъшуқанинг оғзини кичиклиги жиҳатидан «мим» («м»), қаддини тикилиги учун «алиф» («а»), сочини хамлиги туфайли «лом» («л») ҳарфларига ўхшатиш бир анъана тусини олган.

<sup>2</sup> А з а л қ о т и б и – Худо.

<sup>3</sup> М у л к и ә д а м – йўқлик олами.

\* \* \*

Анингким, сен бикин манзури бўлса,  
Юрап хоки раҳи кўз нури бўлса.

Карам хуштур, бале, кўрклук кишидин  
Нечаким, хуснининг мағрури бўлса.

Вафосиз дилрабодин Тенгри безор,  
Агар ҳусн ичра жаннат хури бўлса!

Ўшалким, севмаса бир сиймтанни,  
Гадоедур гар олтун қўри бўлса.

Жаҳон туттунг жафода, гар Атойи,  
Вафода дунёning машҳури бўлса.

\* \* \*

Ё Раб, мени ул сарву хиромондин айрма,  
Булбулни ўшул боғу гулистондин айрма.

Махбуб фироқи била ўлтурма муҳибни,  
Муштоқ баданни нафаси жондин айрма.

Мажнун сўзини Лайли қабиласида сўзла,  
Яъқуб кўзин Юсуфи Кањондин айрма.

Ошиқ кишилар пайравимен<sup>1</sup> – хуснига муштоқ,  
Ул кони карам, маъданни эҳсондин айрма.

Мақсудунг агар, чарх, менинг ўлмаким эрса,  
Ўлтур мени оллинда, вале ондин айрма.

Жонимға менинг, ҳажр, агар қасд қилибсен,  
Жонимдин айргил, вале жонондин айрма.

Жамъияти хотир тиласанг Ҳақдин, Атойи,  
Бўюнгни ўшул зулфи паришондин айрма.

\* \* \*

Ҳар қачон тушса қаро зулфунг паришон  
кўнглума,  
Ҳасрату гамдин бўлур жон бермак осон  
кўнглума.

Мехрингиз хаттин ю(в)мас бир лаҳзаи жон  
лавҳидин  
Ҳар неча таълим этармен ушбу нодон кўнглума.

Чун мукаррардурки, сен хусну малоҳат  
ганжисен  
Айб этмас, гар лутф этиб келсанг бу вайрон  
кўнглума.

Байт ул-аҳзон айладим кўнглум уйин Яъқубтек,  
Қил назар Юсуф менгизлик байт ул-аҳзон  
кўнглума.

Сув бўлур бағрим уётгин бовужуди лаълингиз,  
Келса ногах салсабилу оби хайвон кўнглума.

Кирпикинг новакларин ҳар неча оттинг ўткара,  
Бори қолди ёдгоринг заҳми пайкон кўнглума.

Зулм ила қон айлайн дер ёр Атойи кўнглини,  
Келмаса адли Алоуддавла сulton кўнглума.

<sup>1</sup> П а й р а в – эргашувчи, тақлид килувчи, тобе.



\* \* \*

Сабо, агар гузар этсанг ҳабиб ҳазратида,  
Бу хаста ҳолини арз эт табиб ҳазратида.

Рақиб таъна қилур бизни бенасиб дебон,  
Жафоси бизга етмас насиб ҳазратида.

Қарорсун ушбу менинг толеъимки, ҳасрат ила  
Бошим оқарди-ю, бўлмон қариб<sup>1</sup> ҳазратида.

Ҳарими Каъбада итга ҳаромдур кирмак,  
Не мунча маҳрам ўлубтур ракиб ҳазратида.

Ниқоб олурда юзундин Атойини келтур –  
Ки, гул очилса керак андалиб ҳазратида.

---

<sup>1</sup> К а р и б – яқин.

\* \* \*

Лаби лаълинг учун, эй күнгли хора,  
Ёшим қон бўлди ғамдин бора-бора.

Санинг усрук кўзунг орзусунда,  
Қилур жон шишасин гам пора-пора.

Муҳаббат мушкилотин ҳал қилурға,  
Топилмас дарди дилдин ўзга чора.

Агар юз пора қилса жонга ҳажринг,  
Кўнгилни бермагаймен ўзга ёра.

Муваҳҳидларға<sup>1</sup> сирри «кунту канзан»,  
Табассум ила бўлсун ошкора.

Ҳакиқаттин хабар тут, эй мударрис,  
Неча баҳсу мажозу истиора.

Салотинга висолинг даст бермас<sup>2</sup>,  
Атойиға текарму жуз назора?

---

<sup>1</sup> Муваҳҳид – ягона Худога эътиқод қиласиган киши.

<sup>2</sup> Да ст бермоқ – муяссар булмоқ, эришмоқ.

\* \* \*

Яна толеъ карам қилди – қовуштум  
дилситонимға,  
Таолаллох, зихи давлат, туман шукrona жонимға.  
Магар охи сахар бирла дуойи субҳ асар қилди,  
Йўқ эрса, қасд қилиб эрди фалак бир журъа  
конимға.

Ажаб булбул эдим ҳайрон – гулистанидин  
айрилғон,  
Биҳамдиллоҳи валминна,  
эриштим гулситонимға.

Сани кўрмай агар ўлсам, фаришта келса  
хокимда,  
Таҳаммул қилмайин кетгай манинг оху  
фиғонимга.

Фироқингда жафоларким, қатиқ жонлиғ  
кўнгил кўрди,  
Ҳаёти умрида келмайдуур эрди гумонимға.  
Ҳаёти Хизру умри Нуҳу Жамшиднинг мулкин  
Тенг этмасмен санинг бирла кечурган  
бир замонимға.

Атойи дўстлардин илтимос айларким ўлганда,  
Дуое, кўрсангиз қаддин қилинг руҳи равонимға.

\* \* \*

Юзунгдин ранг олур насрину лола,  
Күзунгдин мунфаил юз минг ғазола.

Табассум айлаким, бисёр хуштур  
Чаманда ғунчайи хандону жола<sup>1</sup>.

Бу кун худ коматинг шавқинда ўлдум,  
Қиёматта тилай додимни ҳола.

Сочинг не турфа давлатлик илондур,  
Кумиш ганжи уза ётур узола.

Күпар фитна, борур олам иликтин,  
Хиромон юрусанг қўл сола-сола.

Не тонг<sup>2</sup>, саргашта бўлсам гўй янглик,  
Сочинг савдосидин қолдим бу ҳола.

Фалакка етти – ул ой эшитмас,  
Атойи неча бу фарёду нола.

---

<sup>1</sup> Ж о л а – шабнам, шудринг.

<sup>2</sup> Н е т о н г – не ажаб, ажаб эмас.

\* \* \*

Нечаким, кездим висолинг орзусинда, оҳ-оҳ,  
Топмадим васлингға бир дам мен ёмон

гумроҳ роҳ

Фурқатинг ичур манга бағрим қонин май  
үрнида,  
Айш ила ичкан кечаларни соғинсам гоҳ-гоҳ,  
Тотқоли лаъли лабингнинг шаккарин жон тўтиси  
Ҳар замон тотиргониб, дер канда бўлса  
«тоҳ-тоҳ!»<sup>1</sup>

Сен агар рух кўрсатур бўлсанг бисоти хусн аро,  
Ўзга хубларга дегайлар ҳар замон эл  
«шоҳ-шоҳ!»<sup>2</sup>

Ул ҳилолий қошларингға ўхшатай деб ўзини,  
Бадр ўзин, кўргил, не ерга еткуурур ҳар моҳ-моҳ<sup>3</sup>.  
Сен ракибнинг итлигин кўрким,  
кўра олмай келур,  
Гар кўруб сориф юзумни айтур эрсанг «коҳ-коҳ»  
Эй Атойи, гар кўзунг Яъқуб янглиғ кўрмаса,  
Ёнма<sup>4</sup> ул Юсуф йўлиндин, десалар минг  
«чоҳ-чоҳ»

<sup>1</sup> Т о ҳ - т о ҳ – кел-кел.

<sup>2</sup> Ш о ҳ - ш о ҳ – шахмат ўйинида ўз шоҳини муҳофази қилиши ҳақида ракибни огоҳлантириш.

<sup>3</sup> М о ҳ - м о ҳ – бу ерда: ҳар ой, ой сайин.

<sup>4</sup> Ё н м о қ – қайтмоқ.

\* \* \*

Ё Раб, ул оразмидур ё лола аръар устина?  
Ё шакойик<sup>1</sup> баргидур сарви санубар устина?

Юз уза солсанг тараб мушкин сочингни,  
Энгларинг  
Ёсаминдурким, тушубтур сунбули тар устина.

Лаъли серобингиз узра бу зумуррад<sup>2</sup> сабзалар  
Тўтие гўё қўнубтур қанду шаккар устина.

Кўзларинг етмасмуди жонимни ғорат қилғали,  
Бир сари ҳиндуий холунг келди кофар устина.

Ҳусн ганжидур юзунг, гесуларинг сақлар ани,  
Вах, не афсунлаб борай ул икки аждар устина.

Кирпигинг жаррохина борса жароҳатлик кўнгил,  
Марҳаме бермас, урур ништарни ништар устина.

Гарчи булбулдур Атойи ҳусни васфинда, vale  
Куш учурмас ул парипайкар ситамгар устина.

<sup>1</sup> Шакойик — лоланинг бир тури.

<sup>2</sup> Зумуррад — зумрад, яшил тусли қимматбаҳо тош.

\* \* \*

Юзунгни күрдүм, эй жон, шукрилиллох,  
Севунди жони пазмон, шукрилиллох.

Умидим бүстонида юзунгдин  
Очилди юз гулистон, шукрилиллох.

Йитурган Юсуфин Яъқуб топти,  
Тузулди мулки Канъон, шукрилиллох.

Висолинг офтоби бүлди толеъ,  
Туганди шоми ҳижрон, шукрилиллох.

Фироқинг чўлида ташна кўнгулга  
Йўлуқти оби ҳайвон, шукрилиллох.

Тузулди давру<sup>1</sup> дилбар соқи(й) бўлди,  
Мувофиқ бўлди даврон, шукрилиллох.

Атойи ҳаққида ҳар неки дерлар,  
Демаслар аҳди ёлгон, шукрилиллох.

---

<sup>1</sup> Да в р – бу ерда: давра, анжуман.

\* \* \*

Ёреки, ўлтуур мени хижрон қиронида<sup>1</sup>,  
Хар қайда бўлса, Тенгри таъоло амонида.

Ғам тавбасинда сизғурубон имтиҳон этар,  
Билмон не фикр бор яна бу имтиҳонида.

Кирпики найзаси била сафларни синдуур,  
Ё Раб, не мўжизедуур анинг синонида<sup>2</sup>.

Тарсо<sup>3</sup> Масиҳ мазхабини тарк этар эди,  
Фар кўрса эди лаълини Исо замонида.

Ҳайратта маҳв бўлди<sup>4</sup> кўруб ақли хурдадон<sup>5</sup>,  
Сўзларда тишлари дурин лаъл конида.

Ул қаро кўзунг тўё кўрмай равомудур,  
Бошим оқарди айни йигитлик авонида<sup>6</sup>.

Колсун десанг, Атойи, ўзингдин жаҳонда от,  
Оттек юргургил, ул кўзи оҳу инонида<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> Қирон – икки сайёранинг бир бурҷда тўқнашуви, яқинлашуви.

<sup>2</sup> Синон – 1) найза; 2) киприк.

<sup>3</sup> Тарсо – насроний.

<sup>4</sup> Маҳв бўлмоқ – йўқолмок, йўқотмоқ.

<sup>5</sup> Хурдадон – нозикфаҳм, ўткир заковатли.

<sup>6</sup> Авон – вақт, замон, мавсум.

<sup>7</sup> Инон – жилов, тизгин, ихтиёр.

\* \* \*

Шаҳо, бизга назар қилсанг, не бўлди?  
Гадони мўътабар қилсанг, не бўлди?

Кўнгул юз порадур гулгунча янглик,  
Саботек бир гузар қилсанг, не бўлди?

Қаро баҳтим бикин ҳижрон кечасин  
Висолингдин сахар қилсанг, не бўлди?

Боқиб усрук кўзингдин, носихимни  
Менингтек бехабар қилсанг, не бўлди?

Ўтар оҳим ўқи тўқуз фалактин,  
Vafo бирла сипар қилсанг, не бўлди?

Балоедур рақиб, охир балодин  
Худой учун ҳазар қилсанг, не бўлди?

Кетурди моҳазар жонин Атойи,  
Қабули моҳазар қилсанг, не бўлди?

\* \* \*

Гарчиким, күздин солибсан журми амдодин<sup>1</sup>  
мени,  
Күз учиндин бори манъ этма тамошодин мени.

Ҳар кеча то субҳидам зулфунг хаёли уйқуга  
Бир нафас қўймас ғаму ташвишу савдодин мени.

Бўсағангда кўктирап эрди бошим лутфунг била,  
Ерга чолдинг шишадек айвони минодин<sup>2</sup> мени.

Бўлди дарё кўз ёшим, ҳажрингда бир васлинг  
сари  
Файри лутфунгким, кечургай ушбу дарёдин мени.

Дунокун бир файласуфи оқиле кўрган киши,  
Илғай олмайдур бу кун Мажнуни шайдодин  
мени.

Кўзларингдек, баски, туттим ғўша узлат<sup>3</sup>  
Кофида,  
Фарқ эта олмайдуур зарра Анқодин<sup>4</sup> мени.

Бўлса жаннатта Атойи сенсизин қилғай фифон,  
Солдилар дўзахқа деб, фирмавси аълодин мени.

<sup>1</sup> А м д о – қасддан, атайлаб, журттага.

<sup>2</sup> А й в о н и м и н о – мовий осмон.

<sup>3</sup> У з л а т – ёлғизликни ихтиёр қилиш.

<sup>4</sup> А н қ о – Коғида яшайдиган афсонавий қушнинг номи; топилмас, нодир, ягона.

\* \* \*

Ҳажрингда ғаму ҳасрат күйдурди басе бизни,  
Фарёдки, ёд этмас фарёдрасе<sup>1</sup> бизни.

Яъкуб бикин бўлдук ғам кулбасида маҳзун,  
Эй Юсуфи Исодам, сўр бир нафасе бизни.

То боғлади бўйнумни ул зулфи Қаробоги,  
Кўз ёшида ғарқ айлар ҳар дам Арасе<sup>2</sup> бизни.

Кўймас сучук уйқуға оғзинг қошида холинг,  
Хеч уйқуға қўйгайму андок магасе бизни.

Сўз баҳрида чун дурлар ғавс эттук<sup>3</sup> Атойитек,  
Гар кўрмаса эл, не ғам, миқдори хасе бизни.

---

<sup>1</sup> Фарёдрас – кишининг додига етувчи, ёрдам ва ҳимоя қилувчи.

<sup>2</sup> Арас – Туркистондаги кичик дарёнинг номи.

<sup>3</sup> Ғавс этмоқ – сувга шўнгимок. Бу ерда сўз маъноларини чуқур мулоҳаза этмоқ.

\* \* \*

Янгогинг рангу олиндин мадад, ҳой!  
Сақокинг<sup>1</sup> фитна, холиндин мадад, ҳой!

Күзунгдин сехр учун юз истионат<sup>2</sup>,  
Балоға макру олиндин мадад, ҳой!

Сочинг зулмотида ҳайрон күнгүлга,  
Юзунг фархунда фолиндин мадад, ҳой!

Бузулди умри боқий ҳажр элинда,  
Бүйүнг сарви ниҳолиндин мадад, ҳой!

«Сакохум раббаҳум»<sup>3</sup> жоминдин ичган,  
Тилар лаълинг зилолиндин мадад, ҳой!

Сабо келтурмаса зулфунг насимин,  
Хири боди шамолиндин мадад, ҳой!

Белинг, оғзинг хаёлу нуктасинда,  
Атойи қилу қолиндин мадад, ҳой!

---

<sup>1</sup> Сақоқ – ияқ, бақбака.

<sup>2</sup> Истионат – мадад сүраш, ҳожат тилаш.

<sup>3</sup> Сакохум раббаҳум – Куръони каримнинг «Инсон» сураси 21-оятига ишора: «Парвардигорлари уларга ниҳоятда покиза шароб ичирур».

\*\*\*

Эй малоҳат бодининг бир сарви гулрухсораси,  
Кашфи анвори<sup>1</sup> тажаллидур юзунг наззораси.

Оразинг олинда ойин неча арз этгай фалак,  
Бир урус қул беш эмасдур хисрави сайёраси.

Лаълинг жонбахшиндин айру йўқтур,  
эй Исонафас,  
Ошики бечоранинг ўлмактин ўзга чораси.

Жаннати аълода кўнгли заррае қилмас қарор,  
Кимки бўлди нозанинлар кўйининг оввораси.

Кўз учидин тўйғуча урди Атойи жонига,  
Новаки дилдўзни<sup>2</sup> ул ғамзайи айёраси.

---

<sup>1</sup> А н в о р – нурлар.

<sup>2</sup> Д и л д ў з – дилга озор берувчи, дилозор.



\* \* \*

Эй лолайи фирмавс юзунг бирла мубоҳи,  
Хуснунг киби меҳрим юзунга номутаноҳи<sup>1</sup>.

Қил мулку малоҳатда нидойи «Лиманил мулк?»<sup>2</sup>  
Чун бўлди мусаллам<sup>3</sup> санга, эй ҳусн эли шоҳи.

Охуий Ҳўтан бирла Хитони хижил айлар  
Наргисларининг зулфи сари тушса нигоҳи.

Султони жамол ўлғали сен, кўнглум уюсин,  
Гоҳ ўлжа қилур, гаҳ талар ул зулфи сиёҳи.

Зулфунг сифатин ёзмоқ учун хаста Атойи  
Икки қўзининг ҳуққасида<sup>4</sup> килди сиёҳи.

---

<sup>1</sup> Н о м у т а н о ҳ и ( й ) – чексиз, чегарасиз, битмас-туган-  
мас.

<sup>2</sup> Л и м а н и л м у л к – мулк кимга тегишли?

<sup>3</sup> М у с а л л а м – тобеъ бўлган, таслим бўлган.

<sup>4</sup> Ҳ у қ қ а – қимматбаҳо тошлар солиб қўйиладиган қу-  
тича.

\* \* \*

Эй менинг қасдимга қўйғон зулфитеқ қаттолни,  
Неча сарғардон тутарсен мен паришонҳолни.

Бир қиё боқмоқ била юз минг кўнгул сайдинг  
бўлур,  
Эй қаро кўз, кимдин ўргандинг бу мунча олни?

Кўзларим дарёсидин ҳардам хаёлинг кечкали  
Кирпикимнинг хаслариндин боғламишмен  
солни.

Қанди лаълингнинг наботин кўргали жон тўтиси  
Йигмади парвоздин бир лаҳза пару болни.

Кўзга илмас молу мулку дунёни озодае –  
Ким, ичар маҳбуб элиндин жоми моломолни<sup>1</sup>.

Ишқ рамзидин агар бир қилча фаҳм этса факих<sup>2</sup>,  
Тарк этар эрди қамук фатвою қилу қолни.

Ўлгали етти Атойи қул фироқинг илгидин,  
Бир даме, охир не бўлди, сўр, бегим, аҳволни.

---

<sup>1</sup> М о л о м о л – тўла, лиммо-лим.

<sup>2</sup> Ф а к и х – шариат ҳукмларини мукаммал билган, ислом қонуншунослиги билан шуғулланувчи киши.

\* \* \*

Ҳар тунки, қилсам ул бубаки фитна ёдини,  
Юрман<sup>1</sup> ёшимдин икки кўзумнинг саводини.

Бўлсун ҳаром кўнглума дарду муҳаббатинг  
Жаврунгдин ўзга агар қилсам эътиқодини.

Зулфунг хаёли бўлғали бошимға соярон,  
Илмон кўзумга тожи сари Кайқубодини.

Васл истасанг кўнгул йўлида хоки роҳ бўл –  
Ким, ахли диллар анда топубдур муродини.

Эй подшоҳи мулки малоҳат, Худой учун  
Бер лутф этиб Атойи мазлум додини.

---

<sup>1</sup> Ю р м а н – юварман.

\* \* \*

Күнгүл олдинг, бегим, ёшурмофинг не?  
Жафони ҳаддидин ошурмофинг не?

Рақибларға қилур лаълинг табассум,  
Конимни ғуссадин тошурмофинг не?

Күнгүл шишасида меҳринг майдур,  
Жафо бирла анга тош урмофинг не?

Юрурда енг била оғзингни тутма,  
Нимаким йўқтуур, ёшурмофинг не?

Атойи, ерга ел зулфин тегурмас,  
Каро ерга сенинг бош урмофинг не?

\* \* \*

Эй қадинг түби ниҳоли, в-эй юзунг жаннат гули,  
Нофайи Чину Хүттан хиндуйи зулфунгнинг қули.

Хотири жамъи халойикни паришон айлади  
Тонг элиндин доғилиб<sup>1</sup>, гул узра зулфунг  
сунбули.

Гар никоб олсанг юзунгдин, нола қилсам,  
не ажаб –  
Ким, гул очилса, бўлур пайваста булбул гулғули.

Қон ютармен ғайрат илкиндин суроҳитек мудом  
Сув ичарда дам-бадам лаълингни ўпса қулқули.

Юз, туман минг ғам била қилди Атойини асир  
Зулфи Хиндистону савдосинда моҳи Кобули.

<sup>1</sup> Д оғ и ли б – бу ерда: сочилиб.

\* \* \*

Дилбаро, шаккар лабингда түтийи жон бандаси,  
Исийи Марям гадойи оби ҳайвон бандаси.

Салтанат даъви қилур бог ичра не озодалиқ,  
Бўлғали нахли қадингнинг сарви бўстон бандаси.

Қул бўлай қош ўйнатиб, кўз учидин  
бокмоғинга –  
Ким, жаҳон аҳли бўлур пайваста эҳсон бандаси.

Гар Ироқ аҳлина етса хоки роҳинг гардидин,  
Тўтиё бўлғай кухлға<sup>1</sup> қул, Сифаҳон бандаси.

Гар бути Чини юзунгга ўхшаса филжумлае<sup>2</sup>,  
Не ажаб, гар бўлса фасбон<sup>3</sup> раҳбон<sup>4</sup> бандаси.

Хужжати хат бирла зулфунг қилди собит  
даъвисин,  
Токи сунбул сунди бўйнин, бўлдирайхон  
бандаси.

Эй Атойи, гарчи сен даъви қилурсен қуллуғинг,  
Мўрға тегмас, vale бўлғай Сулаймон бандаси.

<sup>1</sup> К у ҳ л – сурма.

<sup>2</sup> Ф и л ж у м л а – хулласи калом, қисқаси.

<sup>3</sup> Ф а с б о н – пособон.

<sup>4</sup> Р а ҳ б о н – бутпарастлар раҳнамоси.

\* \* \*

Хони васлингдин, нигоро, бенаво қилдинг мени,  
Кўй-бакўю дарбадарлардек гадо қилдинг мени.

Қолмади оламда бир жавру жафо мен кўрмаган,  
То жамолингдин ямон кўздек жудо қилдинг  
мени.

Эй жафочи, чун қилурсен охири бегоналик,  
Не учун аввал ўзунга ошно қилдинг мени.

Эй кўнгул, севма дедим, хўбларни севдунг,  
оқибат  
Бир балолиқнинг алинда мубтало қилдинг мени.

Гар Атойитек сени севдум, гуноҳе қилмадим –  
Ким, мунингдек бастайи банду бало қилдинг  
мени.

\* \* \*

Унутти бир йўли ул ёри бевафо бизни,  
Фироки дарди била қилди мубтало бизни.

Муродим икки жаҳонда будурки, гаҳ-гоҳи  
Ўтарда кўз учидин қилса марҳабо бизни.

Муҳаббатингда кўнгул, чунки бўлди ўқтек рост,  
Айирма эмди ўзунгдин, эй қоши ё, бизни.

Чу қисмати азалдур шароби ноб ичмак,  
Не мунча ёзғурадур шайхи порсо бизни.

Рақиб жонини тандин жудо-жудо қилсун,  
Айирди зулм ила маҳбубдин жудо бизни.

Киши жаҳонда ризо бирла тарки жон этмас,  
Магарки сендин айиргай, бегим, қазо бизни.

Итинг Атойиға тунлар ачиғланиб айтур:  
«Сучук уюқлаголи<sup>1</sup> кўйғил, эй гадо, бизни!»

---

<sup>1</sup> У ю қ л ағ о л и – ухлагали.

\* \* \*

Нафайи зулфунг хаёли бирла, эй Чин лўъбати,  
Қайғудин қон айлади бағримни савдо заҳмати.

Мен нетай боғи биҳишту Хизр умринким, манга  
Лабларингдир оби ҳайвон бирла Кавсар шарбати.

Гарчи суннат бўлса хўблар қошида қон айламак,  
Фарзи айн<sup>1</sup> ўлди қўзунгиздин аларнинг суннати.

Севса эл тўби ниҳолин, мен севай қаддингниким,  
Хушдуур дарвеш кишининг бўлса олий  
химмати.

Ё висолингдин карам қил, ё мени ўлтур равон –  
Ким, керакмас сенсизин, валлоҳ,  
манга жон миннати.

Ул жафоларким, кўнгул кўрди юзунгдин дуняда,  
Кўрмасун кофирлар илкиндин Муҳаммад  
уммати.

Килмағай сажда Атойи Каъбанинг меҳробина,  
Бўлмағунча кўнглида ул қошу кўзнинг нияти.

---

<sup>1</sup> Ф а р з и а й н – бажарилиши шарт бўлган амал.

\* \* \*

Жаҳондин телба кўнглумнинг бор эрди хуш  
табарроси<sup>1</sup>,  
Узун андишага солди, нетай, зулфунг таманноси.  
Агар учмоқ боғинда муюссар бўлмаса васлинг,  
Манга дўзах эрур, валлоҳ, анинг фирмавси  
аълоси.

Бу не юздур, бу не кўздур, бу не ширин-шакар  
сўздур –  
Ки, йўқтур Руму Чину Миср элинда мислу  
ҳамтоси.

Киши кўрмайдурур ҳаргиз кўзунг сайёдитек  
хуне<sup>2</sup> –  
Ки, кетмас қошидин бир дам анинг ул турфа  
ўқ-ёси.

Агар кўк тўн кийиб чиқсанг хиромон,  
эй юзи ойим,  
Бўлур ул дам равон сориқ юзумдин Нил дарёси.  
Йигиб Чин лашкари, солса мўгулона кўзунг юзга,  
Чигатой бирла ўзбакни олур торожу ягмоси.

Аз ойи хослик даъво қилурсен, яхшилик сиррин  
Кўнгулда сақлаким, асру ёмондур ом<sup>3</sup> ғавғоси.

<sup>1</sup> Т а б а р р о – безорлик, узоқлик.

<sup>2</sup> Х у н – қон.

<sup>3</sup> О м – омма, халқ.

\* \* \*

Алминнатулиллох, яна күрдук юзунгузни,  
Эшилти қулок дурри Адантек сұзунгузни.

Ойнинг не фаттон күзи бор, не қаро қоши,  
Үшшатмағосиз ул фалакига үзунгузни.

Қассоми азал<sup>1</sup> хусну малоҳат улашурда  
Ортуқ яратибтур барисиндин тузунгизни.

Киш жубба ҳарорат кетурур, киймангиз они,  
Остек<sup>2</sup> танингиз узра ёйинг кундузунгузни.

Эй юзи қамар, килмас Атойига мувофиқ,  
Даврони фалак ҳажри била юлдузунгизни.

---

<sup>1</sup> Қассоми азал – азалда ризқни тақсим қилувчи, яъни Худо.

<sup>2</sup> Ос – оқ сувсар, ундан тикилган пүстин.

\* \* \*

Эй дами Исойи Марям, чашмайи ҳайвон лаби,  
Қошларинг меҳроби Каъба, чохи Замзам ғабғаби.

Юзунг узра кўзларинг сайёраси қўргач ҳаким,  
Дедиким, ой оллида туғмиш саодат кавкаби<sup>1</sup>.

Шеваву нозу карашма маъдани эрди магар  
Сизга таълим айлаган Ширин муаллим мактаби.

Тишини туш ўрнида кўрмактуру дам сақламак  
Лаълингиз ёдинда қон ичган муҳиблар машраби.

Сиз рақиблар мазҳабин тутманг, бегимким,  
хуш эмас,  
Ахраманлар<sup>2</sup> миллати бирла Сулаймон мазҳаби.

Охуйи жаннат ипори бирла йўғрулмиш тамом –  
Ким, қучарсен ҳурни ушбу ҳамойил<sup>3</sup> ашҳаби<sup>4</sup>.

Қил, Атойи, кўзларингга сурма олтун тупроғин,  
Қайси йўлдинким, ўтар сиймтаннинг маркаби<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> К а в к а б – юлдуз, сайёра.

<sup>2</sup> А х р а м а н – зардуштийлик динидаги ёмонлик худоси.

<sup>3</sup> Ҳ а м о й и л – қўтариб ёки бўйинга осиб юриладиган нарса, осиб юриладиган нарсанинг боғи.

<sup>4</sup> А ш ҳ а б – 1) оку қора, кулранг; 2) оқиш бўз от.

<sup>5</sup> М а р к а б – улов, миниладиган ҳайвон.

\* \* \*

Эй тальати манзари илоҳи,  
Ҳусн элининг энчу подшоҳи.

Бу ҳусн ила ҳур, ё парисен,  
Инсон сени билмади камоҳи<sup>1</sup>.

Йўқ даври қамарда зулфунгузтек  
Девона кўнгулларнинг паноҳи.

Кудрат қалами учиндин ул ҳол  
Ой узра томибтуур сиёҳи.

Юз пора қилур кўнгулни гултек  
Ул наргиси шўхнунг нигоҳи.

Оҳим тутуниндин асрафил сен  
Ойинайи ҳуснини<sup>1</sup>, Илоҳи.

Бир отмас Атойифа юзунгдин,  
Ҳижрон туенинингки субҳоҳи<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> К а м о ҳ и – худди ўзидай, тўлик, бутунлайича.

<sup>2</sup> С у б ҳ г о ҳ – тонг пайти.

\* \* \*

Эй сочинг занжирининг ақлу хирад девонаси,  
Қиссаи «Лайлию Мажнун» камтарин афсонаси.

Ер била ҳамвор бўлди сели ҳижрон илгидин  
Ганжи ҳуснунг орзусинда бу кўнгул вайронаси.

Кўп киши даъво килур шамъи жамолинг  
мехрини,  
Йўқ яна мендек бирор-бир ичкуяр парвонаси.

Ишрату шоди била гулзор ичинда ўлтурур,  
Ҳиндуйи соҳибсаодатдур ўшал менг донаси.

Ошнолик даъвисин событ қилур ишқинг била,  
Кимки ақлу ҳушдин мутлақ бўлур бегонаси.

Бодаи ҳуснунг била мағрур бўлма асруким,  
Оқибат ғам шарбатин ичур фалак паймонаси.

Хорлиқ ҳаддин ошибтур, илтифот эт гаҳи-гаҳи,  
Эй Атойининг азизроқ жонидин жононаси.

\* \* \*

Күргали сен күзлари сайёра, юзи моҳни,  
Ҳар сахар етти фалактин ўткарурмен оҳни.

Шаҳсувори ҳуснсен сен, мен йўлунгда хоки роҳ,  
Лутф этиб ердин кўтар бир дам бу хоки роҳни.

Эй кўнгул, гар чиқса жонинг шавқида оздур  
хануз,  
Сен гадога ким деди сев деб анингдек шоҳни?

Анбари соро<sup>1</sup> не хожат, нофаи тотор<sup>2</sup> ҳам,  
Чун муаттар қилди зулфунг хаймаву хиргоҳни.

Қаҳрабо қилдум юзумни рашқ элиндин кўргали,  
Йўл юрурда домани покингда барги коҳни.

Жаннати аъло кўнгулдин чиқти хулду қасру ҳур,  
То сенинг кўюнгда қилдим жою манзилгоҳни.

Бу Атойитек гадое кўрмадик ҳиммат баланд –  
Ким, сенинг сарви қадингдин қилди  
«Шайълиллоҳ»ни.

---

<sup>1</sup> А н б а р и с о р о – тоза, холис анбар, ниҳоятда хушбуй анбар; мажозан: нозанинларнинг сочи.

<sup>2</sup> Н о ф а и т о т о р – тоза ва хушбуй мушк.

\* \* \*

Кўзларингким, қасду жону горати дин айлади,  
Бир назарда юз туман ошиқни мискин айлади.

Тонг эли сочинг насиминдин Хўтан иқлимина  
Шаммае элтиб, шикасти<sup>1</sup> нофайи Чин<sup>2</sup> айлади.

Кимга айтай мен бу ҳижрон аччиғинким,  
                                ҳар кеча

Захри ғам бирла манинг жонимға не қин<sup>3</sup> айлади.

Шукр учун қил бир тараҳҳум бизга ул Тенгри  
                                учун –

Ким, сени ҳусн эли шохи, бизни ғамгин айлади.

Жон берай лаълингғаким, Фарҳоди мискин  
  оқибат,

Жон ширинин фидойи ишқи Ширин айлади.

Зулфи мушкинин таарда, кўрдум, ул оҳи қароқ  
Сунбули тардин ниқоби барги насрин айлади.

Моҳрухлар меҳридин худ ўзга ёзуқ қилмади,  
Бас, фалак мунча Атойи бирла не кин айлади?

<sup>1</sup> Шикаст – 1) синик, мажрух; 2) енгилмок, мағлубиятга учрамоқ.

<sup>2</sup> Нофайи Чин – Чин мушки.

<sup>3</sup> Қин – қийин.

\* \* \*

Жамолинг равзанинг боғи жинони,  
Лабинг оби ҳёти жовидони.

Юзунг моҳиятин Тенгри билур, бас,  
Не ҳадди ақл эрур шарху баёни.

Табассум қилки, бўлсун зарра зоҳир  
Муҳаббат ақлининг рамзи ниҳони.

Кўурур ул юзу кўзнинг толеъинда  
Мунажжим ой ила Зухра қирони<sup>1</sup>.

Муаззин кўргали раъно қадингни,  
Унутти «комат»у «ҳайи ало»ни<sup>2</sup>.

Жаму Искандару Жамшиду Жуна<sup>3</sup>  
Эшикингнинг камина<sup>4</sup> посбони.

Атойиға иноят қилки, шаҳлар  
Сўрарлар гоҳ-гоҳи ҳам гадони.

---

<sup>1</sup> Ўтмиш мунажжимларининг ақидасига кўра, Ой ва Зухра сайёralари бир бурҷда тўқнаш келганида туғилган киши баҳтли ва бу вақтда қилинганд ҳар бир иш хайрли бўлар эмиш.

<sup>2</sup> Ҳ а й ӣ и а л о – улуг Тангри.

<sup>3</sup> Ж у н а – Ҳиндистон подшоҳи.

<sup>4</sup> К а м и н а – бу ерда: камтарин, хоксор.



\* \* \*

Икки лаълина қачонким, дарж этар<sup>1</sup> ёқутини,  
Чашмайи ҳайвон ичинда кўргузур жон қутини<sup>2</sup>.

Хурлар кавсар шаробин ичмагайлар равзада  
Лабларинг жоми майнинг топсалар сарқутини.

Чоҳи Бобилтек қилиб ғам гӯшасин сохир<sup>3</sup> кўзунг,  
Шева бирла мубтало қилди кўнгил Ҳорутини<sup>4</sup>.

Хизрнинг суйин яшурди шаккар оғзинг шарбати,  
Сабзаи лаъли лабинг ҳам сабзхат<sup>5</sup> ёқутини.

Ўлгали ети Атойи ул қаду комаг учун,  
Қилгасиз сарву санубардин анинг тобутини.

---

<sup>1</sup> Д а р ж э т м о қ – бу ерда: жойлаштирумок.

<sup>2</sup> К у т – озиқ.

<sup>3</sup> С о ҳ и р – сехргар, хийлагар.

<sup>4</sup> Аёлга ошик бўлганлари учун Ҳорут ва Морут исмли фаришталар Худо газабига учраб, Бобилдаги чоҳга ташланган. Бу чоҳни сехр манбаи дейдилар. Кимки сехру жодудан сабоқ олмоқчи бўлиб, чоҳ қошига борса, бу фаришталар унга сехргарлик илмини ўргатадилар.

<sup>5</sup> С а б з х а т – бу ерда: яшил тусли.

\* \* \*

Күнглум ҳаво қилур яна ул зулфи хам сари,  
Бошлағусидуур мени ташвишу ғам сари.

Чун боғламас вужуд бирор сўрмоқ оғзидин,  
Мен хаста не жаҳд қилайин адам сари?

Зоҳид юзунгни кўргали, эй Каъбайи жамол,  
Юзун эвурди қибла саридин санам сари.

Бўлсун ҳаром лаълинғ учун қонлар ичганим,  
Гар илтифот қилса кўнгул жоми Жам сари.

Кўймас ҳароми кўзлари айёрлик била  
Майхонадин кишини ҳарими ҳарам сари.

Бисёр қуллуғумни менинг еткур, эй сабо,  
Борсанг ўшал жафоси ўкуш<sup>1</sup>, меҳри кам сари.

Сочинг оёғинг оллинда бош қўйғонин кўруб,  
Сажда қилур Атойи дағи ул қадам сари.

<sup>1</sup> Ў к у ш – анча, кўп.

\* \* \*

То бениқоб кўргали ул ҳусн шоҳини,  
Илмон кўзумга зарра фалак меҳру моҳини.

Зулфини юзга солди кўнгул мулкин олғоли,  
Йиғди магарким, Чину Хўтанинг сипоҳини.

Тахмир<sup>1</sup> этарда тийнати одамни қудсилар,  
Келтурди Жабраил анинг хоки роҳини.

Наргис боқти, деб мени ёзғурди кўзлари,  
Усрук киши билурму кишининг гуноҳини.

Ҳар гўшадин кўнгилга тикилур бало ўқи,  
Ёд этсам ул қароқчи кароқининг нигоҳини.

Меҳригиёҳ дерлар ани, топмадим, нетай,  
Эктим кўнгилда меҳру муҳаббат гиёҳини.

Сиррингни жонда соқлар Атойи валекин, ох,  
Беихтиёр чиқса, нечук этсун оҳини?

---

<sup>1</sup> Т а х м и р – хамир қилиш.

\* \* \*

Икки кўзиким, сехр иладур Сомири сони<sup>1</sup>,  
Хар гўшада бор зулфи бикин юз нигарони<sup>2</sup>.

Ким кўрди фалак гардишида қошу кўзитек  
Икки янги ой бир тўлун ой бирла қирони.

Кўрса юзининг нақшини Мажнун бўлур эрди  
Зулфи чинининг силсиласи бандина Мони<sup>3</sup>.

Гўёки Хизр оби ҳаёт узра экибтур  
Лаъли лабининг устидаги меҳригиёни.

Жон маҳрам эмас ошиқу маъшуқ аросинда,  
Маҳрам қила олмон санга мен боди сабони.

Ошиқ кишилар қўнглини булбул бикин овла –  
Ким, гул ҷоғидек бокиу гул хусни авони.

Меҳрингни агар ушбу Атойидин аёсанг,  
Боре аяма дарду ғаминг бирла жафони.

---

<sup>1</sup> С о м и р и с о н и (й) – иккинчи Сомирий. С о м и -  
р и й – сеҳргар, хийлагар..Сомирий Мусо пайгамбарнинг хо-  
лаваччаси ва шогирди бўлиб, у олтиндан бузоқ ясаб, сизнинг  
Тангриңиз шу деб бани Исройлни алдайди.

<sup>2</sup> Н и г а р о н – нигорон, интизор.

<sup>3</sup> М о н и (й) – Моний ибн Фатак (212–276). Монавия  
таълимотининг асосчиси. Шарқда у машхур наққош ва мусав-  
вир сифатида донг таратган.

\* \* \*

Эй кўк ховарида кўзи Зухра, юзи ой,  
Хони жамоли ҳуснунга шоҳи фалак гадой.

Айн ул-ҳаёт<sup>1</sup> оғзинг уза сабзай Хизртек  
Искандар кўнгулга бу кун бўлди раҳнамой.

Кўнглумки, аклу сабру хирад бирла бой эди,  
Ишқинг бир ўйинда жамъини берди бой.

Очсанг юзунгни, оқса кўзум ёши, не ажаб,  
Чун сел оқар ҳамиша агар ёз очилса сой.

Ох, ул дамеки, сархушсену натъи<sup>2</sup> ноз уза,  
Мен ўпгали аёфингни тутсам, десангки, бой.

Не бор фалакта раҳму не сенда вафову меҳр,  
Эй дўст, мен бу толеъ ила қай сари борой?

Олғай магар Атойини ҳижрон илкидин,  
Лутфи алову<sup>3</sup> давлату дин, сояи Худой.

<sup>1</sup> А й н у л – ҳ а ё т – ҳаёт булоги, тириклик чашмаси.

<sup>2</sup> Н а тъ – бу ерда: 1) суфра, ластурхон; 2) тўшак, ғилам.

<sup>3</sup> А л о – баланд, юксак, олий.

\* \* \*

Боги биҳишт равзай ҳуснунг кинояти,  
Оби ҳаёт шаккар лаълинг ривояти.

Васлингдур улки, жондур анга қиймату баҳо,  
Ҳуснунгдур, улки, йўқтур анинг ҳадду ғояти.

Ҳуснинг элиниңг суюрголини<sup>1</sup> чун улоштилар,  
Бўлди сеники ҳар бири кўнглум вилояти.

Лаълингга сими алиф киби бормоқни келтуруб,  
Дерсенки, нуқтадур, бале, хатting ниҳояти.

Солмон назарни ўзга санамлар жамолина,  
Бўлди манга чу гўшаи чашминг инояти.

То подшоҳ бўлголи сен ҳусн Мисрида,  
Афсона бўлди Юсуфи Канъон ҳикояти.

Сўфий Атойи холатини ўтканур, вале,  
Ишқ ишидур кишига азалдин ҳидояти<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Суюргол — шохнинг яқин аъёнларига берадиган инъом-эҳсони.

<sup>2</sup> Хидоят — тўғри йўл кўрсатиш, ҳақ йўлига етаклаш.



\* \* \*

Күнгүл висол ила офатни күрмагантек эди,  
Йироқлик ичра масофатни күрмагантек эди.

Фироқ лашкари ногоҳ қилди жонға хужум,  
Йўқ эрса, фитнайи офатни күрмагантек эди.

Юзунгни кўрмайин айёми хусни Юсуфдин,  
Жамолинг ичинда изофатни<sup>1</sup> кўрмагантек эди.

Кўзум манинг санга тўш бўлмағунча, хўбларнинг  
Юзинда нури латофатни кўрмагантек эди.

Атойи сўзлари лутфиға етмагунча киши,  
Камоли зеҳну зарофатни кўрмагантек эди.

---

<sup>1</sup> И з о ф а т – 1) ортиклик, афзаллик; 2) нисбат бериш.

\* \* \*

Эй бегим, сен қилмаған жонға жафое қолмади,  
Зулму бедоду гаму ранжу балое қолмади.

Хұблар жабру жафосин менму тортармен мудом,  
Ё жаҳонда мандин ўзга мубталое қолмади?

Хизр гүё мүъжизин хаттингга бурдиким, бу кун  
Оби ҳайвонға жуз андин раҳнамое қолмади.

Тишларинг, эрнингни чун күрди мубассир<sup>1</sup>  
жавхари,  
Деди: дурри лаълға эмди баҳое қолмади.

Оби чашмимға<sup>2</sup> рақибинг раҳм қилғондин бери  
Итларинг бирла эшикта можарое қолмади.

То қошинг меҳробини күрди азиз жонинг учун,  
Бу дуогүйинг ўқумағон дуое қолмади.

Билгасен ул дам Атойи қадрини,  
эй султони ҳусн –  
Ким, дегайлар ул фалон мискин гадое қолмади.

<sup>1</sup> Мубассир – күрүвчи.

<sup>2</sup> Оби чашм – күз ёши.

\* \* \*

Эй күйгүчи күнгүлга ғами ишқ дөғини,  
Зулфунг мушавваш айлади жоним димогини.

Боқсун бүюнгни түби ниҳолин күрай дегин,  
Күрсун юзунгни орзулагон равза боғини.

«Нун ул-қалам»<sup>1</sup> румузини кошиңгдин онглағон,  
Илмас күзига нұктача юз Қоф тоғини.

Махзи равону рухтуур қадду қоматинг,  
Хар неча синчилар киши боштин-аёғини.

Толпинди ҳар тараф била қүшдек күнгүл vale,  
Жон бүйнидин айирмади зулфунг тузғини.

Ичсун майи муфаррихи<sup>2</sup> гулранги ғамзудой<sup>3</sup>,  
Бу даврда ким истаса хотир фароғини.

Сочи бикин Атойи бошинг күй аёғина,  
Ёнсун десанг қошиңгда саодат чароғини.

---

<sup>1</sup> Н у н у л - қ а л а м – Қуръони каримдаги «Нун» сурасында ишора ҳамда маңшуканынг эгма қошидан киноя.

<sup>2</sup> М у ф а р р и х – шодлик келтирувчи, хурсандлик бағишлиовчи.

<sup>3</sup> Ғ а м з у д о й – қайғуни кетказувчи, ғамдан қутқарувчи.

\* \* \*

Хазонтек айлади баҳтим бу йил фасли  
баҳоримни –  
Ки, ҳижронға мубаддал<sup>1</sup> қилди ногаҳ васли  
ёrimни.

Бош олиб телба итлардек, ракиблар жавридин  
кеттим,  
Чу билдим итча ҳам йўқтур эшикта  
эътиборимни.

Саманди<sup>2</sup> наълин<sup>3</sup> ўпгайсен туман таъзим ила  
мендин,  
Ўтарда кўрсанг, эй боди сабо, гулгунсуворимни<sup>4</sup>.

Янгофинг лолазорининг ғамида, баски,  
бўлдум зор,  
Чаманда бағри қон бўлди эшитиб лола зоримни.

Бели, оғзи сирин ҳар не ёrimдин ёшуур эрдим,  
Тўкулсун қони, фош этти улусқа ашкборимни<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> М у б а д д а л – алмашинган, айрибошланган.

<sup>2</sup> С а м а н д – ранги сариқ, ёл-қуйруги қора от, тулпор, аргумоқ.

<sup>3</sup> Н а ғ л – тақа.

<sup>4</sup> Г у л г у н с у в о р – қизил от мингандан.

<sup>5</sup> А ш к б о р – ёш тўкувчи, кўп йиғловчи.

---

Бу хокидин ёзуксиз гар ғубори бўлса қўнглида,  
Фироки, шукрилилоҳ, қўймади гарду  
ғуборимни.

Атойига етар буким, келиб итларидин сўрса  
Эшикта билдингизму деб,  
манинг ул хоксоримни.

\* \* \*

Эй бегим, ийд ўлди, кел, бир лахза сайрон  
килғали,  
Ийдгах халқын менингдек жумла ҳайрон  
килғали.

Барча курбонлик килурлар ийд учун, мен хаста-  
дил  
Келтурубтурмен санга жонимни курбон қилғали.

Боғламайдур хусн элинда тоқи меъмори азал<sup>1</sup>  
Қошларингдек то бинойи түккүз айвон қилғали.

Хотириддин қилди ғорат дину дунё фикрини,  
То хаёлингни кўнгил мулкинда султон қилғали.

Сарвбўйлуқларға йўқтур эътимодим, рости,  
Ул сочи мушкин хито-чин ваъда ялғон қилғали.

Ёз фаслидур, vale мен ёр васлиндин йирок,  
Не юзим бирла борай мен гашти бўстон қилғали.

Гўйдек бўлди Атойи ҳар тараф саргаштаҳол,  
Ул санамлар шаҳсувори азми чавгон қилғали.

---

<sup>1</sup> М еъ м о р и а з а л – ишларни ислоҳ қилувчи, яъни  
Худо.

\* \* \*

Эй кўзунг сайди Хўтан гулзорининг охулари,  
Анбару мушку хито холу хатинг хиндулари.

Кўзларимтек ёшини ҳасратда уммон айлади  
Риштайи жон бирла тизган тишларинг инжулари.

Гар боши кўкка етар, ой бир ҳабаш қулдур санга,  
Хар киши туймас мунинг, уш юзида билгулари.

Мўъжизи Мусо қошинда бўлди Фиръавн  
ахлитек  
Кўзларинг онлинда Кашмир элининг жодулари.

Гар саройи жаннат ул-маъвода маскан айласанг,  
Саҳнида жоруб бўлғай ҳурлар ғесулари.

Пиставу фундуқ<sup>1</sup> талошур ўхшамок тор оғзинга,  
Мағзи йўқлуқдин эрур йўқ нимада ёргулари.

Йиғлатур қон ёш Атойи кўзларин юз ноз ила,  
Бодайи гулгун ичарда ғунчадек кулгулари.

---

<sup>1</sup> Фундуқ – ўрмон ёнғоги.

\* \* \*

Ало, эй давлати васлинг күнгүл матлуби мақсуди,  
Сүзүнгдур шаккари Мисрий, дудоқинг қанди  
Махмуди.

Телим<sup>1</sup> зухходу обидни<sup>2</sup>,  
магар гумроҳ бўлсун деб,  
Яратти сен юзи ойни еру кўкнингки маъбуди.

Ўшал соатки, сен тугдунг, мунажжим толеинг  
кўргач,  
Дедиким: «Ошиқ ўлтурмоктуур, албатта,  
мавлуди»<sup>3</sup>.

Табиблар манъ этарлар, хасталарни мевадин  
аммо,  
Бўлубтур хаста кўнглумнунг янгоқинг норина<sup>4</sup>  
суди.

Жамолинг нурини одам хуснунда кўруб шайтон,  
Чу сажда қилмади, бўлди ҳамиша Тенгри  
мардуди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Т е л и м – кўп, талай.

<sup>2</sup> О б и д – тоат-ибодат қилувчи.

<sup>3</sup> М а в л у д – туғилган вақти.

<sup>4</sup> Н о р – бу ерда: анор.

<sup>5</sup> М а р д у д – рад қилинган, ҳайдалган.

Сени хўблар шаҳи дерлар, гадоларга  
қил инъоми –  
Ким, асру айб эрур, валлоҳ, шаҳиким бўлмаса  
жуди.

Чу ониқ бағри қонидин, сугординг тиги  
ғамзангни,  
Атойи жону кўнглидин ҳам ул лаҳза илик юди.

\* \* \*

Ҳар кимки, күнглин ул сочи пурхамға боғлади,  
Саргашта бўлди, жонини ҳам ғамға боғлади.

Лаъли ҳавосидурки, ўлукни тирик қилур,  
Тарсо бу сўзни Исойи Марямға боғлади.

Ҳайратқа қолди ақлким, ул шўх сехр этиб,  
Олди камарни йўқ нимадин, кимға боғлади.

Хуршид чашмаси кошида сабзайи Хизртек,  
Эл билмасун деб, ўзини Замзамға боғлади.

Анкодуур жаҳонда вафо, булбули факир,  
Билмай күнглуни гули хуррамға боғлади.

Ер, кўк таҳаммул айламаган ишқ амонатин,  
Жони ҳазини хастайи одамға боғлади.

Бўлди Атойи сўзи жаҳоннинг мусаллами,  
То күнглин ул жамоли мусалламға боғлади.

\* \* \*

Жамолингдур бу хаста жон умиди –  
Ки, гуллар булбулу бүстон умиди.

Гаҳи маржон тӯкар, гах дурри макнун<sup>1</sup>  
Кўзумдин ул лабу дандон<sup>2</sup> умиди.

Сочар юлдуз бикин тунлар юзумда  
Ёшимни ул ики чўлпон умиди.

Мени саргашта қилди гўй янглиғ  
Хами зулфунгдағи чавгон умиди.

Иноят килки, бордур бу гадонинг  
Бошинда хидмати султон умиди.

Бу қул юз қатла ғамдин ўлгай эрди  
Бегиндин бўлмаса эҳсон умиди.

Атойи дардиға, эй жон табиби,  
Висолингдин эрур дармон умиди.

---

<sup>1</sup> Д у р р и м а к н у н – садафдаги қимматбаҳо дур; мажозан: қимматбаҳо ва гўзал нарса.

<sup>2</sup> Д а н д о н – тиш.

\* \* \*

Эй мужассам руҳдин лаълингдадур Исо дами,  
Хуснунга ошиқ фалак, ҳайрон пари, қул одами.

Бу қамар давриндаги ошуфтадил ушшоқнинг  
Шоми зулфунгдур «калайкум биссаводил  
аъзами».

Ўлтуур, доғи адам айлар мени холи лабинг,  
Бовужудиким, эрур жони азизим ҳамдами.

Не ажаб жарроҳ эрур ғамзангким, онинг қошида  
Йўқтуур наштардин ўзга хасталарға марҳами.

Ойу қундин хуснунгиз бисёр эрур, эй кошки,  
Бўлғай эрди кўнглунгузнинг зарра аҳди маҳками.

Ушбу юзнунг оллида ёлғиз тутулмас тўлин ой,  
Хам эрур пайваста қошингдин янги ойнинг хами.

Гарчи оламда париухсоралар кўптур вале,  
Бор Атойининг сизинг бирла бир ўзга олами.

\* \* \*

Эй висолинг лаззати умру тириклик ҳосили,  
Бўлмадинг бир ҳажр ила ўлган муҳиблар  
мойили.

Гар манга ойдур юзунг, хусн ичра аммо  
кўзларинг  
Шеваву нозу карашма илминингдур комили.

Қил назар, ҳирмон<sup>1</sup> шамойил<sup>2</sup> нораводур кўзлара,  
Бўлмасун маҳрум эшикингдин бошимнинг сояси.

Сен пари ишқинда гар девона бўлсан,  
килма айб –  
Ким, хуш эрмас одамининг асрү ҳам кўп окили.

Сақладим хунхорлик бирла кўнгулни муддати,  
Шукрилиллоҳ, бўлди охир дарди ишқинг  
қобили.

Юз эвургай дер мени сендин рақибинг жавр ила,  
Ҳақ билур, муҳмалдур<sup>3</sup> онинг бир хаёли ботили.

Хошалиллаҳким, Атойи, ўлса ҳам ўлдум дегай,  
Чунки сен Исонафас жононадурсан қотили.

---

<sup>1</sup> Ҳирмон – маҳрумлик, бебаҳралик, умидсизлик.

<sup>2</sup> Шамойил – 1) эзгу хислатлар; 2) феъл-атвор, хулқ;  
3) шакл, сурат.

<sup>3</sup> Муҳмал – маъносиз, беҳуда.

\* \* \*

Эй орази шамсу қамарим, нетти, не бўлди?  
В-эй, тишлари дурру гуҳарим, нетти, не бўлди?

Кўнглум куяриндин сенга мен панд берурмен,  
Эй марҳами жону жигарим, нетти, не бўлди?

Сен бор экан, ўзга кишига назар этсам,  
Чиксун бу менинг дийдаларим, нетти, не бўлди?

Гаҳ жавр ила ўлтур мени, гаҳ ноз ила, сендин,  
Ҳаққоки, менинг йўқ гузарим, нетти, не бўлди?

Эй лўъбати Ширин, сени Фарҳод менгизлик  
Оlamfa ёйилди севарим, нетти, не бўлди?

Умрумни сенинг қуллуғунга сарф қилибмен  
Эй ўз кулидин бехабарим, нетти, не бўлди?

Бир зарра чучук сўзни Атойидин аярсен,  
Эй лаблари шахду шакарим, нетти, не бўлди?

\* \* \*

Юзунгдин гар йирок солсам назарни,  
Нетармен күзда бу нури басарни?<sup>1</sup>

Лабингни қанда күрмишким, уёттин  
Ёшурди банд ичинда най<sup>2</sup> шакарни.

Сени хуршид ўкуғондин ажабтур –  
Ки, султон бирла тенг дер дарбадарни.

Фариб эрур гадони сўрмок, эй шох,  
Сўрарлар жумла олам мўътабарни.

Бўюнсунсам ғамингfa, айб эмаским,  
Забун айлар муҳаббат шери нарни.

Ракибу зоҳид оҳимдин куярлар,  
Бале, ўт куйдуур ҳар хушку тарни<sup>3</sup>,

Атойи севди жондин қоматингни,  
Севар Ҳақ бим<sup>4</sup> йўлида ростларни.

---

<sup>1</sup> Б а с а р – кўз, кўриш қуввати.

<sup>2</sup> Н а й – қамиш.

<sup>3</sup> Х у ш к у т а р – хўлу қуруқ.

<sup>4</sup> Б и м – қўркув, ваҳима, хавф.

\* \* \*

Кўнглумни олғали зулфунг каманди<sup>1</sup>,  
Паришон бўлди ғамдин банд-банди.

Неча дафъи хумор этмас кўзунгким,  
Лаби лаълингдадур Мажнун қанди.

Мулойимдур бўюнг мадҳин ўқурда,  
Мақоми «Рост»<sup>2</sup> оҳанги баланди.

Манга дармон ҳамин, бас, буки дерлар  
Санингдек марҳами жон дардманди.

Не нисбат сарвга қаддинг биланким,  
Эрур ул боғбонларнинг лаванди<sup>3</sup>.

Ангаким, ишқ ҳоли бўлди ғолиб,  
Асар қилмас насиҳаттўй панди.

Атойи шеърининг лутфини билса,  
«Латофатнома»дин кечгай Хўжандий<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> К а м а н д – ҳалқа, сиртмоқ, банд, тузоқ.

<sup>2</sup> Р о с т – Шашмақомнинг бешинчи мақоми.

<sup>3</sup> Л а в а н д – ялқов, танбал, дангаса.

<sup>4</sup> Х ў ж а н д и й – XIV асрнинг иккинчи ярми – XV асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган шоир.

\* \* \*

Гарчи қобил кўрмадинг, жоно, висолингға мени,  
Қил суфориши<sup>1</sup> боре раҳм айлаб хаёлингға мени.

Гунбади чархи фалак қандилини ёнтургучи  
Айлади парвонае шамъи жамолингға мени.

Лойик эрмас эрди дому донға кўнглум қуши,  
Кўзларинг сайд эттилартек зулфу холингға мени.

Меваи беҳбудлук кўрмай висолинг боғидин,  
Нор янгоқинг солди сўнмас ўту ёлингға мени.

Ваъдаға қилғум вафо дегунча ёлғон сўз била,  
Бир йўли бутгил<sup>2</sup> дегил амри маҳолингға мени.

Эй малоҳатгўй, ман саргаштадурмен зулвидин,  
Билмайин қилма қиёс осуда ҳолингға мени.

Дер Атойи ул ҳуснфаким, кўяр бол ирнига,  
Жони ширинимға еткур, богла болингға мени.

---

<sup>1</sup> Суғориш – ҳол-ахвол сўраш, меҳрибонлик қилиши.

<sup>2</sup> Бутмоқ – бу ерда: ишонмок.

\* \* \*

Ғамдин ўртанди күнгүл, айламассан шод ани,  
Ганжи ишқингдур бузулди, қилмадинг ободани.

Ростлиқа боқса қадинг, ишқида бүстон аро,  
Сарв бир түғри қулунгдур, тик дер эл озодни.

Асру күп ичти магар ҳуснунг майин усрук  
күзинг,  
Уйғата олмас бу муича нолаю фарёд ани.

Шевада қошинг күзунг шогирдидур билмон нега,  
Юқори ўлтуратур ўзиндин ўшал устодни.

Бўлди қошингдин жудо ёйтак Атойининг бўйи,  
Ё сен-ўқ ўлтур ўзинг, ё қил бирорда ёд ани.

\* \* \*

Оғзинг фикринда күнглум боре пайдо бўлмади,  
Зулфидин бошимда жуз ташвиши савдо бўлмади.

Гул юзиндин мунфаил насрин Эрам бўстонида,  
Коматиндин тўбийи фирмавс аъло бўлмади.

Лолатек рухсорасинда анбарин холи учун,  
Нофайи мушки Хўтган йўқтурки, лоло бўлмади.

Лаълининг Исо дами тарсочининг зунноридин,  
Колмади бир зоҳиди обидки, тарсо бўлмади.

Зеҳни нозиклар муаммо истилоҳин тузгали,  
Оғзитек мушкилкушо<sup>1</sup> ҳаргиз муаммо бўлмади.

Украна олмас рақиби бирла ул илми вафо,  
Оре, бехуршиди тобон зарра пайдо бўлмади.

Ёрсиз мунглуғ Атойининг вужудидур адам,  
Кимки нодонга мусоҳиб бўлди, доно бўлмади.

---

<sup>1</sup> М у ш к и л к у ш о – мушкулларни ҳал қилувчи.

\* \* \*

Қилча жонимга үшал зулфи қаро қасд айлади,  
Ул ало күзлар дағи құнглум оло қасд айлади.

Гул юзунгдек тозаву рангину софу обдор<sup>1</sup>  
Топмади гулшанда хар неча сабо қасд айлади.

Қош ёсин тортиб күзунг, хар дам юракни ёрғунг,  
Хар хадангким отти, бағримни яро қасд айлади.

Гар балокаш айлади зулфунг учун құнглум мени,  
Айб әмаским, ул даги ногах бало қасд айлади.

Ақли қул фаҳм этмаган белинг хаёли нозукин,  
Аҳсаналлоҳким<sup>2</sup> магар, бас мунтаҳо қасд айлади.

Хар күнгилким, тутмади жоду қүзунгдин гүшае,  
Гүшалардин жонида юз минг бало қасд айлади.

Күз била ёшин Атойи парвариш қилди вале,  
Фош қилди розин охир ҳам анго қасд айлади.

---

<sup>1</sup> О б д о р – сержило, нодир.

<sup>2</sup> А х с а н а л л о ҳ к и м – Оллоҳга ҳамд бүлсінким.

\* \* \*

Андаким, катми адамдин<sup>1</sup> қилди Ҳақ пайдо мени,  
Зарратек оғзинг хаёли айлади шайдо мени.

Ёнгамен шамъи жамолинг оллида парвонатек,  
Ёнмагаймен ҳар нечаким, қилмасанг парво мени.

Ҳар нафас жоним олур ул икки жоду сеҳр этиб,  
Тиргузур ҳар дам-бадам бу лаъли рухафзо<sup>2</sup> мени.

Сакладим сиррингни йиллар жону күнглимда  
вале,  
Кўз ёшим оҳим била қилди бу кун расво мени.

Эй сочинг куфру юзунг иймон, фироқингда мени,  
Раҳм қилгай кўрса габру<sup>3</sup> кофиру тарсо мени.

Қош ёсиндин кўзунг ҳар бир хадангеким отар,  
Ё нишон айлар бағирни, ё юракни, ё мени.

Эй Атойи бу хаёли хомдур сандин десанг –  
Ким, даме ёд этгай ул сийминбадан раъно мени.

---

<sup>1</sup> К а т м и а д а м – йўқлик.

<sup>2</sup> Р у х а ф з о – рухлантирувчи, жонлантирувчи, тирилтирувчи.

<sup>3</sup> Г а б р – оташпараст, мажусий.



## МҰНДАРЫНДА

Эргаш Очилов. Атойи шеърининг лутфи . . . . .	3
Ғазаллар . . . . .	31

АТОЙИ  
ЖОНДАН АЗИЗ ЖОНОНА

*Fазаллар*

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2011

Мұхаррир: *Ш. Эргашева*  
Бадий мұхаррир: *Т. Қаноатов*  
Техник мұхаррир: *Л. Хижсова*  
Мусаҳихлар: *А. Зокиров, Ш. Хуррамова*  
Сахифаловчи: *Л. Бацева*

Босишга рухсат этилди 22.12.2010. Бичими 70x90<sup>1/32</sup>.  
Офсет босма. «Times New Roman» гарнитураси. Шартли  
босма табоги 11,11. Нашриёт-хисоб табоги 12,68. Адади  
3000. Буюртма № 1377. Баҳоси келишилган нархда.

**«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**



ISBN 978-9943-00-562-4

9 789943 005624